

**ЎЗБКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР
ҚЎМИТАСИ**

РЕСПУБЛИКА “ОИЛА” ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

***ҒАЙРАТ ШОУМАРОВ
БАХРИДДИН УМАРОВ
ФЕРУЗА АКРАМОВА***

**ЁШЛАРДА ХУЛҚ ОҒИШИ ВА ТАРБИЯ
БУЗИЛИШИНING ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА
ПСИХОЛОГИК МАСЛАҲАТЛАР**

(Педагоглар, ота-оналар, ўзини ўзи бошқариш органлари маҳалла фуқаролар
йиғини ходимлари, ва амалиётчи психологлар учун услубий қўлланма)

Т О Ш К Е Н Т - 2015

**ЎЗБКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР
ҚЎМИТАСИ**

РЕСПУБЛИКА “ОИЛА” ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

***ҒАЙРАТ ШОУМАРОВ
БАХРИДДИН УМАРОВ
ФЕРУЗА АКРАМОВА***

**ЁШЛАРДА ХУЛҚ ОҒИШИ ВА ТАРБИЯ
БУЗИЛИШИНING ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА
ПСИХОЛОГИК МАСЛАҲАТЛАР**

(Педагоглар, ота-оналар, ўзини ўзи бошқариш маҳалла фуқаролар йиғини
ходимлари, маҳалла посбонлари ва амалиётчи психологлар учун услубий
қўлланма)

Т О Ш К Е Н Т - 2015

УЎК:???
КБК: ???
Ш?

Ш? Шоумаров Ғ., Умаров Б., Акрамова Ф.

Ёшларда хулқ оғиши ва тарбия бузилининг олдини олиш бўйича психологик маслаҳатлар/ Ғ.Шоумаров, Б.Умаров. – Тошкент.

ISBN ?????

УЎК:???
КБК: ???

Ушбу илмий-услубий қўлланма Республика “Оила” илмий-амалий маркази илмий-услубий кенгаши йиғилишининг 2015 йил ??? июндаги ? – сонли баёни билан тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган.

Мазкур услубий қўлланмада ёшлар хулқ-атворида учрайдиган салбий иллатлар: 1) ёшларда хулқ оғиши ва тарбия бузилиши келиб чиқишининг ижтимоий-психологик сабаблари; 2) характер акцентуацияси ва хулқ оғиши, болалар ва ўсмирларда хулқ оғишининг келиб чиқишида ижтимоий муҳит ва оилавий тарбиянинг ўрни; 3) болалар хулқ-атворидаги салбий оғишлар типологияси ва хулқ оғишининг шаклланиши; 4) вояга етмаганлар ўртасида хулқ оғишининг олдини олиш бўйича профилактик чора –тадбирлар; 5) тарбияси қийин болалар билан ишлаш тадбирлари; 6) ёшларда хулқ оғиши ва тарбия бузилишининг олдини олиш бўйича профилактик тадбирларнинг айрим ижтимоий-психологик хусусиятлари; 7) тарбияси қийин болалар ва ўсмирлар билан ишлаш юзасидан психологик маслаҳатлар; 8) хулқ оғишининг олдини олиш ва уни бартараф этишга психологик таъсир, тарбияси қийин болалар ва ўсмирлар билан олиб бориладиган психокоррекцион тадбирлар; 9) маҳаллаларда вояга етмаганлар тарбиясидаги нуқсонларнинг олдини олишнинг ижтимоий-психологик масалалари; 10) Болалар ва ўсмирларда хулқ оғиши ва тарбиядаги бузилишларнинг олдини олиш бўйича айрим тавсиялар ва бошқалар ўрин олган.

Ушбу услубий қўлланма педагоглар, ота-оналар, ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари, амалиётчи психологлар ва шу соҳа билан қизиқувчи барча мутахассислар учун мўлжалланган.

Тақризчилар: **З.Т.Нишонов** – психология фанлари доктори, профессор
И.О.Хайдаров – психология фанлари номзоди, доцент

ISBN ?????

“Ал-ҳосил, тарбия бизлар учун ё ҳаёт-
мамот, ё нажот ё ҳалокат, ё саодат
ё фалокат масаласидур”

Абдулла Авлониё

КИРИШ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳар томонлама камол топган, жамиятга, турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқораларни тарбиялашни назарда тутди. Зотан, ҳар томонлама баркамол, касбий маҳорат сирларини пухта эгаллаган мутахассислар юрт фаравонлигига муносиб ҳисса қўша олади.

Маълумки, тарбиянинг умумий ижтимоий вазифаси – ёш авлодда билим, кўникма, ижтимоий тажриба ва ахлоқ нормаларини шакллантиришдан иборат. Шу мақсадда ёш авлодга тарбия бериш мақсадга йўналтирилган тарбиявий таъсир, ижтимоий ҳаётда муносабатга киришиш меъёрларини ва шу асосда зарурий шарт-шароит яратишни назарда тутди.

Одатда ҳар бир соҳанинг ўз устаси бўлади. Инсон қалбининг устаси эса психологлар ҳисобланади. Педагогларнинг яқин ёрдамчиси, болалар қалби ва руҳиятига йўл топа оладиган кишилар – психологларга бўлган эҳтиёж ҳозирги кунда таълим-тарбия соҳасида ортиб бормоқда. Бу борада халқ таълими тизимида амалиётчи психологларнинг фаолият кўрсатишлари таълим мазмуни ва сифатини оширишда катта аҳамият касб этмоқда.

Тарихдан маълумки, ўзбек халқи бой маънавий, маданий қадриятларга эга. Ана шу қадриятлар, урф-одатлар, расм-русумлар ва тарбия усуллари орқали боболаримиз, момоларимиз фарзандларини тарбиялаб вояга етказишган. Миллий қадриятлар руҳида тарбияланган фарзандлар одоб-ахлоқда, ақл-заковатда, меҳр-оқибат ва халқпарварликда, жасурлик ва мардликда ном қозонган.

Хабарингиз бор халқимиз узоқ йиллар мобайнида европача турмуш тарзини бошидан кечирди. Бир неча минг йиллик урф-одатлар, расм-русумлар, анъаналар ва миллий тарбия усуллари ўрнига европача тарбия маданияти кириб келди. Улар баъзан тазйиқ орқали ҳам киритилди. Натижада халқимиз тарихан шаклланган бой маданий ва маънавий меросидан, оилавий тарбия усулларида айрилди.

Назаримизда бундай ҳолат, бугунги кунда ўзбек оилаларидаги тарбия самарасига қайсидир маънода салбий таъсир кўрсатди. Натижада оилавий тарбиянинг таъсирчанлик роли пасайди. Ота-она ва болалар ўртасидаги муносабатлар кескинлашди. Оилаларда меҳр-оқибат, кичикларга иззат, катталарга ҳурмат камайиб борди. Бу охир оқибат атрофга, жамиятга ҳам таъсир эта бошлади. Шу боисдан бўлса керак, бугун кўча-кўйда ёшларнинг ўзини тутушлари, муомала муносабатлари баъзан кишининг ғашини келтиради.

Табиийки, бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш тадбирларини ота-оналар ва маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари, ўз фаолиятларини педагогик жамоа, ота-оналар, васийлик ва ҳомийлик ташкилотлари, тиббиёт ходимлари, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис Марказлари мутахассислари, балоғатга етмаган ўсмирлар билан ишлаш тузилмалари ва жамоатчилик ташкилотлари билан узвий ҳамкорликда олиб бориш талаб этилади.

Мазкур қўлланма ота-оналар ва маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари, ёшлар ўртасида хулқ оғиши ва тарбия бузилиши ҳамда тарбияси оғир болалар билан ишлаш жараёнида қўллаш мумкин бўлган зарурий психологик тавсияларни ўз ичига қамраб олган.

Мазкур услубий қўлланма педагоглар, ота-оналар, ўзини ўзи бошқариш фуқаролар йиғини ходимлари, маҳалла посбонлари, амалиётчи психологлар ва шу соҳа билан қизиқувчи барча мутахассислар учун мўлжалланган.

Ушбу китобчада берилаётган мулоҳазалар орқали муҳтарам ўқувчимиз ўзи учун тегишли хулосалар чиқариб олади, деб умид қиламиз. Шунинг учун рисолани ўқиш жараёнида унга бефарқ қолмай, ўз фикрларини билдирган ўқувчиларимизга олдиндан миннатдорчилигимизни билдирамыз.

Муаллифлар жамоаси

“ОҒИШГАН ХУЛҚ” ТУШУНЧАСИ ВА УНИ АНИҚЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Маълумки, махсус адабиётларда “оғишган хулқ” атамаси кўпинча девиант ахлоқ (девиатио – лотин тилида оғишган) синоними билан алмаштирилади. Келгусида биз ўзаро бир-бирининг ўрнини тўлдирувчи сифатида ҳар иккала атамани яъни, “оғишган”, “девиант” сўзларини қўллаймиз. Бунда биринчи атама илмий, аниқ ва ўрганилган бўлгани сабабли кўпроқ афзал қўрилади.

Ўрганилаётган тушунчанинг мураккаблиги ҳамда, унинг фанлараро характерга эга эканлигини таъкидлаш ўринлидир. Ҳозирги вақтда атамадан икки асосий мазмунда фойдаланилади. Девиант хулқ, биринчидан, “расман ўрнатилган ёки ҳақиқатда ушбу жамиятда юзага келган меъёрларга мос келмайдиган муомала ва инсон ҳаракати” маъносида психология, педагогика ва психиатриянинг предмети сифатида намоён бўлади. Иккинчидан, “Инсон фаолиятининг оммавий ва мустақкам шаклларга нисбатан ифодаланувчи ва расман ўрнатилган ёки ушбу жамиятда ҳақиқатда мавжуд бўлган меъёрлар ва умидларга мос тушувчи ижтимоий кўриниш” – маъносида у социология, ҳуқуқ, ижтимоий психологиянинг предмети ҳисобланади. Ушбу қўлланмада биз оғишган хулқни биринчи жиҳатдаги афзалликда – индивидуал фаолликнинг кўриниши сифатида кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, тушунчани таърифлаш кўринишнинг муҳим белгиларини ажратишни кўзда тутди. Шу маънода шахснинг оғишган хулқининг шундай махсус хусусиятларини ажратиш мақсадга мувофиқки, у бизга бу хулқни бошқа феноменлардан фарқлашда, шунингдек, аниқ бир одамда унинг мавжудлиги ҳамда динамикасини аниқлаш заруратига ёрдам бersive.

1. *Шахснинг оғишган хулқи – бу умумқабул қилинган ёки расман ўрнатилган ижтимоий меъёрларга мос тушмайдиган ахлоқ.* Бошқача айтганда, бундай хулқ мавжуд қонунлар, қоидалар, анъаналар ва ижтимоий буйруқларга мос тушмайди. Девиант хулқ меъёрдан оғишган ахлоқ ёки хулқ сифатида аниқлаганда шуни эсда тутиш керакки, ижтимоий меъёрлар ўзгаради. Бу, ўз навбатида, оғишган хулққа тарихан, ўткинчи характер беради. Мисол сифатида давр ва давлат, чекишга муносабатдан ва бошқаларни келтириш мумкин.

Шубҳасиз, девиант хулқ – бу ҳар қандай меъёр эмас, балки ушбу жамият учун шу даврда бирмунча муҳим бўлган ижтимоий меъёрларнинг бузилишидир.

2. Шахс ва девиант хулқ ҳамда унинг намоён бўлиши бошқа одамлар томонидан салбий баҳоланади. Салбий баҳо жамоатчилик муҳокамаси ёки ижтимоий санкция (меъёрлар), шу жумладан, жиноий жазо шаклига эга бўлиши мумкин. Даставвал, санкциялар исталмаган хулқнинг олдини олиш вазифасини бажаради. Бироқ бошқа томондан улар шахс стигматизацияси **(Маъносини берилса яхши бўларди)** – унга тамға олиш каби салбий

кўринишни олиб келади. Масалан, жазо муддатини ўтаб, “меъёрий” ҳаётга қайтган одамнинг мослашувидаги қийинчиликлари кўринишида.

Инсоннинг янги ҳаёт бошлашга интилиши кўпинча, атрофдаги одамларнинг ишонмаслиги ва уларни рад этиши натижасида барбод бўлади. Девиант (гиёҳванд, жиноятчи, ўз-ўзини ўлдирувчи ва қ.к.) тамғаси секин-аста девиант барқарорликни (ўз-ўзини ҳис қилиш) шакллантиради. Шундай қилиб, аҳмоқона шуҳрат хавфли яққаланишни кучайтиради, ижобий ўзгаришларга тўсқинлик қилади ва девиант хулқнинг такрорланишини келтириб чиқаради.

3. Оғишган хулқнинг хусусиятлари шахснинг ўзи ёки атрофдагиларга аҳамиятли тарзда ҳаёт сифатини пасайтирган ҳолда реал зарар келтириши ҳисобланади. Бу мавжуд тартибнинг нотурғунлиги, маънавий ва моддий зарар келтириш, жисмоний зўрлик ва дард-алам етказиш, соғлигининг ёмонлашиши бўлиши мумкин. Девиант хулқ ўзининг энг кейинги кўринишларида ҳаёт учун бевосита хавф туғдиради. Масалан, суицидал хулқ, зўравонлик жиноятлари, “оғир” гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш хулқлари. Зарарнинг психологик кўриниши ўша одамнинг ўзи ёки унинг атрофидагиларнинг азият чекишидир.

Ушбу белги шаклидан – деструктив ёки аутодеструктив бўлишидан қатъий назар оғишган хулқнинг парчаловчи эканини билдиради. Бизнинг назаримизда радикаллик, креативлик ва маргиналлик каби яқин ижтимоий кўринишлар оғишган хулқ бўла олмайди ва ушбу белгини қониктирмайди. Гарчи улар ҳам умумқабул қилинган меъёрлардан чекланиб, аҳолининг консерватив ҳолатга майли бўлган қисмида ғашлик уйғотса-да, бу феноменлар жамият учун хатардан кўра фойдалироқдир. Хуллас, радикал мойил бўлган шахслар жамиятни тубдан янгилашни мақсад қиладилар, бу эса уларда истиқболли ўзгаришларга сабаб бўлади. Креаторлар ностандартлиги билан фарқланиб, тадқиқотчилар ва илк очувчилар сифатида чиқадиладар. Маргиналлар ижтимоий меъёрларнинг чегараларини кенгайтирган ҳолда ўзларини кўпчиликка қарши қўядилар. Санаб ўтилган феноменлар уйғунлашиши мумкин. Масалан, кўпинча ўсмирлар хулқи барча учта тенденцияни ўзида акс эттиради пирсинг, татуировка ёки ҳатто чандиқ билан эксперимент ўтказган ўсмирни, албатта, девиантлар гуруҳига киритиш мумкин эмас. Бироқ героин истеъмол қилувчи ўсмир ҳаёт учун юқори хатарли оғишган хулқни яққол намоиш қилади. Шундай қилиб, оғишган хулқ ўз моҳияти бўйича деструктивдир.

4. Хулқ оғишини такрорланувчи (кўп маротаба ёки узоқ муддатли), деб характерлаш мумкин. Агар етти ёшли бола ота-онасидан сўрамай ширинликлар учун унча катта бўлмаган маблағни олган бўлса, келгусида ижтимоий тартибни бузмаса, ушбу хулқни оғишган сифатида таърифлаш одобдан бўлмайди.

Аксинча, ўсмир томонидан доимий тарзда англаган ҳолда пул ўғирлиги содир этилса – бу оғишган хулқ шаклларида бири ҳисобланади.

5. Хулқни оғишган, деб тасниф қилиш учун у аввало, шахснинг умумий йўналганлиги билан мувофиқлашиши зарур. Бунда хулқ ностандарт вазиятлар оқибати (масалан, жароҳатдан кейинги синдром доирасидар ахлоқ), инқирозли вазият оқибати (масалан, яқин одамнинг ўлими туфайли биринчи

ой давомидаги қайғу реакцияси) ёки ўз-ўзини муҳофазалаш оқибати (масалан, ҳаёт учун реал хавфнинг мавжудлигида) бўлмаслиги лозим.

6. Оғишган хулқнинг хусусиятларидан яна бири у тиббий меъёрлар чегарасида кўриб чиқилади. У гарчи патологик ҳолат билан уйғунлашса-да, психик касалликлар ёки патологик ҳолат билан тенглаштирилмаслиги даркор. Психик парокандалик ҳолатида психик касал одам патологик хулқни намоён қилиши табиийдир. Патологик хулқ тиббий меъёрлардан оғишади ва даражаси тиббий аралашувни талаб қилади ва психиатрияда, масалан, психик касалларнинг девиант хулқи сифатида ўрганилади. Патологик хулқ - касаллик ҳолати таъсири остида шахснинг ўз ҳаракатларини англаш ва назорат қилиш қобилиятининг аҳамиятли тарзда пасайишини назарда тутати.

Айни дамда муайян шароитларда оғишган хулқ патологик кўринишга ўтиши мумкин. Масалан, муҳтож бўлиб қолган хулқ тизимли касалликка ўсиб ўтиши мумкин – пиёнисталик, гиёҳвандлик. Шундай қилиб, оғишган хулқли шахс “соғлиқ – касаллик олди – касаллик” психопатологик руҳида исталган жойни эгаллаши мумкин.

7. Оғишган хулқнинг хусусиятларидан яна бири у ижтимоий мослашишни издан чиқишининг турлича кўринишлари билан бирга боради. Ушбу хулқ касаллик ёки ўлимга олиб келиши шарт эмас, бироқ у табиий суратда ижтимоий мослашишнинг издан чиқиши ҳолатини келтириб чиқаради. Мослашишнинг издан чиқиши ҳолати, ўз навбатида, шахснинг оғишган хулқини мустақил сабаби бўлиши мумкин.

8. Оғишган хулқнинг охириги белгиси сифатида унинг ифодаланган индивидуал ва ёш-жинсий ўзига хослигини таъкидлаш мумкин. Оғишган хулқ даставвал, шахснинг жамиятда ташқи мавжудлигини акс эттиради. У “ички” жиҳатдан ўта турли-туман бўлиши мумкин. Девиант ахлоқнинг бир хил турлари ҳар хил одамларда турли ёшда турлича кузатилади.

Одамларнинг индивидуал фарқланиши хулқ сабаблари, кўриниш, динамика шакллари, ифодаланганлик белгиси ва даражасига дахлдордир. Масалан, девиация шакли ва унинг ифодаланганлик даражаси шахснинг оғишган хулқини бирмунча яққол тавсифлаш ҳисобланади. Улар тўла беозор кўринишдан шахснинг ҳаётий фаолиятини кучли бузилишигача ўзгартириши мумкин.

Бошқа муҳим индивидуал хусусият одамнинг оғишган хулқни қандай ўзи учун бегона, исталмаган хулқ сифатида, вақтинчалик қониктирувчи ёки оддий ва мафтункор хулқ сифатида қарашига тааллуқлидир. Шунинг учун шахснинг оғишган хулққа муносабати (шахсий нуқтаи назари) кўп ҳолларда унинг тақдирини белгилайди.

Барча юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, оғишган (девиант) хулққа қуйидагича таъриф бериш мумкин – бу шахснинг бирмунча муҳим ижтимоий меъёрлардан оғувчи, жамият ёки унинг ўзига зарар етказувчи, шунингдек, унда ижтимоий мослашишнинг издан чиқиши билан бирга боровчи турғун хулқидир.

Индивидуал даражадаги девиант хулқ анчагина муаммоли ҳисобланади. Чунки шахснинг ўзи ва атрофдаги одамлар ҳаёти учун зарар келтириши,

девиант хулқли шахсинг ижтимоий муҳит билан низоли вазиятда бўлиши ва унда ижтимоий мослашишнинг издан чиқиши каби салбий феноменлар билан боғлиқ бўлади.

Хусусан, оғишган хулқ шахсий даражада – бу шахсинг девиант хулқ ва ҳаёт тарзи шаклида юзага чиқувчи ижтимоий нуқтаи назардир. Маълумки, кўпчилик одамлар истасалар жамиятга нисбатан ўз нуқтаи назарларини ўзгартиришлари мумкин.

Кўпгина фанларда кўринишларни “меъёрий” ва “аномал”га бўлиш қабул қилинган. Масалан, тадқиқотчи Ж.Годфруанинг ҳаққоний эътирози бўйича “қандай хулқни меъёрий, деб ҳисоблаш мумкин”, деган савол инсон хулқини, шу жумладан, оғишган хулқни тушунтириш учун марказий ҳисобланади. Шунинг учун “меъёрий” “номеъёрий” ёки “патологик” хулқ тушунчасининг маъносига ҳаётий таъриф бериш мураккаб, улар орасидаги чегара эса ўта ноаниқ.

Шунга қарамай, илмда ва кундалик ҳаётда ушбу тушунчалар биргаликда фойдаланилади. Бунда нормал хулқ атамаси остида, қоидадагидек, оғриқли хафагарчилик билан боғлиқ бўлмаган, шу билан биргаликда, кўпчилик одамлар учун характерли бўлган меъёрий - маъқулланган хулқ тушунилади. Шунга ўхшаш, номеъёрий хулқни қуйидагича бўлиш мумкин: меъёрий-маъқулланмаган, патологик, ностандарт.

“Меъёрий” хулқ деб, қатъий мазмунда айна вақтда қабул қилинган меъёр - ўлчовга мувофиқ келувчи барча нарсалар ҳисобланади. Меъёрларни олиш усулларини кўпинча мезон, деб атайдилар. Энг кўп тарқалган ва умумий ҳисобланган мезонлардан бири – ривожланиш ва тараққиётда учрайдиган даражаларни ҳисоблаш ёрдамида исталган кўриниш учун меъёрни аниқлашга имкон берувчи статистик мезон (усул) ҳисобланади. Математик статистика нуқтаи назаридан тез-тез, яъни 50 фоиздан кам бўлмаган ҳолларда учрайдиган ҳамма нарса меъёрийдир. Меъёрий тақсимот қонунига мувофиқ равишда 2-3 фоиз одамлар “меъёрий”дан икки томон бўйича кўпчилик муайян бир сифат бўйича (интеллект, мулоқотчанлик, ҳиссий турғунлик) хулқнинг яққол бузилишига, ҳар икки томондан 20 фоизи эса нисбатан катта бўлмаган оғишларга эга.

Статистик мезон ифодаланиш ва ҳаёт учун хатар даражаси бўйича ахлоқнинг сифат-миқдорий баҳоси билан уйғунлашади. Масалан, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ақлли чегараларда (катта бўлмаган доза ва частотада) меъёрий кўриниш деб тан олинади, бироқ уни суиистеъмол қилиш оғишганликни англатади. Бошқа томондан одамнинг ўзи ёки атрофдагилар ҳаёти учун тўғридан-тўғри хавф тукдирувчи ахлоқ унинг частотаси, баъзан эса ифодаланганлик даражасидан қатъи назар оғишган сифатида баҳоланади, масалан, суицид ёки жиноят.

Гуманитарда фанлар статистика билан бир қаторда шахс ахлоқининг меъёрийлиги номеъёрийлигини баҳолашнинг махсус мезонларидан ҳам фойдаланилади: психопатологик, ижтимоий-меъёрий ва индивидуал-психологик.

Психопатологик мезонлардан тиббиётда фойдаланилади. Уни шахснинг оғишган хулқи ва бошқа соҳаларда қўллашга қизиқтирадиган нарсалар орқали аниқлаш мумкин. Эҳтимол, бу девиант хулқ тадқиқотларининг анъанавий равишда клиник шароитларда олиб борилиши билан боғлиқдир, медикаментоз терапия эса бундай ҳолларда кенг тарқалган ҳисобланади.

Санаб ўтилган шакллар муаммонинг характери билан уйғунлашганда мураккабликлар ва ташқи белгиларнинг ноаниқлиги билан характерланади. Масалан, “характер акцентуацияси – бу унинг меъёрида бошқаларга нисбатан яхши ва ҳатто кўтаринки мустақкамликда психоген таъсирларнинг муайян турига муносабатда танланган заифлик маълум бўладиган алоҳида чизиқлари ўта кучайтирилган кўриниш.

Маълумки, қатор ҳолларда акцентуация қонунга қарши ҳаракат, суицидал хулқ, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш каби оғишган хулқ билан уйғунлашади. Шунинг учун ҳам айни дамда акцентуацияланган кўпчилик одамларнинг хулқи оғишган ҳисобланмайди. К.Леонгарднинг фикрига кўра ривожланган давлатларда аҳолининг 50 фоизи акцентуацияли шахсга тааллуқлидир []. Бунда уларнинг кўпчилик қисми меъёрий ахлоқни намоёиш қилади ва ҳатто жамият олдида алоҳида хизматларга ҳам эгаллиги намоён бўлади.

Навбатдаги ижтимоий-меъёрий мезон жамият ҳаётининг турли соҳаларида ўта муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир одамнинг ахлоқи ҳар кун баҳоланади ва турли-туман ижтимоий меъёрлар ёрдамида бошқарилади. (Ижтимоий меъёрлар, унинг турлари ва ҳаракат механизмлари тушунчалари кейинги бўлимда ёритилади.) Ижтимоий-меъёрий мезонларга мувофиқ ахлоқнинг айни дамда жамият талабларига мос тушиши меъёрий, деб англанади ва маъқулланади. Оғишган хулқ эса аксинча, асосий жамоавий кўрсатмалар ва қадриятларга зиддир.

Жамиятнинг ўзи ўзгарса, унда амал қилаётган ижтимоий меъёрлар ҳам ўзгаради. Масалан, шўролар давлатида “коммунизм қурувчиси” сифати бурч туйғуси, ғояга садоқат, жамоавий масъулият, бирлашган тафаккур каби кенг ёйилган ғоялар бўлган. Қайта қуриш вақтидан бошлаб, шахсий ташаббускорлик, мустақиллик, ташаббускорлик, тадбиркорлик муҳим рол ўйнай бошлади.

Ижтимоий-меъёрий мезон нуқтаи назаридан хулқ меъёрийлигининг етакчи кўрсаткичи шахснинг ижтимоий мослашганлик даражаси ҳисобланади. Бунда меъёрдаги, муваффақиятли мослашуви қадриятлараро, индивиднинг хусусиятлари ва уни ўраб турган ижтимоий муҳитдаги талаблар, қоидаларнинг мақбул мувозанати билан характерланади. Шубҳасиз, ижтимоий талабларни яққол инкор этиш каби индивидуаллиқнинг намоён бўлиши, масалан, конформизм шаклида – шахс манфаатларини муҳит босимига тўлиқ бўйсундириш ҳам бирдек муаммо ҳисобланади.

Етарлича мослашмаганлик – бу шахсий аҳамиятли бўлгани каби муҳит талабларини қабул қилиш ва бажаришга, шунингдек, ўз индивидуаллигини аниқ ижтимоий шароитларда рўёбга чиқариши суст лаёқат ҳолати.

Ижтимоий мослашув сустигининг ижтимоий ва индивидуал кўринишларини ажратиш мумкин. Мослашув сустигининг ижтимоий кўринишлари қуйидагилар ҳисобланади:

- паст ўзлаштириш, ўз меҳнати билан маблағ ишлаб топишга лаёқатсизлик;
- ҳаётий муҳим соҳаларда сурункали ёки яққол ифодаланган омадсизлик (оилада, ишда, шахслараро муносабатларда, соғлиқда);
- қонун билан низолар;
- яккаланиб қолиш.

Мослашмаганликнинг индивидуал кўринишлари сифатида қуйидагиларни кўриб чиқиш мумкин:

- ижтимоий талабларга муносабати юзасидан салбий ички тартиб (улар билан келишмаслик, тушунмаслик, норозилик, қарши ҳаракат);
- ўзининг масъулиятдан қочишга интилишида атрофдагиларга кўтаринки эътироз билдириш, эгоцентризм;
- сурункали ҳиссий нотурғунлик;
- ўз-ўзини бошқаришнинг бесамарлиги;
- келишувчанлик ва коммуникатив кўникмаларнинг заифлиги;
- реалликни когнитив бузиб кўрсатиш.

ХУЛҚ – АТВОРДАГИ “САЛБИЙ ОҒИШ”ЛАР ТИПОЛОГИЯСИ ВА ХУЛҚ ОҒИШИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Ўқувчилар хулқ-атворидаги салбий оғишлар борасида олимлар бир қатор типологияларни яратишган. Қуйида психолог В.Клайннинг ўсмирлардаги салбий оғишларга оид қарашларига тўхталиб ўтамиз.

1. **“Эси паст”**. Ўсмирларнинг хулқ-атворида шўхлик, ёқимсиз ҳатти-ҳаракатлар етакчилик қилади. Уйга кеч келиш, алдаш, таълим муассасасидаги ҳар хил низоли вазиятни келиб чиқишига сабабчи бўлишлари, кинога билетсиз киришлари, доим жанжаллашиш, атрофдагиларни кўнглини қолдириш, наркотикни татиб кўришга мойил бўлишлари.

2. **“Ота-онанинг душмани”**. Бу тоифадаги ўсмирлар ўз ҳатти-ҳаракатлари билан ота-оналарини қийин ҳолатга қолдирадилар, уларга норозилик ҳиссини очик ойдин билдирадилар. Улар ота-онасини муносабатини тушунмайдилар. Бу даврда салбий ҳислари ортиб боради.

3. **“Ахлоқсиз бола”**. Бундай ўсмирлар асоциал йўналишга эга. Уларнинг ҳиссий ва интеллектуал тараққиётида ўзгаришлар йўқ, хулқ-атворида ҳам яққол ўзгариш кузатилмайди. Уларда қонунбузарлар билан алоқада бўлишга мойиллик бор. Бу ҳолат болага нисбатан оиладаги эътиборсизлик ёки номақбул оилада тарбия топганлиги замирида вужудга келиши мумкин.

4. **“Органик”**. Бу тоифадаги болаларда миянинг лат ейиши ёки ақлий тараққиётида ортда қолиш юзага келади. Бу эса тартиб-интизомни ҳамда хулқ-атворнинг бузилишига олиб келади. Бунда болалар кўпинча ўз тенгдошлари билан жанжаллашадилар.

5.”Психотиклар”. Ақлий етилмаган, касалманд болалар бўлиб, улар учун галлюцинация, жиной ҳаракатлардан хурсанд бўлиш, бузғунчи фикрлар хукмронлик қилади.

6. “Наслий бузуқлик”. Бу тоифадагилар бирламчи психопатлар ҳисобланадилар. Улар учун жиной ҳатти-ҳаракат қилиш одатий ҳолга айланади. Наслий бузуқларда ҳатти-ҳаракатлар илк ёшдаёқ намоён бўлади. Уларда масъулият ҳисси йўқ ва ишониб бўлмайди. Уларни тузатиш ва ёрдам кўрсатиш анча мушкулдир.²

Куйида хулқ оғишини келтириб чиқарувчи омилларни алоҳида-алоҳида ҳолда таҳлил қилиб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Хулқ оғишининг келиб чиқишига асос бўлувчи омилларни кўриб чиқар эканмиз, биринчи навбатда шахснинг маънавий жиҳатдан қашшоқлиги масаласига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим бўлади. Шахснинг маънавий қашшоқлиги ижтимоий муҳит ва шахс ўртасидаги мураккаб вазиятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Маънавий жиҳатдан баркамол бўлган шахс ижтимоий муҳит воқеа-ҳодисаларига нисбатан ижобий муносабатини намоён қилади.

Шахснинг ижтимоий ва психологик фазилатлари ижтимоий муносабатлар доирасида шаклланади. Индивид ижтимоий муҳит билан алоқага кириши жараёнида хулқ-атвор нормаларини, маънавий, ижтимоий ва маданий тушунча ва тасаввурларни, янги-янги қизиқиш ва эҳтиёжларни эгаллаб боради. Шунинг билан бир қаторда шахс ижтимоий муҳит муносабатлари ва инсоний тақдирнинг пассив кузатувчиси бўлмасдан, ўз турмуш тарзини, шарт-шароити ва шахсий ҳаётини ўзи белгилайди ва куради. Демак, шахс шаклланишида инсоннинг ўз қизиқишлари, интилишлари, мақсадлари муҳим ўрин тутди. Бундай фазилатларга эга бўлган шахс турли хил ҳаётий воқеа-ҳодисалар қуршовидан осонлик билан чиқа олади. Шунинг учун шахснинг ижтимоий фазилатлари, мустаҳкам ва қатъий ҳаётий позициясини, мақсад ва интилишларини шакллантириш вояга етмаганлар ўртасида хулқ оғишининг олдини олишда муҳим эканлигини унутмаслик керак.

Шахснинг маънавий шаклланишига таъсир этувчи омиллар тўғрисида гапирилганда, биринчи навбатда шахснинг ўзи, иккинчидан кичик ижтимоий гуруҳлар, яъни оила, мактаб, маҳалла, учинчидан эса ишлаб чиқариш жамоаси ва тўртинчи навбатда жамият ва ундаги сиёсий, идеологик, маданий-маърифий, иқтисодий соҳаларнинг умумий ҳолати катта таъсир ўтказилишини таъкидлаш лозим бўлади. Ушбу омилларга алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтадиган бўлсак, инсоннинг маънавий баркамоллигида шахснинг ўз ўрни, унинг қизиқишлари, ижтимоий мавқеи муҳим ва асосий омиллардан бири сифатида намоён бўлади. Чунки инсон ижтимоий муносабатларнинг пассив кузатувчиси эмас, балки унинг фаол иштирокчиси ҳам экан, у ўз шахсий интилиш ва қизиқишлари, ақл-идроки билан ўзини-ўзи тарбиялашга, юксак

² Ядгарова Г.Т., Авлаев О.У. Тарбияси қийин, қалтис гуруҳга мансуб болалар билан ишлаш (Услубий қўлланма)Т.: 2007 й. 6-76бетлар.)

инсоний фазилатларини шакллантиришга ҳаракат қилади. Индивиднинг ижтимоийлашувида шахснинг ўрни, иштироки, интилиш ва қизиқишлари пасайса, инсон маънавий баркамоллик сари эмас аксинча, маънавий кашшоқлик томон юз тутди. Демак, инсонинг маънавий баркамолликка эришишида шахснинг ўз ўрни, мақсад ва қизиқишлари ҳамда интилиши катта ўрин тутди.

Шахснинг шаклланишига таъсир қилувчи асосий омиллардан яна бири кичик ижтимоий гуруҳлар, яъни оила, мактаб ва маҳалла ҳисобланади. Энг аввало, бола оилада шаклланади, ижтимоий установакаларни ўрганади, ҳаётий тажрибаларни эгаллайди ва миллий кадриятларни англаб боради.

Боланинг камол топишида ва қандай шахс бўлиб етишишида оила, мактаб ва маҳалланинг ўрни бекиёсдир. Улардаги вазият, шарт-шароит, вояга етмаганларда хулқ оғишининг олдини олиш муаммоси турли йиллардан буён бир қатор ҳорижий ва Республикамиз юрист, педагог, психолог, социолог олимлари эътиборида бўлганлиги кузатилади.

Бироқ, ушбу тадқиқотларда вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш тадбирлари айнан ижтимоий-психологик тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаган. Фақат айрим тадқиқотлардагина вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш масалалари ижтимоий-психологик жиҳатдан қисман таҳлил қилинади. Шунинг учун ҳам ушбу тадқиқотларда муаммога психологик ёндашув, вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш тадбирларини психологик асослаш ҳолатлари етишмайди.

Тадқиқотчи К.Е.Игошевнинг таъкидлашича, “болалар ва ўсмирлар айниқса ўсмир ва ўспиринларнинг ёш ва ўтиш даври хусусиятлари импульсивлик, кўзғалувчанлик ҳолатининг юзага келишига сабаб бўлади. Импульсив хатти-ҳаракат биринчи навбатда ўзига хос аффектив кечинмалар туфайли юзага келадиган аффектив ҳолатни ифодалайди. Бундай ҳолат мазмунида қисқа муддатли ва кучайиб боровчи эмоционал ҳиссиётлар ётади”³

Ҳақиқатдан ҳам ўсмирлик ёши даврида келадиган психофизиологик ўзгаришлар, ўсмирнинг шахс сифатида шаклланиш жараёни муаммоли вазиятларда уларнинг мақбул қарорлар қабул қилишларига тўсқинлик қилади. Бунинг боиси бош мия ярим шарлари фаолиятидаги назорат органларининг катталарникидан сустлиги ва иккинчи сигнал системасининг ўзига хос фаолияти болалар ва ўсмирларда жиноятчилик хулқининг келиб чиқишига индивидуал-психологик жиҳатдан шарт-шароит яратади. Шунингдек, улардаги тормозланиш реакциясининг нотўғунлиги жиний ҳаракатларни амалга оширишда ўз хатти-ҳаракатларини идора қила олмай қолишга сабаб бўлади.

Болалар ва ўсмирларда бировлар ва ўз-ўзининг хатти-ҳаракатларига нисбатан танқидий кўз билан қараш фаолиятининг суст ривожланганлиги уларни ноқонуний хатти-ҳаракатларни баҳолашда хатоликларга йўл қўйишликка олиб келганлиги кузатилади. Улардаги бу хусусиятлар ноқонуний хатти-ҳаракатларни бировларнинг кўзи билан қараш ва баҳолаш

³ Игошев К.Е. Опыт социально-психологического анализа личности несовершеннолетних правонарушителей. М.1967, с.67-68.

қобилиятини сусайтиради. Шунинг учун улар тез-тез жиноятчилик мазмунига эга бўлган ҳаракатларнинг таъсирига тушиб қолади.

Шунингдек, болалар ва ўсмирларнинг ёш даври хусусиятларига хос бўлган қўзғалувчанлик, импульсивлик ҳолатлари, аффектив кечинмалар билан боғлиқ бўлган туркум аффектив қўзғалишларни келтириб чиқарганлиги кузатилади. Бундай ҳолатлар мазмунида муайян шарт-шароитлар ва турли хил воқеа-ҳодисаларга нисбатан қисқа муддатли ва кучли намоён бўлувчи эмоциялар сифатидаги қўзғатувчилар ётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Импульсивлик ҳолати асосида юзага келган хулқ оғишида инсон ўз хатти-ҳаракати мотивларини англаб етмайди ва тўғри баҳолай олмайди. Бундай импульсив-аффектив ҳолатлар ўсмирнинг ўз фаолиятини онгли бошқариш ва назорат қилиш қобилиятининг издан чиқишига олиб келади.

Тадқиқот натижаларидан маълум бўлишича, болалар ва ўсмирларнинг зарарли одатларга берилишлари, хусусан спиртли ичимликка ружу қўйишлари, гиёҳвандлик ва тамаки маҳсулотларини чекишлари ҳолати ҳам уларда хулқ оғишининг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Алкоголь ва гиёҳванд моддалар психотаксик хусусиятга кўра, наркотик таъсир кўрсатувчи ва сархўш қилувчилик хусусиятига эга бўлган моддалар ҳисобланади. У инсон бош миясига наркотик таъсир кўрсатиб, бутун орган ва нерв системалари фаолиятини ва шахснинг ўз-ўзини англаш даражасини сусайтиради. Сархушлик ҳолати кишида андишасизлик, одобсизлик, қўполлик ва енгил-елпи фикр юритувчанликни келтириб чиқаради ҳамда тафаккур, диққат, хотира жараёнларини сусайтириб, инстенктив хулқ-атвор сифатларининг ёрқин ифодаланишига олиб келади. Натижада инсон сархушликда ўз хатти-ҳаракатларини идора қила олмай қолиш натижасида муаммоли вазиятларда тафаккур хусусиятларининг сусайганлиги туфайли тўғри қарор қабул қилишга қийналади ва оқибатда низоли вазиятларда нотўғри қарор қабул қилиш натижасида ғайри қонуний хатти-ҳаракатлар содир этилади.

Кузатишларимизга қараганда, хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирларнинг ота ёки онасидан бирининг спиртли ичимликка ружу қўйишлиги ҳолати ҳам оилада тарбияланаётган болаларга салбий таъсир этиб, уларни алкоголизм кўчасига кириб кетишларига сабаб бўлади. Шу боисдан “Ота-оналардан бирининг жамият ва ахлоқ нормаларига зид бўлган хулққа эга бўлишлиги” ҳолати болалар ва ўсмирларда хулқ оғишининг келиб чиқишига сабаб бўлиб хизмат қилганлиги кузатилади.

Оилада ота-оналарнинг алкоголизмга берилиши, бола кўз ўнгида ичиш, чекиш ва ножўя қилиқларни қилиши болага кўргазмали таъсир кўрсатади. «Қуш уясида кўрганини қилади», деганидек ўсмир оиласида ота-онасидан кўрган қилиқларига тақлид қила бошлайди. Аввалига чекишни, ичишни ўрганиб олади, сўнгра кучлироқ таъсир этувчи моддаларга ўтади. Қарабсизки, оиласи ва ота-онасида кузатилган ҳолатлар болада ҳам такрорлана бошлайди.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, болалар ва ўсмирлар ўртасида ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар ва ўз жонига қасд қилиш ҳодисасининг катта қисми айнан ота-оналарнинг қаттиққўллиги ва адолатсиз

муносабатда бўлишлиги туфайли содир этилади. Шу боисдан оилада болалар билан тўғри муносабатда бўлиш, шахслараро муносабатда уларнинг ёш ва индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олиш болалар ва ўсмирлар ўртасида хулқ оғишининг келиб чиқишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, ота-оналарнинг болаларга нисбатан бўлган муносабати икки асосий хусусият, яъни ота-оналик муҳаббати ва ижтимоий бурч нуктаи назаридан белгиланади. Инсонпарвар жамиятда бу хусусиятлар бир-бирига зид келмайди. Чунки кишини севиш унга бахт тилашдир, бахтиёрлик эса жамиятга кўпроқ фойда келтириш демакдир. Аммо ҳар қандай ҳиссиёт сингари ота-оналик муҳаббати турли даража, яъни энг яқинлик фактини бевосита акс эттиришдан токи енгил ва ахлоқий эътиқодга мувофиқ тарздаги чуқур меҳрибонликкача бўлади. Бунда кишининг ахлоқий эътиқоди қанчалик юксак бўлса, унинг ота-оналик муҳаббати шунчалик узоқни кўрадиган ва талабчан бўлади. Бурч ҳисси эса болаларда ахлоқий баркамолликнинг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Болага ота-оналар ва оиланинг бошқа аъзолари томонидан ҳадеб васийлик кўрсатавериш ҳам яхши натижа бермайди. Ота-оналар ёки оиланинг катта аъзолари бундай муносабатнинг ўрнига болалар билан ҳамфикр, дўст каби муносабатда бўлсалар, болаларда ўз-ўзини баҳолаш, берилган топшириқларга масъулият билан ёндашиш ҳиссиининг шаклланишига олиб келади.

Оилада болаларга тарбиявий таъсир этиш сифатини ошириш учун ота-она ва оиланинг катта аъзолари томонидан болага қўйиладиган талаблар ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишда сўз билан иш бирлиги бўлиши яхши натижа беради. Оилада бундай бирликнинг бўлмаслиги, бола хулқ-атворида салбий таъсир кўрсатади. Таъкидлаш лозимки, болалар ва ўсмирлар билан муносабатда бўлишда уларнинг кўнглига, ёш хусусиятларига, психологиясига эътибор бермаслик, оилаларда бир-бирини ҳақоратлаш, дўқ -пўписа ва зулм ўтказиш асосида қилинадиган муносабат болаларда кўрқоқлик асабийлик, ёлғончилик, шафқатсизлик, кўполлик, андишасизлик каби сифатларнинг шаклланишига олиб келади. Бундай сифатлар болалар ва ўсмирларда хулқ оғишининг келиб чиқишига имконият яратади.

Кузатишларимиздан маълум бўлишича, болалар ва ўсмирларда хулқ оғишининг келиб чиқишида моддий етишмовчилик кўпинча сабаб сифатида эмас, балки хулқ оғишининг келиб чиқиши учун қизиқиш ва шарт-шароит тарзида хизмат қилганлиги кузатилади. Демак, айтиш мумкинки, болалар ва ўсмирларда хулқ оғишининг келиб чиқишида иқтисодий етишмовчилик омили асосий сабаб сифатида намоён бўлмайди. У фақатгина хулқ оғишининг келиб чиқиши учун муайян шарт-шароит сифатида хизмат қилади холос.

Айрим оилаларда болалар ва ўсмирларга етарлича шарт-шароит яратиб берилмаслиги ҳамда улар фаолиятини чеклаш, уларда инфантиллик, муаммоли вазиятлардан чиқиб кетиш қобилиятининг сусайиши кабиларига олиб келади.

Бугунги ўсмирларнинг истак-эҳтиёжлари олдинги ўсмирларга қараганда анча ўсган. Улар яхши кийинишини, дам олишини, турли жойларни кўришини, магнитоло ёки видеотехникаларга, уяли телефонга эга бўлишни хоҳлайдилар. Оилада эса буларга эга бўлишликка имконият мавжуд эмас. Натижада ушбу эҳтиёжларни қондириш йўлида болада ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни бажариш истаги пайдо бўлади. Бундай истаклар болани ўз-ўзидан ғайри қонуний ҳаракатларни бажаришига мажбур қилади.

Маънавий олами тор, дунёқараши ва ақлий тараққиёти ўзига яраша ўсмир бундай пайтда ўз эҳтиёжларини қондиришнинг ғайри қонуний томонларини излайди ва ўғирлик, йўлтўсарлик, босқинчилик жиноятларига қўл уради. Кўпинча бундай ҳолатларда болалар ва ўсмирлар қонуний йўл билан пул топишни, меҳнат қилиб бойликка эришишни ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Натижада бундай ўсмирларда ғайриқонуний хулқ-атворнинг келиб чиқишига замин яратилади.

Шунингдек, болалар ва ўсмирлар шахсида салбий иллатларнинг мавжудлиги, уларнинг маънавий дунёси кўлами торлиги, китоб, газета журналлар ўқимасликлари, шунингдек, шахснинг маънавий онгини оширадиган машғулотлар билан шуғулланмасликлари хулқ оғишининг келиб чиқишига ўз таъсирини ўтказди.

ЁШЛАРДА ХУЛҚ ОҒИШИ ВА ТАРБИЯ БУЗИЛИШИ КЕЛИБ ЧИҚИШИНING ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК САБАБЛАРИ

Тарбиянинг умумий ижтимоий вазифаси – ёш авлодда билим, кўникма, ижтимоий тажриба ва ахлоқ нормаларини шакллантиришдан иборат. Шу мақсадда ёш авлодга тарбия бериш мақсадга йўналтирилган тарбиявий таъсир, ижтимоий ҳаётда муносабатга киришиш меъёрларини ва шу асосда зарурий шарт-шароит яратишни назарда тутди.

Одатда ҳар бир соҳанинг ўз устаси бўлади. Инсон қалбининг устаси эса психологлар ҳисобланади. Педагогларнинг яқин ёрдамчиси, болалар қалби ва руҳиятига йўл топа оладиган кишилар-психологларга бўлган эҳтиёж ҳозирги кунда таълим-тарбия соҳасида ортиб бормоқда. Бу борада халқ таълими тизимида амалиётчи психологларнинг фаолият кўрсатишлари таълим мазмуни ва сифатини оширишда катта аҳамият касб этмоқда.

Мактабларда болаларга нисбатан баъзан “Тарбияси қийин бола” жумласи ишлатилади. Асосан тарбияси қийин болалар деганда, кўп ҳолатларда вояга етмаганлар билан ишлаш назоратчилари рўйхатида ҳисобга олинган ёки олинмаган, гиёҳвандлик ва спиртли ичимлик ичишга қизиқиши, ўғрилик ва безориликка мойил ўқувчилар назарда тутилади.

Кузатишлардан маълум бўлишича, тарбияси қийин болалар тарбия жараёнида педагогик таъсирларга қаршилик кўрсатади, уларнинг хулқида ўзини биз хоҳлагандай тутмаслик ҳолатлари кузатилади.

Тарбияси қийин болаларнинг келиб чиқишининг асосий сабабларидан бири уларда ўқишга нисбатан салбий муносабатнинг пайдо бўлишидир. Одатда бундай муносабатнинг пайдо бўлишига бошқа сабаблар ҳам таъсир

кўрсатиши мумкин. Жумладан, ўқув фаолияти усули, малакалари тўла таркиб топмаганлиги сабабли нисбий билим олиш билан қаноат ҳосил қилиш, ўзлаштириш қобилиятининг сустривожланганлиги, муайян вазиятларда ҳукм ва хулоса чиқаришда қийинчиликка дуч келиш, ўқитувчилар томонидан ўқувчига объектив баҳо бермаслик, ўқитувчининг боладаги индивидуал-психологик ва интеллектуал имкониятига етарлича эътибор бермаслик, ўқитиш савиясининг пастлиги, дарсларни қизиқарсиз ўтилиши ва бошқалардир.

Тарбияси қийин болаларнинг келиб чиқишининг яна бир сабаби – уларнинг синф жамоаси ва турли хил жамоатчилик ташкилотлари билан яхши алоқада бўлмаслигидир.

Ўқувчи билан жамоа фикрининг мос келмаслиги унинг жамоа ичида ўз ўрнини борган сари йўқотиб боришига сабаб бўлади. Унутмаслик керакки, ўсмирнинг ҳар бир ҳатти-ҳаракати у билан ҳисоблашиш кераклигидан бошқа нарса эмас. Шунинг учун жамоа аъзолари бундай ўсмирнинг қарашларини вақти-вақтида ҳисобга олишлари яхши натижа беради. Ўсмирнинг фикр ва қизиқишларини жамоанинг қўллаб-қувватламаслиги ёки бепарволиги уни қонунбузарликка ундайди ва хулқ оғишининг келиб чиқиши учун имконият яратади. Натижада ўсмир учун келажак режаларининг поймол бўлиш хавфи туғилади. Ўқишдан ва жамоадан юз ўтгирган ўсмир ўз келажagini, орзу-умидларини мактаб ва жамоа фаолиятига боғлашдан кўра, янги улфатлари билан алоқа қилишни афзал кўради ва бошқа кишилардан нажот излайди. Натижада ўсмир носоғлом хулқли болалар тўдасига тушиб қолади ва улар хулқ-атворида хос бўлган характерга эга бўлади.

Оилавий шароитнинг салбий таъсири ҳам тарбияси оғир ўсмирларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Айрим оилаларда бола учун зарурий имкониятлар мавжуд эмаслиги сабабли у нохуш ҳолат билан ёлғиз кураш олиб бориш кечинмалари билан яшайди. Ўсмир дунёсида оилавий шароитга нисбатан пайдо бўлган норозилик ҳисси кундан-кун авж олиб, ички кўзғолонга айланиб боради.

Бундан ташқари ота-она ўртасидаги муносабатларнинг носоғломлиги, баъзи ота-оналарнинг спиртли ичимликларга рўжу қўйишлари ҳам ўсмирнинг руҳий дунёсига салбий таъсир кўрсатади.

Кузатишларимиздан маълум бўлишича, кўпинча ўқувчилардаги тарбияси қийинлик оиладаги ва таълим тизимидаги педагогик қаровсизлик натижасида юзага келади. Педагогик қаровсизлик қуйидаги даражаларда тавсифланади:

1. Паст. Ҳатти-ҳаракат, хулқ-атвордаги беқарорлик. Ўз “мен”ига ортиқча баҳо бериш. Асосан ёшига хос бўлган характер белгиларнинг устунлик қилиши.

2. Ўрта. Катталар ва тенгқурлари билан алоқанинг бузилиши. Ўқиш ва меҳнатга қизиқмаслик, низолар эгоистик йўналишга асосланиши. Педагогик таъсир чоралари тўғри қабул қилинади, лекин унга амал қилмайдилар.

3. Юқори. Салбий характер хусусиятлари яққол намоён бўлади. Ҳуқуқбузарлик ошкора қилинади. Катталар билан ўзаро муносабатда

тажовузкор бўлади. Ўзлари тўғри, деб қабул қилган “ахлоқ”ларини оқлашга уринадилар. Улар ҳуқуқбузарлик чегараларини тушуниб етмайдилар.

4. Криминал. Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар бўлиб, уларнинг ҳуқ-атворини бошқариб бўлмайди. Бундайлар ҳар қандай тарбия воситаларига қаршилиқ кўрсатадилар. Хатти-ҳаракатларида тажоввузкорлик кўпроқ учрайди. Улар ўзларининг ҳуқуқбузарлик мотивларини ўзлари белгилаган “ахлоқий меъёр”лар билан ўлчайдилар, натижада жиноятга қўл урадилар.

Ота-оналар энг аввало, бола тарбиясининг бузилиш сабабларини аниқлайди. Бунда болаларнинг кундалиқ ҳаётини, ўртоқлари даврасини, бола психологиясини ўрганиш, мактаб билан ота-она ўртасида узвий алоқани ўрнатиш, фан ўқитувчилари билан алоқани мустаҳкамлаш, фарзандининг дарсга қатнашини кузатиш, дарсдан ташқари фаолиятини назорат қилиш, турли савол-жавоблар ўтказиш орқали тарбияси оғир болалар билан ишлаш дастур ва режаларини белгилаб олиши зарур. Булардан ташқари ота-оналар боланинг тиббий варақаси билан танишиб чиқиши керак. Унинг психик ривожланишидаги камчиликлар айтиб ўтмаслик ёшида ўз асоратини кўрсатади. Бундай болалар билан мактаб шифокори, туман соғлиқни сақлаш маркази, халқ таълими бўлими қошидаги “Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис Маркази” шифокори билан биргаликда уларнинг соғлигини диспансер кузатувдан ўтказишда ҳамкорлик қилиши керак. Аксинча, бола соғлом, яхши ривожланган бўлса-ю, мактаб ҳамда оила тарбиясига бўйсунмаса, бундай вазиятларда ота-оналар ўз таъсирини кўрсатиши керак. Аввало, ота-она ва маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари ҳамда бола билан суҳбатлашиб нима учун унинг ҳуқуқиди ўзгаришнинг юзага келганлигини, кўча таъсирига берилганини, салбий, норасмий гуруҳларга аъзо бўлиб қолиш, дарсни сабабсиз қолдириши, бўш ўзлаштириши, жамоат ишларида қатнашмаслик сабабларини аниқлайди. Қуйида болаларда тарбиядаги бузилиш ва ҳуқуқ оғишини келтириб чиқарувчи ижтимоий-психологик сабаблар тўғрисида фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

Маълумки бирор бир ижтимоий ва биологик ҳодисанинг содир этилиши учун қандайдир бир сабаб ва шароит бўлишлиқ талаб этилади. Қандайдир бир сабаб иккинчи бир ҳодисанинг юзага келишига туртки бўлади. Бу фалсафий нуқтаи назардан қаралганда сабабий боғланишлар жараёни тарзида тушунтирилади. Худди шундай ҳуқуқ оғишининг келиб чиқиши ҳам қандайдир сабабий боғланишга боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Болалар ва ўсмирларда ҳуқуқ оғиши ва тарбия бузилишининг келиб чиқишига таъсир этувчи сабаб ва омилларни ўрганар эканмиз, уларнинг субъектив ва объектив кўринишларини бир-биридан фарқлаш лозим бўлади.

Ҳуқуқ оғиши ва тарбия бузилишининг субъектив сабабларига – ўсмир шахсининг қизиқиш ва эҳтиёжлари, дунёқараш ва маънавий олами, мақсад ва йўналишлари, кадриятлари, ҳуқуқий онги, ҳаётий режалари, турмуш тарзи ва мотивлари киради. Субъектив шарт-шароитларига эса аҳолининг демографик ва ижтимоий-психологик хусусиятлари, хусусан этнопсихологик жиҳатлари, характери, темпераменти, ёши ва жинси киради.

Объектив сабаблар сифатида жамиятдаги носоғлом муҳит, шарт-шароит, иқтисодий ва сиёсий беқарорлик, кичик ижтимоий гуруҳлардаги ижтимоий-психологик муҳит, кишилар билан бўладиган ўзаро шахслараро муносабатлар намоён бўлади.

Хулқ оғиши ва тарбия бузилишининг объектив шарт-шароитлари эса, жамиятдаги ташкилий ва техник хатоликлар, бошқарув тизимидаги камчиликлар, қонун ва қоидаларнинг талабга жавоб бермаслиги ва бошқалардан иборатдир.

Шунингдек, хулқ оғиши ва тарбия бузилишининг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш энг аввало, у юзага келган ижтимоий муҳит хусусиятларини ўрганиб чиқишни тақозо қилади. Чунки хулқ оғишини умумий кўринишида оладиган бўлсак, у бирор бир шахсга хос бўлган субъектив хулқ-атвор натижаси эмас, балки субъектив ва объектив жараёнлар, шарт-шароитлар, муносабатлар натижаси сифатида юзага келади. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда ижтимоий жараёнларнинг индивидуал хатти-ҳаракатларга таъсири масаласига ойдинлик киритиш зарур бўлади.

Маълумки, инсон ижтимоий муносабатлар қуршовида яшайди. Ижтимоий муносабатлар ва жараёнларнинг шахсга таъсири масаласи ижобий ёки салбий кўринишда бўлиши мумкин. Индивидга ижтимоий жараёнларнинг ижобий ёки салбий таъсир этиши биринчидан, шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларига боғлиқ бўлса, иккинчидан ижтимоий муҳит воқеа-ҳодисалари хусусиятлари ва шарт-шароитлари мазмунига кўра намоён бўлади. Яъни ижтимоий муҳитнинг соғлом ёки носоғломлиги ва унинг таъсирчанлик даражасига кўра, индивидга у ёки бу кўринишда таъсир этади ва жиноятчилик хулқининг келиб чиқиши учун қандайдир маънода имконият яратади.

Шахс хулқ-атворидаги бузилиш ижтимоий муҳитнинг ўзига хос жиҳатлари, яъни соғлом ва носоғломлигига, индивиднинг феъл-атвори, характер хусусиятлари, ижтимоий меъёрлар ва шахс ўртасидаги зиддиятлар ҳамда уларнинг зўрайиб бориши кабиларга боғлиқ бўлади. Шахснинг дунёқараши, яъни қадриятлар ориентацияси, ижтимоийлашуви ва индивидуал хиссиётларининг ижобий тарзда шаклланиши ва намоён бўлиши кишини жамият ва инсоният учун фойдали бўлган хатти-ҳаракатларга ундайди.

Шуни унутмаслик керакки, ташқи муҳит ёки ижтимоий воқеа-ҳодисалар ҳар доим ҳам хулқ оғиши ва тарбия бузилишининг келиб чиқиши учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Қачонки, ижтимоий воқеа-ҳодисалар ва индивид ўртасида қарама-қаршилик ва зиддиятлар юзага келса, жамиятда ҳукм сураётган ижтимоий нормалар индивид томонидан қабул қилинмаса ҳамда ижтимоий муҳитда хулқ оғишининг келиб чиқиши учун етарли шарт-шароит мавжуд бўлса, хулқ оғиши келиб чиқиши мумкин.

Болаларда тарбиясида оғирликни вужудга келиш сабаблари қуйидаги ҳолатларга боғлиқ:

Тарбия бузулиши ва хулқ оғишининг келиб чиқишига таъсир этувчи омиллар

Ижтимоий омиллар	Оилавий омиллар	Шахсий омиллар	Физиологик омиллар
1)эркинлик ҳамда ижтимоий тартиб қоидалардан қочиш; 2)қулай шароит қидириш, ҳиссий хотиржамлик; 3)ўз (мен) ига наст назар билан қараш, бошқаларга тобелик; 4)моддий кам таъминланганликни ҳис қилиш, ота-она хулқ-атворидан уялиш; 5)ижтимоий тартиб қоидаларни бузиш; ҳуқуқбузарлик, безорилик. майда ўғирлик. фоҳишалар. гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш; 6)камтаъминланганлик, ота-оналарнинг ишсизлиги; 7)бола ҳаётида ижтимоий-иқтисодий тамондан қийин	1)ота-она, ўқитувчи, катталар ва болалар ўртасидаги мулоқотдаги муаммолар. 2)болаларга катталар томонидан диққат-эътиборнинг етишмаслиги. 3)ота-оналар билан фарзандлар ўртасида ўзаро тушунишнинг йўқлиги ва икки томонлама интилишнинг етишмаслиги; 4) Ота-оналарнинг ўғил ва қиз болаларга нисбатан қўпол муомалада бўлишлари; 5)Кўр-кўрона оталик ва оналик меҳр-муҳаббатининг ҳукм суриши; 6) оила даврасида, муҳитида доимий жанжалларни қарор топганлиги ва уларни бартараф этишга интилиш йўқлиги; 7)ота-оналарнинг беқарор ҳис-туйғулари, кайфиятлари, уларнинг тартибсиз, тасодифий характерга эга бўлиши. 8)фарзанд ва ота-оналарнинг шахсий қизиқишларини ўзаро мос тушмаслиги ва тубдан қарама-қарши эканлиги.	1)ўртоқлар, синфдошлари, бошқа тенгдошлари билан ўзаро алоқа; 2)ўз-ўзини тушунмаслик ва ўзига салбий муносабат; 3)ҳаётий йўналишлардаги орзу ва ҳаваслар. 4)ички руҳий ёлғизлик, ўзгаларнинг тушунмаслиги. 5)бахтсизликдан қийналиш, шахсий қийинчиликлар; 6)шахсий муваффақиятсизлик, муаммолардан хавотирга тушиш, иродасизлик; 7)ташкilotчи эмаслиги; 8)ўқишдаги қийинчилик, оғир вазиятларга учраш; 9) ҳиссий хавфсизлик “ҳимоя қилувчи”ни қидириш; 10)спиртли ичимлик ичиш ва жамоат жойида чекиш; 11)токсикомания. 12)мактаб қоидаларини бузиш, дарс қолдириш, уйга берилган вазифани бажармаслик. 13)мустақил бўлишга	1)агрессивлик, жаҳлдорлик, асабийлашиш ва руҳий зўриқиш; 2)боланинг кўп касал бўлиши; 3)қўзғалувчанликнинг кучайиши; 4)ўзини-ўзи бошқараолмаслик; 5)Ўзлаштиришда ақлан қолиб кетиш; 6)Ўқувчининг ақлан заифлашиши; 7)психофизиологик ва жинсий томондан бир хилда ривожланмаганлик; 8)туғма хусусиятлар; 9)туғма нуқсонлар. 10)орттирилган нуқсонлар.

вазиятларига тушилиши; 8) жамият тузилмаси; ижтимоий институтлар, турмуш тарзи, ижтимоий меъёрлар.	9) фарзандлар назарида ота-оналарнинг салбий хулқ-атвори, уларнинг ичиши ва чекишлари, ғиёҳвандлиги ва интим қилиқлари; 10) ота-оналарнинг мунтазам равишида ўзаро жанжаллари; 11) нотўлиқ оилалар; 12) болаларнинг қобилиятини катталар томонидан салбий баҳоланиши; 13) ота-оналарни маънавий ахлоқсизлиги.	интилиши. 14) ўзгаларга тобе бўлмаслик; 15) ўзига ишончининг етарли эмаслиги; 16) иродавий-ҳиссий жиҳатдан заифлиги; 17) ёлғизлик, ўзгаларни тушунмаслиги; 18) ижтимоий хулқ- атвор кўникмасини камлиги; 19) бўш вақтни тўғри ташкил қилинмаганлиги; 20) ўзига эътиборни хоҳлаши.	
--	--	--	--

ХАРАКТЕР АКЦЕНТУАЦИЯСИ ВА ХУЛҚ ОҒИШИ

П.Б.Ганушкин ва О.В.Кебриковларнинг таъкидлашларича, «шахс характеридаги акцентуация муайян вақт оралиғида барқарор, барча вазиятларда деярли бир хил намоён бўлиши ва шахсни ижтимоий муҳит нормаларига бўйсинишини қийинлаштирувчи симптомларга эгадир»⁴. Шуниси ўзига хоски, ўша сифатлар айтиб бир хил вазиятларда, айтиб, мулоқот вазиятида очиқ равшан намоён бўлади ва шахсни ўша вазиятда танилишига имкон беради. Масалан, уй шароитида бир хил характер сифатларини намоён этган бола, кўча болаларига кўшилган заҳоти бошқа сифатларни яққолроқ намоён этади. Шунинг учун айрим пайтларда ота-онаси боласининг уйда камгап, кўчада сергап эканлигига ишонмайди. Яъни, ўсмирлик даврида турли вазиятларда у ёки бу сифатлар акцентуацияси бўлиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, олимлар характердаги акцентуациянинг очиқ ва яширин турларини бир-биридан фарқлайдилар. Хонадонда ота-оналар билан мулоқотда яширин бўлган айрим сифатлар, масалан, урушқоқлик очиқ кўринишга ўтиши, ёки муайян вақт мобайнида характеридаги бирор сифат яшириниб туриши, кейин вазият талаб қилганда эса бирданига намоён бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам профилактика инспекторлари айрим болалар ва ўсмирлар билан муайян вақт ишлагач, «яхши йўлга кирди», деб тинчланадилар, лекин маълум вақт ўтгач, ўша акцентуация типи яна юзага чиқиши мумкин.

⁴ Ганнушкин П.Б. Клиника психопатий. Их статистика, динамика, систематика (1933) – В кн.: Избр. Труды М., 1964, с. 116.

Бир қатор олимлар изланишларида (К.Леонгард, А.Е.Личко, Х.Шмишек, Г.Айзенк) характер акцентуацияси классификацияси келтириб ўтилади. Қуйида биз Х.Шмишек томонидан келтириб ўтилган акцентуация классификациясининг қисқача тавсифини бериб ўтамиз:

1.Гипертим тип – домий кўтаринкилик, фаоллик, бирор иш орқали ўзини кўрсатишга интилувчан бўлиб, кўпинча тезда пайдо бўладиган кўтаринкиликлар натижасида ишини охиригача етказмайди ва уни ташлаб кетиши ҳам мумкин. Гипертим типли ўсмир – бу одатда ҳаддан ташқари ҳиссиётга берилувчанлик, кўзғалувчанлик сифатларига эга бўладилар. Бундай болалар ва ўсмирларга сал ортиқча гапирилса дарров йиғлаб юбориш ёки аксинча, қаттиқ хохлаб кулиш, йиғлаб туриб кулиш одатлари хосдир.

2.Хавотирланувчи тип – бу хусусиятининг асосий белгиси юқори хавотирланувчанлик, эътиборсизлик, эҳтиётсизлик, муваффақиятсизликлардан чўчиш, кишилар билан мулоқотга киришишда қийинчиликларга дуч келувчанлиги ва ижтимоий муҳит воқеа-ҳодисаларига секин мослашувчанлиги билан характерланади.

3.Дистимик тип – кўпинча кайфият тушқунлигини намоён этади. Шунинг учун улар доимий равишда тушқунлик кайфиятида юрганликлари туфайли кўпинча депрессияларга чалиниб туради. Ҳаётларида ҳамиша ёмон нарсалардан қочишга ҳаракат қиладилар. Қилаётган ҳар бир ҳаракатларининг оқибатини пухта ўйлаб кўрадилар.

4.Педантик тип – воқеа-ҳодисаларга, муаммоларга расмий тус беришга ҳаракат қилувчи, синчков, керакли-кераксиз нарсаларга ҳаддан ортиқ қизиқувчи, ўзини кўрсатишга интилувчан, саранжом-саришталикни хуш кўрувчи, маслаҳатгуй, ақлий ривожланиш даражаси суст, лекин ўзини ақлли кўрсатишга ҳаракат қилувчи болалар ва ўсмирлардан ташкил топган.

5.Жиззаки тип – анча урушқоқ ва агрессивликка эга, уларнинг кўпинча асаб томирлари таранг, салга ўзини йўқотиб, қуюшқондан чиқиб кетадиган, ҳамма нарсага шубҳа билан қаровчи, бўлар-бўлмасга тутоқиб кетадиган болалар ва ўсмирлардан ташкил топгандир.

6.Эмотив тип – ҳиссий кечинмаларга бой, воқеа-ҳодисаларга ҳиссий тус берувчи, ортиқча сўзамолликни намоён қилувчи, таъсирчан, кўрқоқ, ўзини кўрсатишга интилувчи, аффектга мойиллиги билан бошқалардан ажралиб турадиган болалар ва ўсмирлардир.

7.Аффектга мойиллиги юқори тип – бундай болалар ва ўсмирлар фаоллиги, кўзғалувчанлиги, ҳаракатчанлиги, воқеа – ҳодисаларга нисбатан кучли кўзғалишни намоён қилувчанлиги билан ажралиб турадилар. Шунингдек, улар ўз ҳатти-ҳаракатларини бошқаришда қийинчиликларга дуч келувчи, бўлар бўлмасга қизишадиган, асабийлик, жиззакилик хусусиятларини ҳам намоён қиладилар.

8.Демонстратив, намойишкор тип - ўзининг нуқтаи назарини ва менлигини кўрсатишга интилувчан, эгоцентризм хусусиятига эга, бошқалардан ажралиб туришни хохловчи, ҳамманинг диққат марказида бўлишга интилувчи хусусиятларга эга бўлган болалар ва ўсмирлардир.

9.Циклоид типли - ўсмирлардаги хулқ-атвор кузатилганда, биринчи навбатда улардаги кайфиятнинг беқарорлиги кўзга ташланади. Чунки циклотомик бузилишлар биринчи навбатда оиладаги, ижтимоий муносабатлар тизимидаги бузилишлар, уларнинг асоратлари шахснинг кайфиятини бузади, унда депрессия ҳолатини келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам бу ҳолат бошқалардан фарқли ўлароқ узок муддатга чўзиладиган, узок муддат давомида намоён бўладиган психологик бузилишлар сирасига киради. Циклоид ўсмирнинг характери бугун ёки кеча эмас, балки воқеа содир бўлганидан анчагина аввал рўй берган воқеа-ҳодисалар, оиладаги сурункали жанжаллар таъсирида шаклланган бўлади.

10.Экзальтир тип – ортиқча даражада шод ва хурсандчилик кайфиятига эга, қаттиқ ҳаяжонланади ва унинг оқибатида ўзини ва ўз ҳатти-ҳаракатларини бошқара олмай қоладиган, кайфияти бирдан ва тез ўзгарувчан, беқарор, нотурғун хусусиятларни намоён қилувчилар тип⁵.

Девиант хулқли боллар ва ўсмирлар характеридаги қўғалувчанлик, гипертимлик, циклотомиклик ва эмотивлик хусусиятлари уларда хулқ оғишининг келиб чиқишига таъсир кўрсатганлиги кузатилди. Болалар ва ўсмирлар характеридаги қўғалувчанлик хусусияти турли хил низоли вазиятларда ўз ҳатти-ҳаракатларини бошқараолмай қолишликка сабаб бўлса, гипертим ва циклотомик хусусиятлар болалар ва ўсмирлардаги лидерликка интилувчанлик, эгоистлик, ўзини кўрсатишга интилиш хусусиятлари низоли вазиятларда бошқалар устидан ҳукмронлик қилишга, ўз “мен”лигини кўрсатишга олиб келади. Бу хусусиятлар хулқ оғишининг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРДА ХУЛҚ ОҒИШИ ВА ТАРБИЯ БУЗИЛИШИНING КЕЛИБ ЧИҚИШИДА ИЖТИМОИЙ МУҲИТ ВА ОИЛАВИЙ ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ

Оиладаги носоғлом психологик муҳит ва оилавий тарбиядаги йўл қўйилаётган нуқсонлар ҳамда таълим жараёнида кузатилаётган нуқсонлар, болалар ва ўсмирлар яшаётган маҳаллалар ҳаёти, уларнинг психологик муҳити вояга етмаганларда хулқ оғишининг келиб чиқишига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Маълумки, объектив шарт-шароитлар ва ижтимоий муҳит воқеа-ҳодисалари ўсмирнинг онги, хоҳиш-иродасига бўйсунмаган ҳолда таъсир этади ва унинг онги, дунёқараши, шахс сифатида шаклланиш ва хулқ-атвори мазмунини белгилаб беради.

И.П.Павловнинг таъкидлашича, инсон ва ҳайвон хулқ-атвори мазмуни нафақат нерв системасининг туғма хусусиятлари, балки организмга доимо таъсир этиб турувчи ташқи таъсирлар, яъни доимий равишда бериб бориладиган тарбия ёки таълим жараёнига ҳам ҳам боғлиқ бўлади.

⁵ Личко А.Е. О динамике акцентуаций характера. – В.кн.: Патохарактерологические исследования у подростков. Л., 1981, с.78-89.

Бир қатор тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, инсон одобли ёки одобсиз, олижаноб ёки эгоист, жиноятчи ёки соғлом хулқли бўлиб туғилмайди. Шахсдаги у ёки бу хилдаги хусусиятлар ва установкалар кишининг ижтимоий ҳаёт фаолияти, уни қуршаб олган объектив шарт-шароитлар ва воқеа-ҳодисалар таъсирида вужудга келади. Ушбу шарт - шароитлар ва объектив муносабатлар характери индивиднинг шахс сифатида шаклланишига асос бўлиб хизмат қилади.

Демак айтиш мумкинки, шахс хусусиятларининг шаклланиши нафақат инсон организмнинг наслий хусусиятларига, балки энг аввало у алоқада бўлган ижтимоий муҳитга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Ижтимоий турмуш шарт-шароитлари провард натижада инсон хулқ-атворининг шакл ва тамойилини белгилаб беради.

Маълумки, вояга етмаганларда хулқ оғишининг келиб чиқиши ва ижтимоий муҳит ўртасида ўзига хос таъсир доираси мавжуддир. Ушбу ўзаро таъсир механизми назаримизда уч хил кўринишда намоён бўлади.

Биринчидан, носоғлом ижтимоий муҳит билан шахснинг ўзаро алоқалари ўсмирларда ижобий қарашларнинг салбийлашувига олиб келса, иккинчидан шахс ва носоғлом ижтимоий муҳит ўртасидаги ўзаро алоқа кишига ижтимоий меъёрларга тўғри келмайдиган муайян йўл-йўриқни, хусусан ғайриқонуний вазифаларни бажариш бўйича ролларни тақсим этади. Учинчидан эса ғайриқонуний йўл-йўриқлар ва роллар тақсимооти ўсмирда аста-секин ижтимоий муҳит талаб ва меъёрларига нисбатан деформациялашувнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Ушбу деформациялашув шахс хулқида ўзига хос ўзгаришларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирларнинг аксарият қисми ижтимоий муҳитга нисбатан деформациялашув поғонасида бўладилар.

Ўсмирларда ижтимоий муҳитга нисбатан бўлган деформациялашувнинг юзага келиши ва уларда ижтимоий позициянинг мавжуд бўлмаслиги ёки тусатдан йўқолишлиги (мактабадан ҳайдалиш, оилада носоғлом муҳитнинг мавжудлиги, ишидан, яқин кишисидан маҳрум бўлиш) ўз навбатида ноқонуний, ноахлоқий позициянинг шаклланишига олиб келади. Яъни, турли хил ғайриқонуний, ноахлоқий гуруҳларга кўшилиш, референт гуруҳларнинг ташкил этилишига сабаб бўлади. Шу боисдан жиноятчилик кўчасига кира бошлаган ўсмир кўпинча мактабни ташлайди, ўзича ишга кирмоқчи бўлади, кўпчилиги эса умуман фойдали машғулот билан шуғулланмайдилар.

Кузатишларимизга қараганда, хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирларнинг аксарият қисми ижтимоий фойдали машғулотларда қатнашмайди, газета, журнал ёки бадиий адабиётлар ўқишмайдилар. Ўқиганларида ҳам ўзига хос қизиқишлар (расмлар, суд материаллари, эълонлар ва бошқалар) билан чекланадилар. Уларда театрда тушиш, дарслик ва бадиий китоблар ўқиш бўйича кўрсатгич даражаси анча пастдир. Аммо кинотеатр, видеобар, дискотекларга қатнашиш даражаси анча юқорилиги кузатилади. Ушбулардан кўринадики, ижтимоий фойдали машғулот билан шуғулланиш, китоб, газета ўқиш, театрларга бориш ўсмирларда ижтимоий фойдали, ижобий позицияларнинг ва установкаларнинг пайдо бўлишига олиб

келади. Аксарият ҳолларда эса болалар ва ўсмирлар хулқида салбий позиция ва установкаларнинг шаклланишига имконият яратилади. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ижтимоий муҳит воқеа-ҳодисалари ва шарт-шароитларнинг ўсмирларга таъсир этиши улар хулқ-атвори мазмунини белгилаб беради. Агарда ижтимоий муҳитдаги воқеа-ҳодисалар ва шарт-шароитлар ўсмирга ижобий таъсир этса ўсмир хулқида ижобий хислатлар, аксинча, ҳолатларда эса салбий хислатлар, ғайри қонуний установкалар шаклланади.

Хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирларнинг ижтимоий муҳити соғлом хулқли болалар ва ўсмирлар ижтимоий муҳитидан ўзига хос тор доирадаги дунёқарашга эгаллиги, низоли вазиятлар доирасининг кенглиги, қатъий ҳаётий позициянинг, келажакка нисбатан ижобий қараш, мақсад ва интилишларнинг йўқлиги ва шу каби бир қатор жиҳатлар билан фарқланади. Қуйида биз ушбу жиҳатларни кенгроқ таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

1. Хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирларнинг ҳатти-ҳаракатлари оила аъзолари томонидан қўллаб-қувватланиш ҳолати. Бунда ўсмирнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатига оила аъзолари ва яқинлари томонидан ижобий муносабат билдирилади. Бундай иш қилма, қилаётган ҳаракатинг ноқонуний дейиш ўрнига ота-она ва атрофдагилар уларнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатларини маъқуллашади ёки унга эътибор беришмайди. Натижада ўз ноқонуний ҳаракатининг маъқулланишини ҳис этган ўсмир яна бошқа бир ноқонуний ҳаракатга қўл ўради. Оқибатда салбий хулқ-атвор ўсмирнинг бутун фаолиятини, онгини қамраб олади.

2. Соғлом хулқли болалар ва ўсмирларга қараганда носоғлом хулқ-атворга эга бўлган болалар ва ўсмирларга ижтимоий муҳитдаги салбий таъсирларнинг бир жойга тўпланган ҳолда (концентрациялашган) таъсир этиши ҳолати. Яъни, хулқ оғишига эга бўлган ўсмирга ижтимоий муҳитдаги салбий таъсирлар тўпланган ва ҳар тарафлама ҳолда таъсир қилади. Бошқача қилиб айтганда, ўсмирнинг ноқонуний, ноахлоқий психология ҳукм сураётган муҳитга тушиб қолиши унга ҳар томонлама яъни, ҳам маънавий, ҳам руҳий, ҳам жисмоний, ҳам кўргазмали тарздаги таъсир ўтказди. Бу ўсмирда жиноятчилик хулқининг келиб чиқиши учун қулай ижтимоий муҳит ва шарт-шароит бўлиб хизмат қилади. Натижада ўсмирда носоғлом хулқ - атвор психологияси шаклланади.

Соғлом хулқли болалар ва ўсмирларда эса тўпланган, ҳар тарафлама салбий таъсир этиш муҳитининг мавжуд бўлмаслиги уларда ғайриқонуний хулқ-атворнинг келиб чиқишининг олдини олади.

3. Хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирларнинг соғлом хулқли болалар ва ўсмирларга қараганда тез-тез низоли вазиятларга тушиб қолиш ҳолати. Бунда тарбияси оғир ўсмир низоли вазиятлар муҳитига тез-тез тушиб қолади. Бунинг сабаби, биринчидан у ҳаёт кечираётган ва фаолият юритаётган ижтимоий муҳитнинг носоғломлигига боғлиқ бўлса, иккинчидан жиноятчи болалар ва ўсмирлар хулқ-атворидаги психопатологик ўзгаришлар ва уларнинг ёш даври хусусиятлари низоли вазиятларнинг кўпроқ юзага келишига сабаб бўлади.

Соғлом хулқли болалар ва ўсмирларда эса улар яшаётган ва фаолият юритаётган ижтимоий муҳитнинг соғломлиги низоли вазиятларнинг олдини олади ва шунинг учун улар низоли вазиятларга кам дуч келадилар.

4. Хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирлар томонидан амалга оширилаётган ноқонуний ҳатти-ҳаракатларга катта ёшдаги кишилар ва ота-оналарнинг эътиборсизлиги ҳолати. Бунда ўз ноқонуний ҳаракатларининг жавобсиз қолишлиғни, катталар томонидан маъқулланишлигини ҳис этган ўсмир низоли вазиятларга барҳам беришда ноқонуний йўлни танлайди. Чунки у ота-онасидан, атрофдагилардан жазо олмаслиги билади. Бу эса ўсмирга янги-янги ноқонуний ҳаракатларни бажаришга имконият эшигини очиб беради.

Соғлом хулқли болалар ва ўсмирлар эса ўзларининг жазоланишларини билишлиги туфайли ноқонуний ҳаракатларни бажаришдан ўзларини тияди. Чунки улар муҳитида ноқонуний ҳаракатларни қоралаш психологияси мавжуд бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, носоғлом муҳитга тушиб қолган ўсмир аста-секин ушбу муҳитнинг тартиб ва қоидаларига бўйсунга бошлайди. Оқибатда ўсмирда ушбу микромуҳитга хос бўлган салбий ҳислатлар пайдо бўлади. Бу болалар ва ўсмирларда хулқ оғишининг келиб чиқишида ижтимоий муҳит шарт-шароитларининг ўрни, таъсири катта эканлигини кўрсатади.

Кузатишларимизга қараганда, шахс типи, унинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамоллиги ижтимоий турмушда вужудга келган турли хил низоли вазиятлардан чиқиб кетишига ёрдам беради. Маънавий-ахлоқий жиҳатдан суст ривожланганлик ва шахс типига ўзига хос хусусиятлар (ўзгарувчан характерлилик, кўзғалувчанлик, беқарорлик, ҳиссиётга берилувчанлик, тобелик, журъатсизлик ва бошқалар) эса болалар ва ўсмирларда низоли вазиятларда хулқ оғишининг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Ота-оналарнинг оилада фарзандлари билан қилаётган муомала ва муносабатлари кўринишлари болалар ва ўсмирларда хулқ оғишининг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Оилада қаҳр-ғазаб асосидаги ота-она муносабати болаларни уйдан бездиради. Уйдан бегиш, оила муҳитини тан олмаслик ўсмирларда оилавий муҳитга нисбатан деформациялашувни келтириб чиқаради. Натижада ўсмир оиладан ташқари кўча муҳитини ўзига маъқул кўради. Кўча муҳити эса баъзан криминал мазмунга эга бўлиши мумкин. Натижада ноахлоқий ва ғайриқонуний хулқ-атвор муҳитига тушиб қолган ўсмирда хулқ оғишининг келиб чиқиши учун имконият яратилади.

Ота-оналарнинг қаҳр-ғазаб асосидаги муносабати болалар ва ўсмирларда салбий характер ҳислатларининг хусусан, қўрқоқлик, тобелик, асабийлик, ҳиссиётларга берилувчанлик ва мустақил тафаккурнинг сустиги кабиларнинг шаклланишига олиб келади. Қўрқоқ, тобе болалар ва ўсмирлар бировларнинг қистови, зўрлаши натижасида турли хил ғайриқонуний гуруҳларга қўшилиб кетадилар. Улардаги асабийлик, кўзғалувчанлик ва ҳиссиётларга

берилувчанлик хусусиятлари тез-тез низоли вазиятларга дуч келишга сабаб бўлади. Шунингдек, улардаги мустақил фикрлаш лаёқатининг сустлиги низоли вазиятларнинг чигаллашуви, муаммоли вазиятлардан чиқиб кетиш йўллари нотўғри қўллашга олиб келади. Натижада бундай вазиятларда ўсмир ўзининг ёш даври хусусияти ва ҳаётий тажрибасизлиги туфайли ғайриқонуний ҳаракатларга қўл уриши мумкин.

Тадқиқот натижаларига кўра, ота-оналар оилада фарзандлари билан турлича муомала ва муносабатда бўлишликлари маълум бўлди. Бунини жиноятчилик хулқига эга бўлган болалар ва ўсмирларнинг ўз ота-оналари хулқ-атворлари тўғрисида берган маълумотлари ҳам кўрсатиб турибди. Бунга кўра, жиноятчилик хулқига эга бўлган болалар ва ўсмирлар тарбия кўрган оилаларда ота-оналар кўпинча фарзандларига “эркинлик бериш” асосида муомала муносабатда бўлишганликлари кузатилди.

Назаримизда оилада болаларга ҳаддан ортиқ эркинлик бериш уларни ўз билганича иш тутишга, қилаётган ишининг тўғри ёки нотўғрилигини англаб етмасликка олиб келади. Ота-она назоратидан, сўраб тергашидан четда қолган ўсмир ўзини эркин билиб кўнгли тусаган ишга қўл ўради. Бундай ҳатти-ҳаракатлар баъзан ноқонуний бўлиши ҳам мумкин.

Ота-оналарнинг фарзандлари ҳаёти ва фаолияти билан қизиқмасликлари, уларни назоратсиз қолдиришлари, кўпинча ўсмирни ғайриқонуний хулқ-атворга эга бўлган болалар ва ўсмирлар сафига қўшилиб кетишга олиб келади. Шунинг учун ота-оналар фарзандларининг айниқса, ўсмирлик ёши давридаги фаолиятларини, бўш вақтларида нималар билан шуғулланаётганликларини домий равишда назорат қилиб боришлари мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, ўсмирлик ёши давридаги психофизиологик ўзгаришлар ва ўтиш даври хусусиятлари бу ёш ота-оналар ва катта ёшдаги кишиларнинг ўзига хос алоҳида эътиборини талаб қилади. Оилада ота-оналарнинг бу ёшдаги ўсмирларга нисбатан бўладиган эътиборсизликлари, тарбия шундай берилиши керак деб, қарашлари болалар ва ўсмирларда хулқ оғишинин келиб чиқишига имконият яратади.

Шунингдек, оиладаги авторитар, ҳаддан ортиқ қаттиққўллик асосидаги муносабат ҳам болалар ва ўсмирларда хулқ оғишининг келиб чиқишига сабаб бўлганлиги кузатилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, оилада болаларга позитив, директив, авторитар муносабатларни меъёрида ва бунда болалар ва ўсмирларнинг ёш ва ўтиш даври хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўллаш улар хулқида ижобий фазилатларнинг шаклланишига олиб келади. Аксинча ҳолатларда эса болалар ва ўсмирлар хулқида ўзига хос ўзгаришлар келиб чиқади.

Микромуҳит ҳисобланган оила муҳити ҳам болалар ва ўсмирларда жиноятчилик хулқининг келиб чиқишига катта таъсир кўрсатади. Шу боисдан биз қуйида вояга етмаганларда хулқ оғиши ва тарбия бузилиши келиб чиқишида оила муҳитининг ўрни масаласига кенгроқ тухталиб ўтамиз.

Маълумки, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти фуқароларнинг билимдонлигига, ақл-заковати, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан юксаклигига боғлиқдир.

Инсондаги ушбу хислатлар оилада, оила муҳитида шаклланади. Шунинг учун ҳам оиланинг муҳим вазифаларидан бири фарзандларни ҳар томонлама баркамол инсон қилиб тарбиялаш ҳисобланади. Хўш, бугунги ўзбек оиласида ана шу муҳим вазифа қандай удаланаяпти? Қуйида ана шу масалалар тўғрисида батафсил тухталиб ўтамиз.

Оиланинг вазифаси қайсидир маънода ижтимоий эҳтиёжлар характери билан ўхшашдир. Шу боисдан бўлса керак, оила шахсининг ижтимоийлашуви, унинг жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, демографик жараёнлар билан алоқасини таъминловчи восита вазифасини ҳам бажаради.

Оиланинг тарбиявий функцияга эга эканлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Оила ҳақиқатдан ҳам ёшларда ижтимоий ва миллий қадриятларни, ахлоқий фазилатларни, ҳаётий мезон ва нормаларни, одоб ва назокатлилини шакллантирувчи муҳим маскандир.

Маълумки, оила ижтимоий институт сифатида ҳозирги пайтда бир қатор ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. У бугун жуда кўплаб таъсирлар қуршовида қолмоқда. Хусусан, иқтисодий инқироз, ижтимоий, маданий, маънавий ва ҳуқуқий мазмуннинг сусайиши, оилавий ажримларнинг кўпайиши ва бошқалар оилавий тарбия таъсирчанлигининг сусайишига олиб келмоқда. Булар ўз навбатида оилавий муҳитнинг бузилишига, фарзандлар тарбиясидаги нуқсонларнинг келиб чиқишига замин яратмоқда. Оқибатда оилавий муҳитга, оилавий тарбияга боғлиқ бўлган муаммолар ортиши кузатилмоқда.

Оилаларда носоғлом психологик муҳитнинг мавжудлиги оилавий муносабатлар ноҳушлиги, оилавий ажралишлар, ота-оналардан бирини йўқлиги, оилавий тарбиядаги йўл қўйилаётган нуқсонлар ҳамда оиланинг тарбиявий таъсирга эга эмаслиги ҳолатлари болалар ва ўсмирларда жиноятчилик ҳулқининг келиб чиқишига таъсир кўрсатади. Маълумки, оилавий тарбия бола ҳаётида муҳим ўрин тутаяди. Оиланинг болаларга тарбиявий таъсир доираси ижтимоий таъсир доираси сингари ўта кенгдир. Оила болаларни Ватанга муҳаббат, ота-она ва атрофдагиларга садоқат, меҳнат ва халқ бойликларига онгли муносабат, нуқсонларга мурасизлик, юксак ахлоқий ва маънавий сифатларни шакллантиришда, турмушга, ижтимоий фаолиятга нисбатан психологик ва амалий жиҳатдан тайёрлашда ката имкониятларга эгадир. Бироқ кейинги йилларда оилада фарзандларимизни тарбиялашда, уларни камол топтиришда бир қатор муаммолар, нуқсонларга дуч келинмоқда. Табиийки ушбу муаммолар болалар ва ўсмирлар ҳулқ-атворида, шахс сифатида шаклланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, болалар ва ўсмирлар ўртасида жиноятчилик ҳулқининг келиб чиқишида “оилада фарзандлар тарбиясига эътиборнинг сусайиши ва улар фаолиятини назорат қилмаслик” асосий омиллардан бири сифатида намоён бўлади.

Кузатишларга қараганда, кейинги йилларда оилаларда турли хил сабабларга кўра, хусусан юртимизда кечаётган ислохотлар, бозор муносабатларига ўтиш, кишиларда кундалик турмуш ташвишларига барҳам бериш, қийинчиликларни енгиб ўтиш ва келажакка нисбатан янгича қараш лаёқатининг етишмаслиги ва шу қабила оилада фарзандлар тарбиясига эътиборнинг биров сусайишига сабаб бўлиб, ота-оналар фарзандлари билан кам мулоқотда бўлишига тўғри келмоқда. Шу боисдан юртимизда оиладан ташқарида фарзандлар камолоти, тарбияси билан машғул бўладиган турли хил машғулотларга, (спорт, касб-ҳунар) тўғаракларга нисбатан бўлган эҳтиёжнинг ортиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган тадбирлар мақтовга сазавордир. Жойларда фойдаланишга топширилаётган спорт иншоотлари, замонавий талабларга жавоб берадиган таълим масканларининг бунёд этилиши, ёшларимизнинг бўш вақтларида шуғулланишлари учун турли хил тўғаракларнинг барпо этилиши бу йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг намунасидир. Аммо бу соҳада ҳали қилинадиган ишлар ҳам бисёрдир.

Оилада етарлича тарбия кўрмаган болалар турмуш қийинчиликларидан қоқилади. Турли хил низоли вазиятларга дуч келади. Тарбиясизлик ўсмирни яхши ўртоқларидан, давралардан айиради. Оқибатда ўсмир учун бирдан-бир йўл носоғлом хулқли ўсмирлар даврасига қўшилиб кетиш бўлиб қолади. Қарабсизки, ўсмирда жиноятчилик хулқининг келиб чиқиши учун шарт-шароит яратилади.

Болалар ва ўсмирларда хулқ оғишининг келиб чиқишига сабаб бўлувчи оилавий тарбияга боғлиқ бўлган омиллардан яна бири оилавий тарбияда приметив (эскирган, номаъқул) усуллардан фойдаланиш. Бундай тарбия усулида тарбия ўта қаттиққўллик, авторетар, болаларнинг фикр ва қарашларини инобатга олмаслик асосида олиб борилади. Бундай усулда болаларни тарбиялашнинг нотўғри эканлигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Чунки, бугунги ёшлар мустақил фикрлашга интилувчан, ўз қарашларига эга бўлган, ақлан етук ёшлардир. Бундай ёшлар билан ҳисоблашиш, уларнинг фикр ва мулоҳазаларини эшитиш, керакли жойларда маслаҳат бериш яхши натижалар беришлигини унутмаслигимиз керак.

Оилавий тарбияда қўполлик, андишасизлик, ҳақорат, дўқ-пўписа ва жисмоний жазолаш сингари усуллардан фойдаланиш кўпинча болалар ва ўсмирларнинг уйдан қочишига, бирон иш қилиб қўйиб ота-онасидан кўрққанидан кўчаларда дайдисираб юришига, қаерлардадир тунаб қолишига олиб келади. Бундай болалар оила муҳитига нисбатан ижтимоий психологик дезадаптацияланиш жараёнига дуч келадилар. Оқибатда ўзига маъқул бўлган оиладан ташқари гуруҳ ёки кўча муҳитини қабул қилади. Бу муҳит ўзининг характериға кўра, болага салбий ёки ижобий таъсир қилиши мумкин. Афсуски, носоғлом муҳит психологиясига эга бўлган кўча муҳити болаларга кўп ҳолатларда салбий таъсир кўрсатади.

Оилавий тарбияда болалар ва ўсмирларнинг ёш ва индивидуал-психологик хусусиятларини инобатга олмасликлари ҳолати кўпинча кўзланган тарбиядан кўра тескари натижа беради.

Маълумки, балоғат ёши ҳисобланган (12-14 ёш даврида) ўсмирлик даврида кескин психофизиологик ўзгаришлар содир бўлади. Ушбу ўзгаришлар кўпинча ўсмир руҳиятига ҳам таъсир ўтказади. Бу ўсмирда тажанглик, серзардалик, инжиклик, таъсирланувчанлик ҳолатларининг келиб чиқишига сабаб бўлади. Ўсмир руҳий дунёсида пайдо бўлган бундай ўзгаришлар балоғат даври ўтиши билан бир меъёрга келиб қолади. Шунинг учун балоғат ёши даврида ота-оналар ўсмирлар тарбиясига алоҳида эътибор беришлари, уларда кечаётган психофизиологик ўзгаришларни ҳисобга олишлари мақсадга мувофиқдир. Кўпинча оилавий тарбияда болаларнинг ёш ва индивидуал-психологик хусусиятларининг инобатга олинмаслиги уларнинг нотўғри, ёмон йўللарга кириб кетишларига сабаб бўлади. Шу боисдан ота-оналар оилавий тарбияда, фарзандлари билан бўладиган шахслараро муносабатларда, улар билан муомала қилишда шахс ва ёш даври хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иш тутсалар оилавий тарбиянинг самараси юқори бўлишлигини таъминлаган бўлур эди.

Болалар ва ўсмирларда жиноятчилик хулқининг келиб чиқишига таъсир этувчи оилавий тарбияга боғлиқ бўлган омиллар орасида ота-оналарда фарзандлар тарбиясига доир билимларнинг етарли эмаслиги ҳолати ҳам яққол кўзга ташланади.

Ота-оналарда болалар тарбияси тўғрисидаги назарий ва амалий билим ва маълумотларнинг етишмаслиги оилавий тарбияда нуқсонларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Оилада ота-оналар кўпинча фарзандлари бирон бир ёмон иш қилиб қўйса, уни қаттиқ жазолаш, тақиклаш ва уларни уйдан чиқармай қўйиш усуллари орқали тарбияламоқчи бўладилар. Фарзанди ўзларига ёқадиган ишга қўл урса уни ҳаддан ортиқ мақтайдилар ва мукофотлайдилар. Ўзлари қўллаётган усулларни қай бири тўғри, қай бири нотўғри эканлигини англаб етмайдилар. Ўзларича тарбия шундай берилади, деб ўйлайдилар. Натижада ўзлари билмаган ҳолда болаларининг тарбиясига салбий таъсир кўрсатадилар. Шунинг учун ота-она энг аввало, оилада болаларни тарбиялаш тўғрисидаги назарий ва амалий билимларга эга бўлиши лозим бўлади. Бунинг учун эса улар тарбия тўғрисидаги педагогик ва психологик китобларни, газета ва ойномаларни кўпроқ ўқишлари зарур бўлади.

Ушбулардан кўринадики, ота-оналарда тарбия борасидаги билимларнинг етишмаслиги, тарбия жараёнида миллий қадриятлар, урф-одатлар ва расм-русумларимиздан фойдаланмаслик болалар тарбиясининг бузилишига, уларда турли хил хулқ оғишларининг келиб чиқишига олиб келади.

Тадқиқотлар натижаларидан маълум бўлишича, оилада болалар тарбиясида қарияларнинг иштирок этмаслиги ҳолати ҳам болалар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Ахир халқимизда «қариси бор уйнинг – париси бор», деб бежиз айтилмаган. Қарияларнинг биринчидан, деярли уйда бўлишликлари болалар билан доимо мулоқотда бўлишга, улар фаолиятини

доимо назорат қилиб туришга олиб келса, иккинчидан улардаги ҳаётий тажрибанинг кўплиги болалар тарбиясида муҳим ўрин тутди.

Маълумки, ўзбек халқи бой маънавий, маданий қадриятларга эга. Ана шу қадриятлар, урф-одатлар, расм-русумлар ва тарбия усуллари орқали боболаримиз, момоларимиз фарзандларини тарбиялаб вояга етказишган. Миллий қадриятлар руҳида тарбияланган фарзандлар одоб-ахлоқда, ақл-заковатда, меҳр-оқибат ва халқпарварликда, жасурлик ва мардликда ном қозонган.

Хабарингиз бор халқимиз узоқ йиллар мобайнида европача турмуш тарзини бошидан кечирди. Бир неча минг йиллик урф-одатлар, расм-русумлар, анъаналар ва миллий тарбия усуллари ўрнига европача тарбия маданияти кириб келди. Улар баъзан тазйиқ орқали ҳам киритилди. Натижада халқимиз тарихан шаклланган бой маданий ва маънавий меросидан, оилавий тарбия усулларида айрилди.

Назаримизда бундай ҳолат бугунги кунда ўзбек оилаларидаги тарбия самарасига қайсидир маънода салбий таъсир кўрсатди. Натижада оилавий тарбиянинг таъсирчанлик роли пасайди. Ота-она ва болалар ўртасидаги муносабатлар кескинлашди. Оилаларда меҳр-оқибат, кичикларга иззат, катталарга ҳурмат йўқола бошлади. Бу охир оқибат атрофга, жамиятга ҳам таъсир эта бошлади. Шу боисдан бўлса керак, бугун куча-куйда ёшларнинг ўзини тутишлари, муомала муносабатлари баъзан кишининг ғашини келтиради.

Ёшларимизда ўзбек халқига хос бўлган меҳр-шафқатлилик, бағрикенглик (толерантлик), ночорлар, дардманлар ҳолидан хабар олиш, уларга ёрдам бериш хислатлари негизда бугунги кунда кўринмай бораёпти. Ёшларимиз ўртасида хасислик, боқибегамлик, лоқайдлик, бетга чопарлик, манфаатпарастлик, тамагирлик, кўзбўямачилик каби иллатлар кучайиб бормоқда.

Кузатишларимизга қараганда, оилаларда ота-она ҳамда фарзанд ўртасидаги муносабатларда ҳам ўзига хос самарасиз усуллардан фойдаланилаётганлиги кўзга ташланмоқда. Жумладан, ота-оналар баъзан фарзандларига ўта-даражада меҳр қўядилар. Уларни асраб авайлайдилар, эъзозлайдилар. Уларга гард юқтирмасликка ҳаракат қиладилар. Айтган ёки истаган нарсаларни муҳайё қилишга интиладилар. Бир қарашда ота-онада шундай қилса нима қилибди, дейсиз. Аммо ота-оналарнинг болаларга бундай муносабатлари болаларда салбий хислатларнинг шаклланишига олиб келмоқда. Ота-онаси томонидан кўрсатилаётган бундай муносабат натижасида болада манманлик, бировларни менсимаслик, тайёрга-айёрлик, меҳнатнинг қадрига етмаслик, сабр-тоқатсизлик каби салбий хислатлар пайдо бўлмоқда. Бундай хислатларга эга бўлган болаларда ўзбек халқига хос бўлган меҳнатсеварлик, олижаноблик, ўзгаларни ҳурмат ва эъзозлаш, меҳнатнинг қадрига етиш хислатлари шаклланимайди. Шунингдек, уларда мақтанчоқлик, бировларнинг устидан кулиш, ночорлигини юзига солиш одатлари ҳам кузатилади. Бундай руҳда тарбияланган болалар муаммоли вазиятларда мустақил фикр юритиш, муайян қарорларга келиш борасида ҳам

кийинчиликларга учрайдилар. Бундайлар ўз тенкурлари билан келиша олмасликлари, дўстлари доирасининг торлиги туфайли кўпинча тенгдошларидан яккаланиб қолишликлари билан ажралиб турадилар.

Бугунги кунда ўзбек оиласида мавжуд бўлган тарбиядаги нуқсонлардан яна бири ота-оналарнинг рад этиш, таъқиқлаш, рухсат этмаслик асосидаги тарбиялаш усулидир. Бу хилдаги тарбия усулида болаларнинг хоши-истаги, ўй-хаёллари, орзу ва интилишлари, фикр ва мулоҳазалари инобатга олинмайди. Бундан ташқари бундай тарбия усулида болаларга ўз фикр мулоҳазаларини очикча баён этиш, мустақил қарорларга келиш ва муайян вазиятларга ўз нуқтаи назарини билдириш имконияти чекланади. Бундай тарбия усулида баъзан болаларнинг ҳатти-ҳаракатлари мажбурий тарзда таъқиқлаш усуллари билан бошқариб борилади. Уйда бу нарсага тегиш мумкин, бу нарсага тегиш мумкин эмас, бу кийимни киясан, бунисини киймайсан қабилидаги муносабат ўрнатилади. Боланинг қизиқиши, эркинлиги, ўзига ёққан кийимни кийиши, кўнгли истаган иш билан машғул бўлиши, қизиққан китобини ўқиши ва хоҳлаган спорт тури билан шуғулланиши ота-она ихтиёри билан амалга оширилади. Оилада ота ёки онанинг айтгани-айтган, дегани-деган бўлади. Бундай усулда тарбияланган болаларда мустақил фикр юритиш қобилиятининг суст ривожланиши, тортинчоқлик, ўз фикр-мулоҳазаларини баён эта олмаслик, тобелик, кўрқоқлик ва журъатсизлик каби салбий хислатлар ёрқин намоён бўлади. Журъатсиз, тобе, тортинчоқ болада фаоллик ва ўз-ўзига ишонч ҳисси етишмайди. Шунингдек, уларда нутқнинг суст ривожланиши ҳолати ҳам кузатилади. Бундай болалар бутун умр давомида бировларга тобе бўлиб яшайдилар. Уларда раҳбарлик, бошқарувчанлик қобилиятлари суст ривожланган бўлади. Улар бировларнинг гап-сўзларига тез учадилар. Шунинг учун улар алдовлар, кўзбуямачиликлар, таъмагирликлар қурбонига айланадилар. Улардаги фикрлаш қобилиятининг суст ривожланганлиги низоли вазиятларга тез-тез тушиб қолишликка сабаб бўлади. Бундайлар низоли вазиятларда тўғри қарорлар қабул қилишга қийналадилар. Улар бировларнинг таъсири, қистови ёки мажбурлаши натижасида турли хил қонунбузарликларни амалга оширишлари мумкин.

Ўзбек оилаларида берилаётган тарбия нуқсонларидан яна бири оилавий тарбияда миллий қадриятларимиздан, яъни эртак, мақол, ривоят ва ҳадис илмидан етарлича фойдаланилмаётганлигидир.

Тадқиқот натижаларидан маълум бўлишича, тадқиқотимизда иштирок этган ота-оналарнинг атиги чорак қисми фарзандларига ёшлигида эртак, ривоят ва мақоллар айтиб беришганлигини эслашадилар холос. Ахир қадриятларимиз, халқ оғзаки ижоди дурдоналари, ривоятлар ва ҳадис илми болаларда яхшилик, олижаноблик, хуш хулқлилик хислатларининг шаклланишига хизмат қилишлиги ҳаммага аён. Шундай бўлсада, нега бугун фарзандлар тарбиясида бу масалага эътиборсизлик қиламиз. Сизу бизнинг ана шу эътиборсизлигимиз, эрта катта бўлганда тарбияланиб қолар деган ақидага берилишлигимиз болаларимизнинг баркамол, хуш хулқли инсонлар бўлиб етишишига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

Ўзбек оилаларида ота-оналарнинг фарзандларни тарбиялашдаги камчиликларидан яна бири болаларнинг тарбиясига ёшлигидан эътибор бермасликдир. Ахир халқимизда “тўққизда бўлмаган, тўқсонда ҳам бўлмайди”, деган ажойиб нақл борку. Болани қанчалик эрта ўргатсанг, тарбия берсанг шунчалик тез мослашади, ўрганади. Афсуски, кўпгина ота-оналар ёшлигида фарзандимнинг қорни тўқ, усти бут бўлса бўлди, деб ўйлашади. Ёши 16-17га бориб, мактабни битираётганда эса фарзанди ҳақида ўйлаб қолишади. Бу даврга келиб фарзанд тарбияси, унинг эртанги куни ҳақида ўйлашлиги кеч бўлганлигини кўпчилик ота-оналар англаб етмайдилар. Натижада тарбияда қўлдан бой берилган фурсат азобини ўзимиз тортамыз. Бу ҳам етмаганидек боланинг келажаги, эртанги куни, фаровон ва бахтли ҳаёт кечиришини барбод қиламиз. Бундай ҳолатларда айбни кўпинча болалардан излаймиз. Ўз айбимизни эса тан олмаймиз ёки кўра билмаймиз.

Оилада ота-оналарнинг тарбияда йўл қўяётган камчиликларидан бошқа бири болаларнинг ёш ва индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олмасликдир.

Кўпчилигимиз оиладаги барча фарзандларга бир хил тарбия беришга ўрганиб қолганмиз. Биламизки, болалар табиатан ҳар хил кўринишли, турли хил характерли, қобилятли ёки қобилятсиз, оғир, вазмин ёки ҳаракатчан бўлишадилар. Айнан ушбу жиҳатларга кўра, болаларга ёндашиш, улар билан муносабатда бўлиш ва тарбия бериш усулини танлаш мақсадга мувофиқлигини унутмаслигимиз керак.

ЁШЛАРДА ХУЛҚ ОҒИШИ ВА ТАРБИЯ БУЗИЛИШИНING ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ПРОФИЛАКТИК ТАРДБИРЛАРNING АЙРИМ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Маълумки, болалар ва ўсмирлар ўртасида хулқ оғишининг олдини олиш тадбирлари энг аввало, хулқ оғишини келтириб чиқарадиган шарт-шароит ва сабабларни бартараф қилишни тақоза қилади.

Масаланинг долзарблигидан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда бутун дунё миқёсида, шу жумладан Республикамизда вояга етмаганлар ўртасида хулқ оғишининг олдини олиш борасида бир қатор илмий ва амалий жиҳатдан асосланган чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Республикамизда бу йўналишда олиб борилаётган амалий ишлардан бири сифатида Тошкент шаҳри, вилоятлар ва туманларда вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияларининг тузилиши ва уларнинг фаолиятини белгилаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган ҳужжатнинг қабул қилиниши ва ушбу ҳужжатда “вояга етмаганлар ўртасида қонунбузарликларга барҳам бериш ва уларнинг олдини олиш” га қаратилган профилактик чора-тадбирлар болалар ва ўсмирлар ёш ва индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олган ва ҳар томонлама илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқилиши ва уларнинг таъсирчанлик даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилсин”, деб таъкидланишини кўрсатиш мумкин.

Ҳақиқатдан ҳам ўсиб келаётган ёш авлоднинг эртанги кунимиз, келажагимизнинг давомчилари эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, болалар

ва ўсмирлар ўртасидаги турли хил ғайриқонуний, шу жумладан жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, ҳар қачонгидан ҳам долзарб муаммо сифатида намоён бўлади.

Кузатишларимиздан маълум бўлишича, вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олишда энг аввало, жиноятчилик хулқининг ижтимоий-психологик, индивидуал-психологик, социологик, ҳудудий ва криминологик хусусиятларини ҳисобга олиш талаб этилади. Шунингдек, вояга етмаганлар ўртасида юзага келаётган қонунбузарликларнинг олдини олиш ишлари умумий ва махсус-индивидуал тарзда олиб борилиши билан характерланади.

Умумий ижтимоий чора-тадбирларга жамиятни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, сиёсий барқарорликни таъминлаш, халқнинг турмуш тарзи ва микро муҳит муносабатларини яхшилаш, фуқароларнинг маданий-маънавий ва маърифий салоҳиятини ўстириш ва бошқалар киради.

Махсус-индивидуал характердаги тадбирлар сифатида эса болалар ва ўсмирларнинг шахс хусусиятлари, уларнинг психологияси, дунёқараши, кадриятлар ориентацияси, ҳаётий позицияси, онглилик даражаси ва ижтимоийлашув хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қўллаш тушунилади.

Профилактик чора тадбирларни ишлаб чиқишда вояга етмаганлар ўртасида хулқ оғишининг келиб чиқишигача бўлган даврга, бу даврда олиб бориладиган умумий тарбиявий тадбирларга, уларни такомиллаштиришга, таъсирчанлик даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Шунинг учун ҳам вояга етмаганлар ўртасида юзага келаётган хулқ оғишининг олдини олишда ушбу оралик даври муҳим аҳамият касб этишлигини унутмаслигимиз керак.

Вояга етмаганлар ўртасида хулқ оғишининг олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар табиатини тушуниш учун аввало уларнинг бошланиш даврини, унинг объектини ҳамда хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирлар шахсига қандай таъсир кўрсатиш хусусиятини билиб олиш талаб этилади. Ушбу масалани ечиш учун табиий равишда шахснинг мотивацион соҳасига алоқадор бўлган маълумотлардан фойдаланишга тўғри келади.

Жиноятчилик хулқи мотивацияси қайсидир маънода шахснинг умумий йўналиши ва вазият ўртасидаги ўзаро алоқасига боғлиқ бўлади. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жиноятчилик хулқи мотивацияси криминоген вазиятга нисбатан шахснинг ижобий йўналиши ва фазилатларининг сусайишига, фаол криминоген вазиятларга нисбатан шахснинг ижобий йўналиши ва фазилатлари беқарорлигига, криминоген вазиятлар билан шахснинг салбий хислатлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликка ҳамда шахснинг криминоген йўналиши каби жуда кўплаб бошқа омиллар асосида намоён бўлади.

Вояга етмаган жиноятчилар шахсининг умумий йўналиши таҳлили жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни нафақат жиноятчилик хулқи ва салбий иллатларга эга бўлган болалар ва

ўсмирлар ўртасида олиб бориш, балки соғлом хулқли болалар ва ўсмирлар ўртасида ҳам уларни олиб бориш заруриятини кўрсатади.

Ушбу фикрдан кўринадики, ўсмир томонидан содир этилган жиноий ҳаракат-унинг хулқига эмас, балки ситуацион вазиятларга кўра содир этилганда ўсмир шахсининг ижобий сифатлари ва жиноятчиликнинг содир этилишига сабаб бўлувчи омиллар тўғрисидаги маълумотларни бермайди. Шунингдек, бундай вазиятларда ўсмирда тарбиявий профилактик тадбирлар олиб борилганда ҳам жиноий ҳаракатнинг олдини олишга ёрдам бериб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ситуацион вазиятларга боғлиқ бўлган жиноятларнинг олдини олишда ўсмир шахсининг хусусиятларини, унинг ижобий ёки салбий фазилатларни ҳамда уларнинг характер хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иш тутиш мақсадга мувофиқлигини унутмаслик керак. Шунингдек, ўсмир шахсидаги эмоционал беқарорлик, қўзғалувчанлик хусусиятларига барҳам беришга эришиш ҳамда уларда ўз ҳатти-ҳаракатларини бошқара олиш ва фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш ситуацион вазиятларга боғлиқ бўлган болалар ва ўсмирлар жиноятчилигининг олдини олишда муҳим ҳисобланади.

Вояга етмаганларда хулқ оғиши жараёни шахс хусусиятлари билан ташқи муҳит воқеа-ҳодисалари ўртасидаги мураккаб боғланишли жараён бўлиб ҳисобланади. Бу жараёнда ўсмир шахси субъект сифатида ташқи муҳит ахборотларини қабул қилади ва қайта ишлайди. Объект сифатида эса ташқи муҳит элементлари шахсга таъсир этувчи элемент сифатида ифодаланади.

Ўсмир шахсининг ижтимоий-психологик хусусиятлари шундай ўзига хос имкониятларга эгаки, у баъзан шахснинг соғлом муносабатлари ва соғлом турмуш тарзини белгиласа, баъзан эса носоғлом хулқ-атворнинг келиб чиқиши учун имконият яратади. Ушбу хусусиятлар ўсмирларда ғайри қонуний хулқ-атворнинг келиб чиқишининг олдини олишга қаратилган психологик-педагогик жиҳатдан таъсирчан тадбирларни ишлаб чиқиш заруриятини кўрсатади.

Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш тадбирлари самарадорлиги ва уларнинг таъсирчанлиги энг аввало, ўсмир шахсидаги ижобий фазилатлар, ижтимоий фойдали эҳтиёж ва қизиқишларнинг шаклланганлигига боғлиқ бўлади. Шу маънода ўқув-тарбиявий тадбирлар ва машғулотлар вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олишнинг дастлабки профилактикаси сифатида хизмат қилиши керак.

Хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирлар ўртасида олиб бориладиган тарбиявий тадбирларнинг самарадорлиги уларда фаол ҳаётий позицияни шакллантириш, ўқувчи ва ўқитувчи ўртасида ўзаро яқинлик ва соғлом муносабатни ўрнатишга боғлиқдир. Шунинг учун ўқитувчининг тарбияси оғир ўсмирга нисбатан бераётган эътиборини, уларни ўзларига яқин олаётганлигини ва ёрдам бермоқчи бўлаётганлигини ўсмир ҳар доим ҳис қилиб туриши муҳим ҳисобланади. Бу ўсмир хулқини соғломлаштиришга қўйилган илк қадам бўлиб ҳисобланади.

Ўсмирдаги дезадаптацияланган хулқни тузатишнинг кейинги шарти ўсмир психикасидаги ўзгаришни ўз вақтида аниқлаш ва тиббий, психологокик-педагогик ёрдам кўрсатиш бўлиб ҳисобланади.

Ўсмирларда хулқ оғиши ва жиноятчилик хулқининг олдини олишга қаратилган ўқув-тарбиявий тадбирлар ўсмирнинг оилавий муҳити, тарбияланганлик даражаси ва шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Чунки, оила муҳитини билишлик ўсмир шахси ҳақида, унинг тарбияланганлик даражаси ва турмуш тарзи, ижобий ва салбий фазилатлари ҳақида маълумотларни беради.

Хулқ оғишига эга бўлган болаларга профилактик таъсир кўрсатишда ўсмирнинг шахс сифатидаги шаклланиши жараёнини, унинг ўзига хос хусусиятларини, характер хислатлари ва психологиясини ҳисобга олган ҳолда иш тутиш яхши натижа беришлигини унутмаслик лозим.

Болалар ва ўсмирларда хулқ оғишининг олдини олишнинг муҳим шартларидан яна бири – тарбиявий жараёнда мактаб ва оила ҳамкорлигини тўғри йўлга қўйиш. Афсуски, бу масалани бугунги кунда талаб даражасида деяолмаймиз. Шунинг учун ҳам бундай пайтларда кўпинча оила ва мактаб ҳамкорлиги, ота-она ва ўқитувчи ўртасидаги ўзаро алоқанинг узилиши туфайли болалар ва ўсмирлар тарбиясини, айниқса, улар хулқидаги ўзгаришларни тузатиш анча қийин кечади.

Ўқитувчи ўқувчи ўсиб вояга етаётган оила муҳитини, унинг ахлоқий қиёфасини ҳар доим ҳам билавермайди. Баъзан айрим ўқитувчилар болалар ва ўсмирлар билан олиб борадиган тарбиявий ишларни ота-оналар билан маслаҳатлашмай, улар ҳақида муайян маълумотларга эга бўлмай амалга оширадилар. Бундай ҳолатларда табиий равишда тарбиявий тадбирларнинг олиб борилиши кўзда тутилган профилактик чораларнинг таъсирчанлик даражасининг пасайишига сабаб бўлади. Оқибатда профилактикадан кўзланган мақсадга эришилмай қолинади.

Маълумки, оила муҳитининг соғломлиги, ота-оналар ва оиланинг бошқа аъзоларининг маданий, ақлий, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан баркамоллиги оилада тарбия олаётган болага ижобий таъсир кўрсатади. Ота-оналарнинг илму-маърифатлилиги болалар ва ўсмирларда ғайриқонуний хулқнинг олдини олишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Ушбу ҳолатни тадқиқотмиздан олинган натижалар ҳам кўрсатиб турибди. Бунга кўра жиноятчилик хулқига эга бўлган болалар ва ўсмирлар ота-оналарининг маълумотлилики ва ўқимишлилики даражаси хулқ оғишига эга бўлмаган болалар ва ўсмирлар ота-оналариникига қараганда анча паст даражани кўрсатади.

ТАРБИЯСИ ҚИЙИН ЎСМИРЛАР ВА УЛАР БИЛАН ИШЛАШДАГИ ПСИХОЛОГИК ТАЛАБЛАР

Манбалар ва тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўсмирлик ёшининг ўзига хос мураккаб томонлари мавжуд бўлишига қарамасдан уларни тарбиялаш мумкин.

Ҳозирги кун психология фанида инсон хулқ-атворидаги ўзгаришлар ва ахлоқ нормасидан четга чиқиш ҳодисаси ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ экани ва уларни соғломлаштириш мумкинлиги тўғрисидаги таълимот илмий жиҳатдан асосланилди. Шунга кўра тарбияси қийин болалар хулқ-атворини соғломлаштириш мумкин, деган хулоса келиб чиқади.

Маълумки, ёшлар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишларининг муваффақияти – уларнинг ёш ва психологик хусусиятларини билиш ҳамда ҳисобга олишга боғлиқдир. Бу ҳолат бурилиш даври ҳисобланган ўсмирлик даврининг алоғида хусусияти бўлиб, у кўпроқ шу даврга тааллуқлидир. Ўсмирлик даврини ўтиш даври, деб юритадилар, чунки ана шу даврда болаликдан катталиқ ҳолатига ўзига хос ўтиш даври юзага келади. Бу жараёнлар ўқувчи фаолиятларининг жиддий равишда қайта қурилиши билан боғлиқдир. Шунинг учун ўсмирлик ёши ўзаро муносабат шаклларида, фаолиятни ташкил қилишда қатъий ўзгаришларни талаб қилади. Ўсмирларга таълим-тарбия бериш ишларида гоҳо учрайдиган қийинчиликлар бу ёшдаги болаларнинг психик ривожланиши қонуниятларини ва хусусиятларини баъзан етарли даражада билмаслик ёки инкор қилиш натижасида пайдо бўлади. Бу давр тарбия учун анча қийин давр ҳисобланади. Чунки боланинг катта одамга айланиш жараёнининг ўзи қийин, бу жараён психиканинг, одамлар билан бўлган муносабат шакллариининг жиддий равишда қайта ўзгариши ҳамда ҳаёт шароити ва фаолиятининг ўзгариши билан боғлиқдир.

Агар болани болалиқ чоғида унга одоб-ахлоқ ўргатишни эски шакл ва усулларида фойдаланилган бўлсак, энди улар ўсмир учун яроқсиз бўлиб қолади. Аввал болалар ота-оналари, тарбиячиларнинг ахлоқ-одоб ҳақидаги гапларини бажонидил эшитган бўлсалар, эндиликда бундай таъсир болани зериктиради ёки ёқмай қолади. Натижада, ундан катталарнинг фикрларига қарши чиқиш ёки рад этиш каби ҳислатлар пайдо бўла бошлайди. Булар эса бу даврнинг “қийин”, “мураккаб” давр бўлишига сабаб бўлади.

Тарбияси қийин, инжиқ, хулқи салбий болалар келиб чиқишининг ижтимоий сабабларидан ташқари педагогик ва психологик сабаблари ҳам мавжуд. Ёшларда ноҳуя хатти-ҳаракатлар пайдо бўлишининг сабаблари ва турткилари ҳар хилдир. Қонунни бузишни ёки қоидага ҳилоф иш қилиши даражасига қараб тарбияси қийин ўсмирлар жиноий қонунбузар ва одий қоидабузар гуруҳларга ажратилади.

Шахснинг биологик ўсишидаги нуқсонлар, сезги органларидаги камчиликлар, ўқишга салбий таъсир этувчи олий нерв фаолияти ва темпераментдаги қусурлар тарбияси қийин болаларни келтириб чиқаради. Шахснинг психик ўсишидаги камчиликлар, ироданинг бўшлиғи, ақл-идрокнинг заиф ривожланганлиги, ҳиссиётнинг кучсизлиги, зарур эҳтиёж ва қизиқишларнинг мавжуд эмаслиги, ўсмирнинг интилиши билан мавжуд имконияти ўртисидаги номутаносиблик каби хатти-ҳаракатларни издан чиқаради. Жумладан:

Шахснинг фазилатлари таркиб топишидаги нуқсонлар:

- а) ахлоқий ҳисларнинг этишмаслиги;
- б) ўқитувчи, синф жамоаси, оила аъзолари билан нотўғри мулоқот;

в) ишёқмаслик;
г) бўш вақтни тўғри тақсимламаслик ва бошқалар салбий ҳолатларни вужудга келтиради.

Шахснинг ўқув фаолиятидаги камчиликлари:

- 1) ақлий фаолият усулларида кенг фойдалана билмаслик;
- 2) билим, кўникма ва малакаларни эгаллашдаги узилишлар.

Мактаб фаолиятига боғлиқ бўлган нуқсонлар:

- 1) ўқитишдаги нуқсонлар
- 2) тарбиявий чора ва тадбирлардаги хатолар болалар ва ўсмирлар ҳуқида ўзгаришларнинг келиб чиқишига хизмат қилиши мумкин.

Мактабдан ташқари муҳитнинг таъсиридаги нуқсонлар, чунончи оилада педагогик-психологик билимларнинг етишмаслиги, оилавий низолар, ажралиш, ота-онанинг ичкиликка ва шахвоний ҳаётга берилиши, балоғатга етмаган тенгқурларининг таъсири, маънавий-маърифий ишлаб чиқариш жамоалари ҳамда жамоатчилик қуршовидаги камчиликлар тарбияси қийин ўсмирлар кўпайишига сабаб бўлади.

Умуман тарбияси қийин ўсмирларни келтириб чиқарувчи сабаблар мажмуасига қуйидагиларни киритиш мумкин.

1. Шахснинг биологик нуқсонлари:

- а) сезги органларидаги камчиликлар;
- б) ўқишга салбий таъсир этувчи олий нерв фаолияти ва темперамент хусусиятларининг мавжудлиги;

2. Шахснинг психик камолатидаги камчиликлар:

- а) ақлнинг суст ривожланганлиги;
- б) ироданинг заифлиги;
- в) ҳиссиётнинг кам ривожланганлиги;
- г) зарур эҳтиёж ва билишга қизиқишлар мавжуд эмаслиги;
- д) ўсмирдаги интилиш билан имкониятларнинг номутаносиблиги.

3. Шахснинг тарбиясидаги нуқсонлар:

- а) ахлоқий ҳислатларида учрайдиган камчилик;
- б) ўсмирнинг ўқитувчи, синф жамоаси ва оила аъзолари билан мулоқотидаги нуқсонлар;
- в) меҳнат тарбиясидаги нуқсонлар;
- г) бўш вақтни тақсимлашдаги хатолар;
- в) ижтимоий муҳит, оилавий шароит, таълим-тарбиядаги нуқсонлар.

4. Шахснинг билим олиш фаолиятидаги камчиликлари:

- а) билимлар, махсус кўникмалар ва малакаларни эгаллашдаги ўзгаришлар;
- б) таълим жараёнида ақлий меҳнат усуллари ва операцияларнинг етишмаслиги.

5. Мактаб таълими ва тарбиясидаги камчилик:

- а) таълим жараёнида билимлар ва хатти-ҳаракатларни адолатсиз баҳолаш, дарслик ва ўқув қўлланмаларига нисбатан англашмовчиликлар, синфда қолдириш ва ҳ.з;

б) мактаб тарбиявий ишларидаги камчиликлар (ўқитувчининг ўсмирга хайрихоҳ эмаслиги, ўқувчининг яққаланиши, ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоасидаги нуқсонлар, педагогик қаровсизлик, ўз ўрнини топа олмаслик).

6. Мактабдан таъшари мухитдаги нуқсонлар:

- а) оилада педагогик ва психологик билимларнинг етишмаслиги;
- б) оиланинг бузилиши ва оилавий низолар;
- в) ота-она ёки оила аъзоларининг шахвоний ҳаётга ва ичкиликка берилиши;
- г) оила аъзолари ўртасида судланган одамнинг учраши;
- д) тенгқурларнинг салбий ишларига (ҳақорат қилишига, ичишга, чекишга, қўли эгриликка) ўргатиш ва ҳ.з.;
- е) маданий-маърифий, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик фаолиятидаги камчиликлар (эътиборсизлик ва лоқайдликлар).

Тарбияси қийин ёшларни тарбиялашда улар билан индивидуал муносабатда бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Ёшлар билан индивидуал муносабатда бўлишда ҳар бир ёшни индивидуаллигининг физиологик асосини ва унинг шахси ҳақида маълум даражада маълумот берувчи олий нерв(асаб) фаолияти типлари ҳақидаги И.П.Павлов таълимотини билиш ўқитувчиларга ёрдам беради.

1. Нерв системасининг кучи нерв хужайраларидаги моддаларнинг имконияти миқдори билан белгиланади. Кучли типдаги асаб тизимида бундай имконият кўп миқдорда бўлиб, кучсиз типда у камдир. Асаб тизимининг кучли қўзғалиш жараёнига, шунингдек тормозланиш қобилиятини акс этади.

2. Асаб тизимининг кучи тамойилига мувофиқ кучли типга сангвиниклар, флегматиклар, кучсиз типига эса меланхоликлар киради.

3. Асаб тизимининг илдамлиги мия пўстининг тормозланиши билан ёки аксинча, тормозланишнинг қўзғалиши билан нақадар енгил алмашинуvidан иборатдир.

Ўқитувчилар ўқувчилар асаб тизимининг эгилувчанлик хусусиятига эга эканлигини, унинг ҳар қандай таъсирларга берилувчанлигини назарда тутиб, ўқувчилар шахсидаги салбий хислатларни йўқотиш мумкинлигига катта ишонч ҳосил қилиши керак.

Бу ўринда ёшларнинг ғоявий маслагини ҳисобга олиш ҳам ниҳоятда муҳимдир. Ўқувчи индивидуаллигини шахс мазмунига, аввало унинг ғоявий маслаги, яъни унинг қизиқишлари, идеалларини билиш керак. Ёшларга индивидуал муносабатда бўлишда ижтимоий маслак сифатида уларнинг ижтимоий қизиқишларини билиш айниқса муҳимдир.

Ёшларни эмоционал-иродавий хусусиятларини билиш ҳам уларни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Ёшлар билан индивидуал муносабатда бўлишда унинг қанчалик тинч, муминлиги ёки эмоционаллиги, ҳиссиётга берилувчанлигини, яъни теvarак атрофдагилардан фарқ қилиў ёки фарқ қилмаслигини, аффе́ктга мойил еки мойил эмаслигини, ўз ҳиссиётини тута олиш-олмаслигини ва шунингдек, унда қандай ҳислар устун эканлигини билиш жуда муҳимдир.

Ёшларнинг ахлоқий хислатини ҳисобга олиш ҳам муҳимдир. Чунки ёшларнинг ғоявий маслаги унинг ахлоқий хислатида кўринади. Аммо баъзан ахлоқий маслак билан ёшларнинг хулқи тўлиқ равишда муносиб келмай қолади. Шунинг учун катталар ҳар бир ёшларнинг қанчалик ватанпарварлигини, меҳнатсеварлигини, қанчалик ҳурмат қилишини, қанчалик тўғрилигини ва виждонлилигини, ўртоқлик ва ҳамкорликни қанчалик ҳис қилишини кузатиб, билиб бориш зарур.

Салбий ахлоқий сифатларга эга бўлган ёшларда кўполлик, ёлғончилик, безорилик эгоизм, қайсарлик, ўжарлик, интизомсизлик, қоидаларга риоя қилмаслик, ўзбилармончилик кабилар кузатилади ва бундай хислатларга эга бўлган ёшларни тарбиялаш (жамоа орасида тарбияланганда ҳам)да фақат уларга яккама-якка ёндашиш лозим. Чунки улар жамоа ёки кўпчилик орасида ўзларининг айбларини ошкор бўлишини ёки тарбия, танбех бераётган кишининг насиҳат ёки кўрсатмаларига бўйсунини ёқтирмайдилар, улар билан муомалада ниҳоятда эҳтиёткорлик, самимийлик, дўстона муносабатда бўлиш талаб қилинади. Тарбияси қийин болалар, ёшлар билан ишлашда уларнинг характери, қизиқишларига хос хусусиятлари эътиборга олинини лозим. Кўп насиҳат қилмаслик, уришмаслик, овозини баланд кутармаслик, кўп гапирмаслик мақсадга мувофиқ. Ўзаро самимий муносабат, шахсий намуна (меҳнат, ўқиш жараёнида) оила ва мактабдаги кишиларнинг ишга ижобий муносабатигина ёшларда шундай бўлишига ҳавас туғдиради.

Тарбияси қийин ўсмирларнинг хатти-ҳаракатларини ижобий йўналишга буриб юбориш учун уларда масъулият, ғурур, жавобгарлик, ишонч каби юксак хисларни таркиб топтириш лозим. Бунинг учун уларга ёши, кучи, қобилияти ва қизиқишларини ҳисобга олиб, топшириқлар бериш айтилган. Уларга кичик жамоани, спорт секциясини бошқариш вазифасини ишониб топшириш натижасида салбий феъл-атворларни камайтиришга эришиш мумкин.

Уларни ўзлари қизиққан тўғрақларга жалб қилиш орқали ўқишга салбий муносабатлари аста-секин йўқолиб боради. Яна энг муҳими шунчаки, тарбияланувчиларга ишониш керак. Уларнинг қўлидан келадиган ишларга эътиборни бериб, уни бажарганидан кейин рағбатлантириш, уни ишни яна ҳам яхши бажаришда ўз фикрларини баён қилиш ҳам муҳимдир.

Тарбияси қийин болалар билан ишлашда тарбия беришнинг махсус шароитларини аниқлаш муҳимдир. Улар билан дуч келган вақтда ёки ҳар доим эмас, балки қулай шароит келиб қолганда иш олиб борилса, яъни тарбиявий таъсир кўрсатилса, у кўпроқ натижа беради.

Ижтимоий психологияда тарбияси қийин болалар жиноий (ҳуқуқий) ва оддий (ахлоқий) қонунбузарлар гуруҳига бўлиб ўрганилади. Тадқиқотчилар қонунбузар болалар ва ўсмирлардаги салбий хатти-ҳаракатларнинг вужудга келиш сабабларига қараб, тарбияси қийин болаларнинг тахминий типологиясини тузишга ҳаракат қиладилар.

Бунга кўра биринчи гуруҳга балоғатга етмаган, андишасиз, қайсар ўсмирлар киритилади. Бундай ўсмирлар шахсий қараши, ўзгаларга баҳо бериши ахлоқ нормасига зид бўлгани сабабли қонун бузадилар, ўз

қарашларини мактаб, оила ва жамоатчилик фикрига қарши қўйишга ҳаракат қиладилар. Шунингдек, бундайлар кўпинча ўз қилмишларини яхши англаган ҳолда иш тутадилар. Улар катталарнинг иззат-нафсига тегиш орқали роҳатланадилар. Ўртоқларини кўрқитиш, руҳан азоблаш, ваъдалар бериш билан ўзига оғдиришга интиладилар. Уларда ”ўзини кўрсатиш” иштиёқи кучли бўлади. Бундай болалар ва ўсмирлардаги “ўзини кўрсатиш” иштиёқидан унумли фойдаланиш мумкин. Масалан, уларни спорт тўғаракларига жалб қилиш, тадбирларда тартибни назорат қилиш вазифасини юклаш, ижтимоий меҳнат фаолиятларида масъулиятли участкаларни топшириш, улар йўл қўйган камчиликларини таъна қилмаслик, камчиликларини бировлар олдида айтмаслик, дарсдан ташқари ишларда раҳбарлик вазифасини беришлик каби топшириқлар улар хулқ-атворидаги ўзгаришларни соғломлаштиришга хизмат қилиши мумкин. Қолаверса, улар эришган айрим муваффақиятларни жамоа олдида рағбатлантириш, фанларни ўзлаштиришларини қўллаб-қувватлаш, улар дуч келган қийинчиликларни бартараф қилишга ёрдам бериш, шахслараро муносабатларда психологик хусусиятларини ҳисобга олишлик яхши натижа беришлигини унутмаслик керак.

Иккинчи гуруҳга беқарор ёки субутсиз, яъни ўз мустақил фикрига эга бўлмаган болалар ва ўсмирлар киритилади. Бундай болалар ва ўсмирлар барқарор ахлоқий эътиқод, маънавий ҳис ва шахсий қарашлари шаклланиб улгурмаганлиги туфайли иккиланиб турадилар. Уларнинг кишиларни баҳолаш фаолияти фавқулотда вазиятларга боғлиқ бўлади. Уларда ирода кучининг заифлиги, маънавий дунёсидаги беқарорлик, воқеа-ҳодисаларга нисбатан бефарқлик ва ташқи таъсирларга тез берилишлари туфайли хулқ-атворида ўзгаришлар келиб чиқади. Уларнинг кўнгли бўшлиги, характер ўзгарувчанлиги натижасида баъзан қонунбузарлик ҳодисалари ҳам содир этилиши мумкин. Бундайлар кўпинча бировга берган ваъдасининг устидан чиқа олмайдилар. Ўз қилмишларидан пушаймонликни ҳис қиладилар.

Бундайлар билан ишлашда уларни мустақил фикр юритишга ўргатиш, танқид ва ўз-ўзини танқидга одатлантириш, ирода кучини ўстириш учун махсус машғулотлар ўтказиш, фавқулотдаги вазиятларга бефарқлик хусусиятини қайта тарбиялаш ва уларга йўл-йўриқ кўрсатиш лозим бўлади.

Учинчи гуруҳга бошқа гуруҳларда учрамайдиган психик хусусиятлар, кечинмаларга бой болалар ва ўсмирлар киритилади. Бундайларда худбинлик, шахсий эҳтиж ва истакнинг кучлилиги ёрқин намоён бўлади. Шунинг учун улар ўз хоҳиш-истаги йўлида ҳар қандай ҳатто, баъзан ман қилинган йўللардан ҳам тоймайдилар. Улар маънавий қашшоқлигини ҳис қиладилар ва бундан изтироб чекадилар. Бировларга яхшилик қилишни хоҳлайдилар, аммо худбинлиги туфайли яхшилик қила олмайдилар.

Бундайлар билан ишлашда уларнинг худбинлигини йўқотиш учун махсус машғулотлар уюштириш яхши натижа беради. Уларда дўстлик, ҳамкорлик, инсонпарварлик хислатларини таркиб топтиришга ҳаракат қилиш лозим. Бундайларни раҳбарлик ишларига жалб қилиш уларда масъулият ҳиссини вужудга келтиради. Мустақиллик, ижодий фикр юритиш, ўз-ўзини назорат

қилиш ва ўз-ўзини танқид сингари шахс сифатларини шакллантиришга эътибор бериш зарур.

Аффектив кечинмали, эҳтиросларга бой, қўғалувчан, руҳий беқарор болалар ва ўсмирлар тўртинчи гуруҳни ташкил қилади. Бундайлар жамоада, оилада ва ўртоқлари даврасида ўз ўрнини топа олмайдиган, ўзини кўрсатиш қобилиятига эга бўлмаган, доимий равишда руҳий изтиробга тушувчи, ҳаракатлари суст, кўпчиликнинг назарида бўлишни ёқтирмайдиган, ноаниқ сабабларга кўра азобланувчи бўладилар.

Бундайлар билан ишлашда улардаги импульсивлик, аффектга мойиллик хусусиятларининг олдини олишга ва бундай вазиятларга тушган пайтларда оқилона маслаҳат бериш, ирода сифатларини шакллантиришга доир тадбирларни кўпроқ олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Уларда қийинчиликларни енгишга нисбатан бўлган интилишни вужудга келтириш, ўз-ўзига ва ўз кучига ишонч ҳиссини тарбиялаш, дадилликни вужудга келтириш, шахсий фаолиятларини шакллантириш ва уюштиришга ёрдам бериш ишларини олиб бориш яхши натижа беради.

Тадқиқодлардан маълум бўлишича, психологлар ва педагоглар томонидан дезадаптациялаган хулқнинг олдини олишга қаратилган бир қатор тавсиялар, маслаҳатлар ишлаб чиқилган. Тадқиқотчи Е.А.Горшкова тарбияси қийин ўсмирларнинг синф жамоаси билан бўладиган муносабатларини соғломлаштириш вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик хулқининг олдини олишда муҳим омил сифатида ўрин тутди, деб таъкидлайди ва қуйидаги психологик-педагогик тавсияларни ўртага ташлайди.

1.Тарбияси қийин ўсмирларнинг синф жамоасидаги ўрни ва унинг синфдошлари, атрофдагилар билан бўлган муносабатларини соғломлаштириш.

2.Тарбияси қийин ўсмирларнинг шахс хусусиятларини ҳар тамонлама ўрганиш ва тарбиявий тадбирларни амалга оширишда ижобий шахс сифатларини шакллантиришга эришиш.

3.Тарбияси қийин ўсмирларнинг синф ва мактаб жамоасидан изоляцияланишини (ажралиб қолишлик) олдини олиш тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш.

4.Тарбияси қийин ўсмирларни қизиқиш ва қобилиятларидан келиб чиқиб, синфда ва синфдан ташқарида ўтказиладиган тадбирларга жалб қилиш.

5.Синф жамоаси аъзоларида соғлом психологик муносабат ҳиссини шакллантириш.

6.Синф ва мактаб жамоасида тарбияси қийин ўсмирларга нисбатан ижобий ва фаол муносабат руҳини юзага келтириш.

Юқоридагилардан кўринадики, шахс хулқидаги оғишни тузатишга ҳаракат қилишда энг аввало, ўсмир шахсига, унинг ижтимоий муҳитга нисбатан мослашишига ҳамда ўсмирнинг мотивацион эҳтиёжлар соҳасини ўзгартиришга, носоғлом турмуш тарзи ва тарбия муҳитини соғломлаштиришга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Бунда ўсмирлардаги мавжуд бўлган ижобий сифат ва хусусиятларга таянган ҳолда уларда ҳар томонлама қизиқишни, биринчи навбатда ўқишга, меҳнатга,

ижтимоий фойдали фаолиятга нисбатан бўлган қизиқишларни ривожлантириш зарур бўлади.

Тарбияси оғир болалар ва ўсмирларни тарбиялашда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Энг аввало, болаларнинг бўш вақтларини тўғри тақсимлаш, уларни “қўнгил очар” ўйинларда иштирок этишларига, беъмани “ҳордик чиқариш” ва кўча-кўйда мақсадсиз юришларига йўл қўймаслик лозим. Бунинг учун мактаб, маҳалла, жамоатчилик ва оила ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, болаларни иложи борича мактабдан ташқари муассасаларга жалб этиш чоратадбирларини қўллаш керак.

Уларнинг хулқи ва фанларни ўзлаштиришларини объектив баҳолаш, шахслараро муносабатларда ёш ва индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олиш, дарсларни юқори савияда ва қизиқарли олиб бориш, оилада ва синф жамоасида қулай шарт-шароит яратиш яхши натижа беради.

Улар билан ишлашда кўпроқ индивидуал ёндашиш, уларни доимий кузатиб бориш, шахсий ҳужжатларини изчил ўрганиш, улар фаолияти, хулқ-атвори ва характер хусусиятларини ифодаладиган синф раҳбари ёки амалиётчи психолог дафтарини тузиш, низоли вазиятларни вужудга келтириш орқали тажриба ўтказиш ишларини олиб бориш тарбияси қийин боллар ва ўсмирларни қайта тарбиялашда муҳим ҳисобланади.

ХУЛҚ ОҒИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА ПСИХОЛОГИК ТАЪСИР ЧОРАЛАРИ

Шахснинг оғишган хулқи турлича ижтимоий институтлар томонидан бошқарилади ва назорат қилинади. Жумладан, жамоатчилик таъсири ҳуқуқий қонунлар, тиббий аралашув, педагогик таъсир, ижтимоий кўмак ва психологик ёрдам характерида бўлиши мумкин. Хулқий бузилиш мураккаб характерга эга бўлиб, унинг олдини олиш ва бартараф этиш яхши уюштирилган ижтимоий-психологик таъсирлар тизимини талаб қилади.

Хулқ оғишнинг олдини олишда психологик ёрдам амалга оширилаётган тизим босқичларидан бири сифатида бошловчи ва асосий ўринни эгаллайди ва гуманистик йўналганлиги билан фарқланади. Бунда психологик ишнинг махфийлик, ихтиёрийлик ва шахсий манфаатдорлик, инсон томонидан ўз ҳаёти учун масъулиятни қабул қилиш, ўзаро ишонч, қўллаб-қувватлаш, шахс ва индивидуаллигини ҳурматлаш каби тамойилларни ҳисобга олиш назарда тутилади.

Шунингдек, девиант хулқнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, психопрофилактик ишларнинг қуйидаги тамойилларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

– мажмуавийлик (оила ва шахс, ижтимоий борлиқнинг турли даражасига таъсирни уюштириш);

– манзиллилик (ёш, жинсий ва ижтимоий тавсифномаларни ҳисобга олиш);

- оммавийлик (ишнинг гуруҳли шакли бирламчилиги)психологиясини шакллантириш;
- ахборотнинг ижобийлигини таъминлаш;
- салбий оқибатларни энг кам даражага тушириш;
- иштирокчиларнинг шахсий манфаатдорлиги ва масъулиятини ошириш;
- шахснинг энг юқори даражадаги фаоллигини таъминлаш;
- келажакка интилувчанлик ҳиссини шакллантириш (ахлоқ оқибатларини баҳолаш, ижодий қадриятлар ва мақсадларни долзарблаштириш).

Хулқ оғишининг олдини олишда психологик ёрдам иккита етакчи йўналишни тақоза қилади. Бу психологик превенция (огоҳлантириш, психопрофилактика) ва психологик интервенция (бартараф этиш, коррекция, реабилитация). Психологик ташҳис, хулқ оғишининг олдини олишнинг мустақил йўналиши ҳисобланмайди, аксинча, хулқ оғишининг олдини олишнинг умумий мақсадига киради.

Психологик ёрдамнинг икки асосий турини фарқлаш мумкин. Оғишган хулқнинг олдини олиш – биринчи навбатда ижтимоий уюшганликнинг турли даражаларида умумий ва махсус тадбирлар тизимини кўзда тутати: умумдавлат, ҳукукий, жамоатчилик, иқтисодий, тиббий-санитар, педагогик, ижтимоий-психологик ва б.қ. Оғишган хулқнинг олдини олиш муваффақияти шартлари унинг мажмуавийлиги, кетма-кетлиги, дифференциаллиги, ўз вақтида амалга оширилишига боғлиқ бўлади. Оғишган хулқни олдини олишнинг кейинги тизими фаол шаклланаётган шахс, масалан, ўсмирлар билан ишлашда, айниқса, муҳим ҳисобланади.

БССТ (Бутунжақон соғлиқни сақлаш ташкилоти) оғишган хулқнинг олдини олишнинг бирламчи, иккиламчи ва учламчи кўринишларини ажратишни таклиф қилади. Бирламчи олдини олиш муайян кўринишни чақирувчи нохуш омилларни бартараф этишга, шунингдек, шахснинг бу омиллар таъсирига чидамлилигини кўтаришга йўналтирилган бўлиши лозим. Бирламчи олдини олиш ўсмирлар ўртасида кенг олиб борилиши мумкин. Иккиламчи олдини олишнинг вазифаси – асабий-психик бузилишларни эрта аниқлаш ва реабилитация қилиш ҳамда “хатар гуруҳидаги”лар билан, масалан, ҳозирги вақтда бу намоёиш этилмаган бўлса-да, оғишган хулққа нисбатан мойиллиги бўлган ўсмирлар билан ишлаш. Учламчи олдини олиш хулқ бузилиши билан бирга кечадиган асабий-психик бузилишларни доволашдек махсус вазифаларни ҳал қилади. Учламчи олдини олиш шаклланган девиант ахлоқли шахсларда хулқ оғишини огоҳлантиришга йўналтирилган бўлмоғи лозим.

Психопрофилактик иш барча уч босқичнинг тадбирлар мажмуасига кириши мумкин. Шунинг учун у муаммонинг пайдо бўлишидаги илк босқичларда хулқ оғишини чақирувчи шарт ва сабаблар таъсири шаклида бирмунча самарали ҳисобланади.

Юридик психологияда психопрофилактик ишларнинг турлича шакллари мавжуд.

Биринчи шакл – мақбул ижтимоий муҳитни ташкил этиш. Унинг асосида хулқ оғишининг шаклланишида атрофдаги муҳитнинг

детерминацияланувчи таъсири ҳақидаги тасаввурлар ётади. Ижтимоий омилларга таъсир кўрсатиб, бу орқали шахсда исталмаган хулқ оғишини олдини олиш мумкин. Таъсир бутун жамиятга йўналтирилган бўлиши мумкин. Масалан, оғишган хулққа нисбатан жамоатчиликнинг салбий фикрини шакллантириш. Бундай тадбирларнинг объекти оила, ижтимоий гуруҳ (мактаб, синф) ёки аниқ шахс бўлиши мумкин.

Ушбу модел доирасида тобе хулқ профилактикаси ўсмирларда даставвал соғлом турмуш тарзи ва огоҳликка нисбатан кўрсатмани шакллантириш бўйича ижтимоий-психологик таъсирдан иборат бўлиши лозим. Бунда оммавий ахборот воситалари сиёсати алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, махсус дастурлар, хусусан, ёшларнинг севган вакиллари чикишлари, махсус танланган кинофильмлар – буларнинг барчаси ҳозирги вақтда амалга оширилаётган тадбирларга қараганда самаралироқ даражага эга.

Ёшлар субмаданияти билан ишлаш. “Ёшлар гиёҳвандликка қарши” ҳаракати ёки оммавий рок-гуруҳларнинг чикишлари билан шу номдаги акцияларни ташкиллаштириш шаклида ташкил этилиши мумкин. Бунда айниқса ёшлар ўзларининг бўш вақтларини ўтказадиган ва мулоқот қиладиган жойларда улар билан ишлаш муҳимдир. Масалан, дискотекаларда ниқобдаги сирли одамлар пайдо бўлиши мумкин. Оқшом якунида ёшлар улардан гиёҳванд моддалардан яқин одамларини йўқотиш билан боғлиқ кечинмалар ва трагик тақдирлар ҳақида билиб олишлари мумкин.

Ўсмирлар билан ишлаш тадбири. Бундай тадбирларни кўчаларда ташкил этиш ҳам мумкин. Бу орқали тегишли ишларни олиб бориш учун ўсмирлар сардорини тайёрлаш мумкин.

Шунингдек, ушбу ёндашув доирасида исталмаган хулқ билан қўшилмайдиган шароит ва кўмаклашувчи “худуд”ларни яратишга уринишларни қўллаш мумкин. Аммо унутмаслик керакки, моделнинг асосий камчиликларидан бири ижтимоий омиллар ва оғишган хулқ ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқликнинг йўқлиги ҳисобланади. Умуман олганда, ушбу ёндашув етарлича самарадор усуллардан саналади.

Психопрофилактик ишнинг иккиламчи шакли – хабардор қилишдир. Бу биз учун бирмунча одатий психопрофилактик ишни олиб боришнинг маъруза, суҳбат, адабиётлар ёки видео ва телефильмларни тарқатиш шаклидаги кўринишидир. Ёндашув моҳияти конструктив қарорлар қабул қилишга унинг лаёқатини кўтариш мақсадида шахснинг когнитив жараёнларига таъсир кўрсатишга уринишдир.

Бунинг учун одатда статистик маълумотлар билан тасдиқланган, масалан, гиёҳванд моддаларнинг саломатлик ва шахсга ҳалокатли таъсири ҳақидаги ахборотлардан кенг фойдаланилиш мумкин. Кўпинча ахборот кўрқитувчи характерга эга. Бунда гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишнинг салбий оқибатлари санаб ўтилади ёки хулқ оғишига эга бўлган шахсларнинг драматик тақдири, уларнинг шахсий деградацияси ёритиб берилади.

Бундай усуллар мазкур муаммо бўйича билимни кучайтиради ва хулқни ўзгартиришга ижобий таъсир кўрсатади. Ўз-ўзидан хабардор қилиш девиация даражасини пасайтирмайди. Аммо унутмаслик керакки, баъзи ҳолларда,

аксинча, девиация билан эрта танишув унга қизиқишни кучайтириши ҳам мумкин. Чўчитиш ҳам хулқнинг ушбу турини мотивацияловчи когнитив-ҳиссий қизиқишни уйғотиши мумкин.

Қатор ҳолларда ахборот ўз вақтида берилмайди: ўта кеч ёки ўта эрта. Масалан, ўсмирлар билан ишлаш тажрибасининг кўрсатишича, гиёҳванд моддаларга тобе ахлоқни огоҳлантириш бўйича суҳбатлар 14 ёшдан кеч бўлмаган ёшда олиб борилса самаралироқ бўлади. Улар гиёҳванд моддалар ва уларнинг келтириб чиқарувчи кучли таъсирни батафсил ёритишдан иборат бўлмаслиги даркор. Бундай суҳбатлар девиант (хулқ оғиши) хулқ ва ундан сақланиш усулларининг оқибатларини муҳокама қилишга, фаол шахсий нуқтаи назарни ишлаб чиқишга йўналтирилган бўлиши мумкин.

Ушбу ёндашувнинг истиқболли ривожланишига чўчитувчи ахборотларнинг устунлик қилишидан шунингдек, жинс, ёш, ижтимоий-иқтисодий тавсифномаси бўйича ахборотларни дифференциациялашдан воз кечишга ёрдамлашиши мумкин.

Психопрофилактик ишнинг учинчи шакли – ижтимоий-муҳим малакаларига шахсни фаол ижтимоий ўргатишдир. Ушбу модел кўпинча гуруҳли тренинглар шаклида амалга оширилиши мумкин. Ҳозирги вақтда унинг қуйидаги шакллари кенг тарқалган.

Салбий ижтимоий таъсирларга берилишни мустаҳкамлаш тренинги. Тренинг давомида хулқ оғишига нисбатан кўрсатмалар ўзгаради, рекламали стратегияни англаб олиш малакаси шаклланади ҳамда тендошлари босим ўтказганида ҳам “йўқ” дея олиш лаёқати ривожланади. Бунда ота-оналар ва бошқа катталарнинг (масалан, ичкилик истеъмол қилувчи) салбий таъсири эҳтимоли ҳақида ахборот берилади.

Ҳиссий ёки аффектив - қадриятли таълим тренинги. Хулқ оғиши бевосита ҳиссий бузилиш билан боғлиқ деган тасаввурга асосланган тренинг. Бунда ўсмирларга ушбу муаммолардан олдиндан хабар бериш орқали ҳиссиётларни таниш, уларни мақбул образда ифодалаш ва стрессни маҳсулдор уддалашга ўргатилади. Гуруҳли психологик иш давомида қарор қабул қилиш малакаси шаклланади, ўз-ўзини баҳолаш даражаси кўтарилади, ўз-ўзини аниқлаш ва ижобий қадриятларни ривожлантириш жараёни рағбатлантирилади.

Ҳаётий малакаларни шакллантириш тренинги. Ҳаётий малакалар тушунчаси остида шахснинг бирмунча муҳим ижтимоий кўникмаларини шакллантириш тушунилади. Бунда даставвал бу – мулоқот қилиш, дўстона алоқаларни сақлаш ва шахслараро муносабатлардаги низоларни ижобий ҳал қилиш малакаси шакллантирилади. Шунингдек, бундай машғулотлар орқали ўсмирларда ўз зиммасига масъулиятни ола билиш, мақсад қўйиш, ўз нуқтаи назари ва манфаатларини ҳимоялаш қобилиятини шакллантириш мумкин. Ниҳоят, ўз-ўзини назорат қилиш, ўзи ва атрофдаги вазиятни ўзгартиришга ишончли хулқ малакаси шаклланади. Шунинг учун ўсмирлар билан ишлашда ушбу модел бирмунча истиқболли ва самарали усуллардан ҳисобланади.

Тўртинчи шакл – альтернатив девиант хулқ фаолиятини ташкил этиш. Ишнинг бу шакли девиант хулқнинг ўринбосар самараси ҳақидаги

тасаввурларни шакллантириш билан боғлиқ. Масалан, аддикция шахсий динамика – ўз-ўзини баҳолашни ошириш ёки референт муҳит интеграциясида муҳим роль ўйнаши мумкин. Психологик билимларга қараганда, одамлар кайфиятни яхшиловчи психофаол моддалардан унинг ўрнига нимадир яхшироғини олмагунларича фойдаланадилар. Фаолликнинг алтернатив шакллари сифатида қуйидагилар тан олинди: билим (саёҳат), ўзини синаш (тоққа саёҳат, хатарли спорт), аҳамиятли мулоқот, севги, ижодкорлик фаолияти (шу жумладан, профессионал, диний-маънавий, ҳомийлик).

Бу шакл шаклланган оғишган хулқ ҳолатида ёрдам кўрсатишнинг деярли барча дастурларида амалга оширилади. Оилавий тарбияда етакчи профилактик вазифа сифатида мустақкам қизиқишларни эрта тарбиялаш, севиш ва сеvimли бўлиш қобилиятини ривожлантириш, ўзини банд қилиш ва меҳнат қилиш кўникмасини шакллантиришдан ётади. Шунинг учун оналар болани фаолликнинг хилма-хил турларига – спорт, санъат, билимга жалб этиш орқали шахс эҳтиёжларини шакллантиришларини унутмасликлари лозим. Агар ўсмирда ёшлиқда ижобий эҳтиёжлар шаклланмаган бўлса, шахс салбий эҳтиёж ва билимларга нисбатан заиф бўлиб қолади.

Бешинчи шакл – соғлом турмуш тарзини ташкил этиш. У саломатлик учун шахсий жавобгарлик, атрофдаги дунё ва ўз организми билан уйғунлик ҳақидаги тасаввурларни шакллантиришдан иборат. Психологик билимлардан маълум бўлишича, одамнинг мақбул ҳолатга эришиши ва муҳитнинг нохуш омилларига муваффақиятли қарши тура олиш кўникмаси, айниқса, қимматли ҳисобланади. Соғлом турмуш тарзи, соғлом овқатланиш, мунтазам жисмоний ҳаракат, меҳнат ва дам олиш тартибига амал қилиш, табиат билан мулоқот, ортиқча нарсаларни истисно қилишни кўзда тутати. Бундай усулнинг самарадорлиги кўпинча экологик тафаккурга асосланган ва аҳамиятли тарзда жамият ривожланишининг даражасига ҳам боғлиқ бўлади.

Олтинчи шакл – шахсий имкониятларни фаоллаштириш. Бу усул орқали ўсмирларнинг спорт билан фаол шуғулланиши, гуруҳлардаги мулоқот ва шахсий ўсишдаги иштироки, арттерапия – буларнинг барчаси, ўз навбатида, шахс фаоллиги, унинг соғлиги ва ташқи салбий таъсирга берилувчанлигининг мустақкамлигини таъминловчи шахсий имкониятларини фаоллаштиришга эришиш мумкин.

Еттинчи шакл – девиант хулқнинг салбий оқибатларини камайтириш. Ишнинг ушбу шаклидан шаклланиб бўлган оғишган хулқли ҳолатларда фойдаланилади. У огоҳлантирувчи ёки унинг салбий оқибатларини профилактика қилишга йўналтирилади. Масалан, гиёҳвандликка тобе бўлиб қолган ўсмирларга ўз вақтида тиббий ёрдам, шунингдек, шунга ўхшаш касалликлар ва уларни даволаш бўйича зарурий билимларни олишлари мумкин.

Психопрофилактик ишнинг хилма-хил кўринишларида ўхшаш шакллар ва усуллардан фойдаланиш ҳам мумкин. Ишни ташкил этиш усули бўйича психопрофилактиканинг қуйидаги шакллари ажратиш мумкин: индивидуал, оилавий, гуруҳли иш.

Оғишган хулқни олдини олиш мақсадида турлича ижтимоий-психологик усуллардан фойдаланилади. Психопрофилактик ишнинг етакчи усуллари орасида: хабардор қилиш, гуруҳли мунозаралар, тренинг машқлари, ролли ўйинлар, самарадор ижтимоий ахлоқни моделлаштириш, психотерапевтик услублар бор.

Фойдаланилган усулларга боғлиқ равишда психопрофилактик иш тренинг, таълим дастурлари (масалан, мактабдаги махсус курслар), психологик маслаҳатлар, инқирозли ҳолатларга ёрдам бериш (ишонч телефонлари), шунингдек, чегара ҳолати ва асабий-психик бузилиш психотерапияси шаклида амалга оширилиши мумкин.

ТАРБИЯСИ ҚИЙИН БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР БИЛАН ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ПСИХОКОРРЕКЦИОН ТАДБИРЛАР

Маълумки, хулқ оғишининг келиб чиқишида шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларининг ўрни каттадир. Шу боисдан ижтимоий психологияда ушбу муаммо билан жиддий шуғулланиш ва хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирлар шахсини коррекция қилиш асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Айниқса, шахснинг кенг қамровли муносабатлар, ижтимоий амалиёт ва тарбия жараёни иштирокида камол топишини ҳисобга оладиган бўлсак, хулқ оғишига эга бўлган ўсмир шахси муаммоси юзасидан янада кенгроқ илмий ишларни олиб бориш зарурияти келиб чиқади. Чунки, ҳар бир шахс оила, мактаб, маҳалла таъсири натижасида шаклланади ва камол топади. Уларни соғломлаштириш, тарбиявий таъсир самарадорлигини ошириш эса ёшлар ўртасида юзага келаётган хулқ оғишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирлар шахси муаммосини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, бугунги кунда бу соҳада бир қатор муаммолар кўзга ташланади. Ана шундай муаммолардан бири хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирлар шахсини ўрганиш бўйича тадқиқот метод ва методикаларининг етишмаслиги ва борларининг ҳам республикамиз миллий муҳитига мослаштирилмаганлиги бўлса, иккинчидан хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирлар шахсини коррекция қилиш ва улар шахси деформациялашувининг олдини олиш борасидаги ишларнинг талаб даражасида эмаслигидир.

Хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирлар шахсида олиб бориладиган психокоррекцион ишлар нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам аҳамиятга эгадир. Бироқ, илмий манбалар ва амалиётда хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирлар шахсининг ўзига хос индивидуал-психологик хусусиятлари, улар шахсидаги ижтимоийлашувнинг издан чиқиши, шахс “мен” идаги ўзгаришлар ва бошқалар тўғрисида айтарлиқ маълумотлар учрамайди. Бу ўз навбатида хулқ оғишига эга бўлган ўсмир ва ўспиринлар шахсида психокоррекцион ишларни олиб бориш ишларининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Маълумки, шахс онги ва фаолиятининг мазмун-моҳиятини ўзгартириш унинг эътиқодига дунёқарашига боғлиқ бўлиб, улар муайян қадриятлар ва ҳаётий мезонларни шакллантириш орқали амалга оширилади. Бунда хулқ оғишига эга бўлган ўсмир шахсининг ўзига хос хусусиятларининг ҳисобга олиниши, ижтимоий соғлом турмуш билан онгли алоқа ўрнатилиши ва (дастлаб мажбурий бўлсада) кейинчалик уларнинг ижтимоий алоқа ва шахсининг маънавий сифатлари уйғунлигида ривожлантирилиши ёшлар ўртасида турли хил хулқ оғишларининг келиб чиқишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Шахс хулқининг соғломлашуви, ўсмирнинг онгли равишда ўз хоҳиш иродаси орқали ижтимоий муҳитга нисбатан мослашиши ва ҳаётда ўз ўрнига эга бўлишга интилиш орқали юзага келади. Шунинг учун ҳам шахс хулқини соғломлаштириш ишларини унинг дунёқарашини, онгини ва маънавий дунёсини ўзгартиришдан бошлаш зарур бўлади.

Шахсни қайта тарбиялаш жараёнининг бевосита фаол иштирокчисига айлантириш орқали ҳам унинг хулқ-атвордаги иллатларга нисбатан мустаҳкам иммунитетни ҳосил қилиш мумкин. Бу ўсмирни онгли равишда салбий ҳатти-ҳаракатлардан тияди.

Хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирлар билан профилактик ишларни олиб боришда уларнинг ёш ва индивидуал психологик-хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлигини унутмаслик керак. Шунинг учун ҳам ҳар бир ўсмирга ўзига хос усуллар орқали ёндошиш хулқ оғишининг олдини олишда муҳим ҳисобланади. Бу орқали ўсмирларда муайян мустақкам эътиқоднинг шаклланишига, кишиларга нисбатан бўлган ишонч ҳиссининг ортишига эришиш мумкин.

Маълумки, ўқув, меҳнат жамоалари ва турли хил нофармал гуруҳлар ўсмирларга ижобий таъсир этишлигини инкор этиб бўлмайди. Аммо баъзан хулқ оғишига эга бўлган ўсмирларни қайта тарбиялаш учун болалар лагерларига, клубларга жал этилиши бошқа ўсмирларда хулқ оғишининг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Чунки лагерда ёки клубларда хулқ оғишига эга бўлган ўсмирлар ўз салбий ҳатти-ҳаракатларини ривожлантириши ва бошқаларда ҳам уни шакллантириш имкониятига эга бўладилар. Шунинг учун хулқ оғишига эга бўлган ўсмирларни имкон қадар индивидуал тарбиялаш мақсадга мувофиқдир.

Хулқ оғишига эга бўлган ўсмирларни махсус тарбиявий калоннияларда тарбияланиши ҳам баъзан айрим ўсмир шахсига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Чунки қайта тарбиялаш колоннияларига баъзан ўсмир адашиб тушиб қолади ва натижада бутун вужуди, дунёқараши қонунбузарлик хулқи билан захарланган ўсмирлар билан бирга бўлишга тўғри келади. Бу эътиқод, дунёқараш ва мустақкам ирода сифатлари шаклланаётган яна бир бошқа ўсмирга салбий таъсир кўрсатади. Натижада ахлоқ тузатиш калоннияларидан озод бўлиб чиққач, илгари муқаррар жиноятчилик хулқини ўзида намоён этмаган ўсмир шахсида хулқ оғиши намоён бўла бошлайди.

Назаримизда бугунги кунда вояга етмаганлар ахлоқ тузатиш масканларига психолог, педагог мутахассисларни кенгроқ жалб қилиш,

уларнинг тавсия ва кўрсатмалари асосида тарбиявий тадбирларни амалга ошириш зарурияти келиб чиқмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирлар шахсини психокоррекция қилиш улар ўртасида хулқ оғишининг олдини олиш ва унга барҳам беришда муҳим аҳамият касб этади.

Болалар ва ўсмирларда хулқ оғиши ва тарбия бузилишини олдини олиш юзасидан психологик коррекцион машғулотлардан намуналар:

1-машғулот. “Ёрдам бериш”. Психолог ўсмир билан ишончли мулоқот ўрнатиш мақсадида ўзининг шахсий, кундалик, маиший муаммоларини унга айтиб беради. Шу жараёнда ўсмирдан ўзини ўрнига қўйиб кўриши ва муаммони ечиш йўллари сўрайди.

2-машғулот. “Харакатни баҳолаш”. Психолог ўсмирга хулқ-атворга оид ҳикоя сўзлаб беради. Ҳикоядаги ҳаракатларга ўсмирнинг шахсий муносабатини сўрайди.

3-машғулот. “Яхшилик қилиш”. Сухбат давомида психолог ёрдамга муҳтож инсонларга қандай ёрдам бериш мумкинлиги ҳақида сўрайди. Масалан (ёш болаларга, қарияларга, ногиронларга).

4-машғулот. “Ҳаёт стратегияси”. Сухбатда психолог ўсмирдан ҳаётий режаларини сўрайди. Ҳаётий режаларни амалга оширишда нима ёрдам бериши ёки ҳалақит бериши ҳақида биргаликда муҳокама қиладилар.

5-машғулот. “Ўзи ва ўзгалар ҳақида сўзлаш”. Психолог ўсмирдан 1 ҳафта. 1 ой олдин бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни ёзиши ва сўзлаб беришини сўрайди. Сухбатдан кейин шу вақтда бошқача яшаш мумкинмиди?-деган савол берилади. Жавоблар биргаликда таҳлил этилади.

6-машғулот. “Менинг идеалим”. Сухбат жараёнида ўсмирдан ҳаётий орзу-мақсадларини сўралади ва баҳоланади. Орзунинг амалга ошиши учун ижобий ахлоқий сифатлар зарур эканлигини таҳлил қилинади.

7-машғулот. “Ўсмир учун эртак”. Бу машғулот эртактерапия усулида ўтказилади. Ўсмирга унга ва атрофидаги одамларга ўхшаш қахрамон акс этган эртак айтиб берилади. Эртак якунида психолог ва ўсмир биргаликда хулоса чиқарадилар.

8-машғулот. “Фикрларни давом эттириш эстафетаси”. Ўқувчиларга бирор мавзуга оид гап айтилади. Улар занжир асосида берилган мавзунинг давом этиради, тўлдиради ва изоҳлайди. Фикрлар таҳлил қилинади ва муммоларни ечиш йўллари биргаликда ҳал қилинади.

9-машғулот. “Ўзини ўзи стимуллаштириш”. Ўсмирлар гуруҳларга бўлинади. Ўз-ўзини стимуллаштириш юзасидан бир-бирига саволлар беришади. Саволлар барча ўқувчилар билан биргаликда муҳокама қилинади.

10-машғулот. “Эркин мавзуда ижод қилиш”. Ўқувчиларга ўзларининг жудаям қизиқтирадиган мавзуларига оид расмлар чизиш ёки ҳикоя ёзиш таклиф этилади. Ҳикоялар ва расмлар биргалашиб таҳлил қилинади.

Машғулотларда психолог намуна кўрсатиб бериши, юмор ва ҳазиллардан фойдаланиши лозим. Ҳар бир машғулотдан кейин янги ғоялар

келиб чиқиши мумкин. Машғулотлар баъзи ўқувчига ёқиши ёки ёқмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳар бир машғулотни ўзига хос индивидуал усуллар асосида ўтказиш лозим.

МАҲАЛЛАЛАРДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТАРБИЯСИДАГИ НУҚСОНЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ИЖТИМОЙ- ПСИХОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

Республикамизнинг мустақиллик йўлида ривожланишида, давлатни бошқаришда, демократик ислохотларни амалга оширишда, ёшлар ўртасида юзага келаётган турли хил салбий иллатларнинг олдини олишда ҳамда бу ишларда фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи боқариш органлари ҳисобланган маҳалланинг ўрни бекиёсдир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ва жамоат ташкилотларидан фарқли ўлароқ, ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда, маҳалланинг ҳар бир оиласи, фуқароси шу жумладан, вояга етмаган ёшдаги болалар ҳаётига, онгига кириб боришда, уларни жамият ишларини бошқаришда иштирок этишини таъминлашда, келажак авлодни ақлан баркамол, маънан етук, ахлоқан пок этиб тарбиялашда алоҳида мавқиега эга. Шу боисдан “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунда таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилишда, тегишли ҳудудда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига кўмаклашиш каби ваколатларнинг берилиши бежис эмас албатта.

Фуқаролар йиғини раиси ва фаолларининг маҳаллада яшовчи ёшларни тарбиялашдаги ўрни бекиёс. Баъзан, маҳалла аҳолиси ўртасидаги ўзаро муносабатларда, ёшлар тарбиясидаги муаммоларда шундай ҳолатлар юзага келадики, уни ҳеч қандай норматив ҳужжат билан тартибга солиб, ёки тўғри йўлга бошлашнинг имкони бўлмайди. Бу каби ҳолатларни тартибга солиш ва мувофиқлаштиришда маҳалла оқсоқоли, маҳалла фаоллари халқимизга хос миллий кадриятлар, урф-одатлар, анъаналарга таяниши лозим бўлади.

Улуғларимиздан бири «Нобоп фарзанд ортикча бармоққа ўхшайди, кесиб ташласанг оғритади. Кесмасанг, ҳар жойда изза қилиб, юзингни ерга қаратади» - деган экан. Аслида ҳеч ким она қорнидан ўғри ёки жинойтчи бўлиб туғилмайди. Ёшларимизни тарбиялаш бобида қаерда, қачон, қандай хатоликларга йўл қўйилдики, айрим ёшлар жинойт ва қонунбузарлик қўчасига кириб қолиб, умрининг энг гуллаган даврини беҳуда ўтказмоқда? Ўсмир – ёшлар нега жинойтга қўл ураяпти? ⁶

Умуман олганда, ҳар бир жинойтчи барчамиз яшаётган маҳаллаларда туғилади ва ўсиб - унади. Ёшларнинг жинойт оламига кириб қолиши ота-онанинг, қолаверса маҳалла аҳлининг бефарқлиги асосида шаклланади.

Бинобарин, юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, ёшлар ўртасидаги жинойтчилик – бу аввало, биз, катталарнинг уларни тарбиялашда

⁶ Оилавий муҳит ва болалар //Қалқон. – 2006, - №1.- Б.14-15.

йўл қўйган жиддий хатоларимиз оқибатидир. Шунинг учун ҳам, руҳий ва маънавий жиҳатдан шахс сифатида шаклланмай қолиб, жиноят содир этган ёшларимизни жамиятга қайтариш – аввало, биз, ота-оналар ва давлатнинг зиммасига тушади.⁷

Оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлигини тўғри йўлга қўйиш, уларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш, вояга етмаган болалар ўртасида қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олиш ва бундай болалар билан ишлашни тўғри йўлга қўйиш мақсадида Республика прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Оила» илмий-амалий маркази, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази маҳаллий ҳокимликлар билан келишилган ҳолда ташкилий - педагогик ишларни олиб бориш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Жамоатчилик маслаҳат кенгаши тузиш ҳақида»ги буйруғи имзоланди. Буйруққа мувофиқ Низом ва тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Бугунги кунда ушбу йўналишдаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги вояга етмаган, тарбияси оғир, ноқобил ёшлар билан ишлаш жамоатчилик кенгаши Низоми асосида олиб борилмоқда. Аммо кузатишлардан маълум бўлишича, тарбияси оғир болалар билан ишлашда вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари, маҳаллалар, мактаблар, ички ишлар бўлими ва оилалар ҳамкорлиги талаб даражасида эмасдек туюлади. Табиийки, бундай ҳолат вояга етмаганлар ўртасида қонунбузарликларнинг олдини олиш тадбирларининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун вояга етмаганлар ўртасида қонунбузарликнинг олдини олишда энг аввало мазкур ташкилотларнинг ҳамкорлигини ташкил этиш муҳим ҳисобланади.

Кузатишларимиздан маълум бўлишича, маҳаллаларда вояга етмаган ёшдаги болаларнинг қуйидаги тоифалари билан психологик - педагогик йўналишдаги профилактик тадбирларни олиб бориш зарурияти мавжуд: озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазо ўтаётганлар; озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод қилинганлар; озодликдан маҳрум қилиш жазосига шартли ҳукм қилинганлар; жиноят содир этишда айбланиб, бироқ тергов давомида қамоққа олинмаганлар; жамоатчилик тартиб-қоидаларини бузганлар; доимий равишда спиртли ичимликлар истеъмол қилувчилар; гиёҳвандликка мойиллиги мавжуд вояга етмаганлар; оиладан ўзбошимчалик билан доимий равишда кетиб қолаётганлар; тез-тез дарс қолдирувчи вояга етмаганлар; ғайриижтимоий ҳаёт тарзини кечирувчи вояга етмаганлар; носоғлом оилавий муҳитда тарбияланаётган вояга етмаганлар; маиший-иқтисодий жиҳатдан кам таъминланган оилаларда тарбияланаётган вояга етмаганлар ва бошқалар.

Бу тоифадаги вояга етмаган болалар билан психологик-педагогик йўналишдаги профилактик ишларни олиб бориш маҳалла ёшлари ўртасида қонунбузарликларнинг олдини олиш борасида муҳим ҳисобланади. Шунингдек, маҳаллаларда профилактика ишларини ташкил этишни

⁷ Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т.: “Ўзбекистон”, 2002. – Б.41.

режалаштириш, ноқобил оилалар ва уларнинг фарзандлари билан олиб бориладиган ишларни такомиллаштиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида бошқа бир талай ижтимоий, педагогик-психологик вазифалар ҳам туради. Улар қуйидагилардир:

1. Ижтимоий-психологик жиҳатдан носоғлом муҳитли оилаларни ўрганиш.

2. Маҳалладаги вояга етмаган шахсининг психологик, тиббий – педагогик хусусиятларини, турмуш шароитларини, қизиқиш ва эҳтиёжларини, қийинчилик ва муаммоларини, низоли вазиятларни, болалар хулқ-атворидаги оғишларни ўрганиш.

3. Маҳалладаги оилаларга ахлоқий – психологик, моддий – маданий, ва маърифий жиҳатдан тавсифнома тайёрлаш.

4. Оиладаги криминал омилларни хусусан, алкоголизм, наркомания, ота-оананинг бузуқ ва паразит ҳаёт кечириши, оилавий жанжаллар, ота-она томонидан болалар тарбиясида қўлланилаётган тарбия усуллари, оилада судланганларнинг мавжудлигини ўрганиш ва керакли маслаҳатлар бериш.

5. Маҳалладаги оилаларнинг ижтимоий – демографик омиллари, яъни тўлиқ ёки нотўлиқ оила, кўп болали ёки кам болали оила, қайта турмуш курган ва ўғай фарзандларнинг мавжудлиги ҳолатини ўрганиш.

6. Оилаларда ота-оналарнинг болалар тарбияси ҳақидаги педагогик – психологик билимлари даражасини ўрганиш.

7. Маҳалладаги тарбияси қийин болалар ва ўсмирларни ижтимоий фойдали машғулотларга жалб қилиш.

8. Оилаларда болаларнинг ижтимоий етимлигини (назоратсизлик ва қаровсизлик) келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ва унинг олдини олишга зарурий малаҳатлар бериш.

9. Болаларнинг хулқ-атвorigа салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш чора тадбирларини кўриш.

10. Тарбияси оғир болалар ва ўсмирлар билан яқка тартибда ишлаш чора тадбирларини кўриш.

11. Маҳалладаги болалар тарбиясида кўни-қўшничилик таъсирини кучайтириш.

12. Маҳаллада болалар тарбиясини оила - мактаб - маҳалла ҳамкорлиги концепцияси асосида ташкил этишга эришиш.

БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРДА ХУЛҚ ОҒИШИ ВА ТАРБИЯДАГИ БУЗИЛИШЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН АЙРИМ ТАВСИЯЛАР

Болалар ва ўсмирлар ўртасида хулқ оғиши ва улар тарбиясидаги бузулишларнинг олдини олишда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

❖ Хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирлар шахсида асоциаллик, рухий беқарорлик, ўзгарувчанлик, гипертимлик, аффектга мойиллик, циклотомиклик хусусиятларининг яққол ифодаланганлигидан келиб чиқиб,

улар шахсини соғломлаштиришга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқдир. Бунда улар яшаётган оила ва ижтимоий муҳитни соғломлаштириш, шахслараро соғлом муносабатни вужудга келтириш ишларини олиб бориш яхши натижа беради.

❖ Вояга етмаганлар ўртасидаги хулқ оғишининг келиб чиқиши асосий сабаблари сифатида “болалар ва ўсмирлар фаолиятини назорат қилмаслик”, “оилада бола тарбиясига эътиборнинг сусайиши” кабилар намоён бўлганлигидан келиб чиқиб, оилада ва оиладан ташқарида болалар ва ўсмирлар фаолиятини, бўш вақтларида нима билан шуғулланаётганлигини назорат қилиш ва оилада болалар тарбиясига эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

❖ Крименоген хулқли оилаларни аниқлаш, уларда тарбияланаётган болалар ва ўсмирлар аҳволидан хабардор бўлиб туриш.

❖ Моддий-маъиший шароитнинг етарли эмаслиги вояга етмаганларда хулқ оғишининг келиб чиқишига таъсир этишлигини ҳисобга олиб, бундай оилаларга маҳаллий ҳокимият, ижтимоий таъминот ва хайрия жамғармалари томонидан моддий ёрдамлар бериб туришни ташкил этиш.

❖ Болалар ва ўсмирларнинг мактабдан кейинги бўш вақтларини назорат қилиш ва улардан унумли фойдаланишни ташкил этиш.

❖ Ота-оналар, катта ёшдаги кишилар ва ўқитувчилар томонидан болалар ва ўсмирларга нисбатан қўлланилаётган қаттиқул, қўпол ва адолатсиз муносабатларига барҳам бериш.

❖ Вояга етмаганларда хулқ оғиши кўпинча ота-оналар, ўқитувчиларнинг болалар ва ўсмирлар психологисини билмасдан туриб муносабатда бўлишликлари натижасида келиб чиқаётганлиги ота-оналар ва ўқитувчиларни психологик-педагогик билилар билан қуроллантириш зарурлигини кўрсатади.

❖ Психолог, социолог, педагог, психиатр ва ҳуқуқшуносларнинг оммавий ахборот воситаларида вояга етмаганлар қонунбузарликлари ва уларнинг олдини олиш, жиноятчилик хулқи психологияси, болалар ва ўсмирлар психологияси каби мавзуларда эшиттиришлар, кўрсатувлар ва мақолалар билан чиқишларини ташкил этиш.

❖ Вояга етмаганлар ўртасидаги қонунбузарликларнинг олдини олиш ишларига қарияларни ва дин вакиллари жалб этиш.

❖ Республикамиз аҳолисининг катта қисми ёшлар зиммасига тўғри келаётганлигини ҳисобга олиб, маҳаллаларга алоҳида вояга етмаганлар билан ишлаш профилактика нозирлигини ажратиш мақсадга мувофиқдир.

❖ Тошкент шаҳри, вилоятлар, туманлар ҳокимликларида ташкил этилган вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятни кучайтириш ва улар фаолиятида психолог, педагог, психиатр мутахассисларнинг кенгроқ иштирок этишини таъминлаш.

❖ Ички ишлар бўлимлари ва маҳаллалардаги вояга етмаганлар билан ишлаш профилактика нозирларини психологик-педагогик билимларини ошириш мақсадида махсус вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича психологик-педагогик малака ошириш курсларини ташкил этиш.

❖ Вояга етмаганлар ўртасидаги хулқ оғиши ва қонунбузарликларни олдини олиш тадбирларининг психологик-педагогик жиҳатдан илмий асосланган бўлишини таъминлаш.

❖ Вояга етмаганларда хулқ оғишининг олдини олишда болалар ва ўсмирларнинг ёш ва индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олиш.

ОТА-ОНАЛАРГА МАСЛАҲАТЛАР:

❖ Фарзандингизни бошқа болалар билан дўстлашишга ўргатинг. Уни ёлғиз юришига йўл қўйманг.

❖ Фарзандингизнинг дўстларини баҳолашда унинг ота-онасини мавқеи, имкониятига қараб эмас, фарзандингизга бўлган муносабатига эътибор беринг.

❖ Ўртоқларини ўзининг шахсий фикри асосида баҳо бериш ва ҳурмат қилишга ўргатинг.

❖ Фарзандингизга ўртоқларини ютуқларини кўрсатишга ҳаракат қилинг, албатта таққосламаган ҳолда.

❖ Фарзандингизни дўстликдаги садоқатини рағбатлантиринг.

❖ Фарзандингиз ўртоқларини уйингизга меҳмонга таклиф қилинг, улар билан мулоқот ўрнатинг.

❖ Дўстликда ростгўй бўлиш, манфаат кўзламаслик кераклигини ўргатинг.

❖ Фарзандингизни доим дўст бўлишга ўргатинг.

❖ Фарзандингиз дўстига ишонгандай ўз сирларини сизга айтса, сизга бўлган ишончини суистеъмол қилманг.

❖ Фарзандингизни танқид қилинг, фақат уни масҳара қилиб эмас, балки қўллаб қувватлаб.

❖ Фарзандингизни ўртоқларига яхшилик қилиш истагини қўллаб-қувватланг.

❖ Ўртоқларига муносабатда чақимчилик, сотқинлик қилишига йўл қўйманг.

❖ Салбий ҳислатлар ана шундай майда-майда кўринган камчиликлар оқибатида келиб чиқади.

❖ Ёшликдаги дўстлик унинг келгуси ҳаётида пойдевор бўлиши мумкин.

ТАРБИЯ ОҒИР БОЛАЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ҚУЙИДАГИ ТАМОЙИЛЛАРГА АСОСЛАНИШИ ЛОЗИМ:

❖ Болаларда ижобий хулқ-атвор ва характер ҳислатларини шакллантиришга йўналтирилган тарбиявий жараёни ташкил этиш.

❖ Психолог боладаги энг яхши инсоний фазилатларни кўра олишга ва болаларда ўзига ишониш, ўз хулқини ўзи яхшилаш мотивларини шакллантириши зарур.

❖ Болаларнинг ўзларидаги ижобий характер ҳислатларини англашини рағбатлантириш.

❖ Болаларни ўз хулқ-атворини ўзи баҳолашга ўргатиш.

❖ Ўқувчиларнинг ижобий ҳатти-ҳаракат қилишларини мунтазам назоратга олиш.

❖ Ўқувчиларга ишониш.

- ❖ Ўқувчилар олдига қўйилган вазифаларни бажаришда эришган ютуқларини рағбатлантириш.
- ❖ Ўқувчиларни фанга, касбга бўлган қизиқишларини ошириш.
- ❖ Ўқувчиларни бўш вақтларини тўғри ташкил этишларини назорат қилиш.
- ❖ Тарбия беришнинг оптимал стратегиясини аниқлаш.

ТАРБИЯСИ ҚИЙИН БОЛАЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИЛГАН ТАРБИЯ БЕРИШ:

- ❖ Ўқувчилардаги индивидуал сифатлардаги ўзгаришларни мониторинг қилиш.
- ❖ Ўқувчиларга индивидуал ёндашув ҳар бирига аниқ махсус педагогик таъсир ўтказиш.
- ❖ Тарбиявий таъсирни боланинг ҳар томонлама ривожлантиришга йўналганлиги.
- ❖ Дарсдан ташқари фаолиятларда ўқувчиларга мустақил фаолият (ўқиш, ўйин, меҳнат, хобби ва қизиқишлари)ни танлаш учун имконият бериш.
- ❖ Ҳар бир болага уларни ақлан ҳамда ахлоқан ривожланишига йўналтирилган тарбиявий ишларни ташкил этиш.
- ❖ Ўқувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатаётганда бошқа болаларга салбий муносабатни билдирмаслик.

Психолог ота-оналар билан ишлаш жараёнида ҳудудий “Оила марказ” лари, маҳалла фуқаролар йиғини ва шифокорлар билан ҳамкорлик қилиши лозим. Чунки, сурункали касал бўладиган ота-оналар фарзанд тарбиясига эътибор бера олмаслиги мумкин. Натижада фарзандларда ота-она меҳрига эҳтиёж туғилади. Шу пайтда педагоглар, маҳалла ва болаларни ҳуқуқини ҳимоя қилиш ташкилотлари ёрдам кўрсатишлари зарур.

Болаларни яқинлари (бувиси, оппоқиси, хола ва тоға, амаки) тарбияласа индивидуал суҳбат, маслаҳат ва тавсиялар бериб лозим бўлади.

Ота-оналар билан суҳбат жараёнида қуйидаги тавсияларни бериши мумкин.

Амалиётчи психологлар ўсмирлар билан индивидуал суҳбат олиб боришда талааб этилидиган айрим маслаҳатлар:

- ❖ Ота-онангизга ишонинг - улар сизнинг энг яқин одамингиз, улар сизнинг маслаҳаттўйларингиз бўлади. Ҳар қандай ота-она фарзандига фақат яхшилик тилайди.
- ❖ Уларга ўзингизни муаммоларингиз, муфаввақиятсизликларингиз ва ташвишларингиз ҳақида айтиб беринг.
- ❖ Хурсандчилигингизни ота-онангиз билан баҳам кўринг.
- ❖ Ота-онангизга ғамхўрлик қилинг: уларда ташвиш кўп.
- ❖ Уларни тушунишга ҳаракат қилинг ва ёрдам беринг.
- ❖ Ота-онангизни бекордан-бекорга ҳафа қилманг ва қийнаманг.
- ❖ Дўстларингизни ота-онангиз билан таништиринг ва улар ҳақида сўзлаб беринг.
- ❖ Ота-онангиздан ёшликлари ва ёшликдаги дўстлари ҳақида сўранг.
- ❖ Ўртоқларингиз эришган ютуқларни ота-онангизга айтинг.

❖ Дўстларингиз муваффақиятини оилада муҳокама қилиб муносабат билдиринг.

❖ Болаларда ижобий хулқ-атвор ва характер хислатларини шакллантиришга йўналтирилган тарбиявий жараёни ташкил этиш.

❖ Психолог боладаги энг яхши инсоний фазилатларни кўра олишга ва болаларда ўзига ишониш, ўз хулқини ўзи яхшилаш мотивларини шакллантириши зарур.

❖ Болаларнинг ўзларидаги ижобий характер хислатларини англашини рағбатлантириш.

❖ Болаларни ўз хулқ- атворини ўзи баҳолашга ўргатиш

❖ Ўқувчиларнинг ижобий ҳатти-ҳаракат қилишларини мунтазам назоратга олиш.

❖ Ўқувчиларга ишониш.

❖ Ўқувчилар олдида қўйилган вазифаларни бажаришда эришган ютуқларини рағбатлантириш.

❖ Ўқувчиларни фанга, касбга бўлган қизиқишларини ошириш.

❖ Ўқувчиларни бўш вақтларини тўғри ташкил этишларини назорат қилиш.

❖ Тарбия беришнинг оптимал стратегиясини аниқлаш.

ОТА-ОНА ВА АМАЛИЁТЧИ ПСИХОЛОГЛАР УЧУН ПСИХОЛОГИК ТЕСТЛАРДАН НАМУНАЛАР

Сиз қандай тарбиячисиз?

Келтирилган саволларга таклиф этилган жавоблардан сизнинг фикрингизга мос тушадиганини танлаб жавоб беринг. Жавоб бериш учун узок ўйланиб ўтирманг. Ҳаёлингизга келган биринчи жавобни беришга ҳаракат қилинг. Иложи борица тез ва самимий жавоб беришга интилинг.

“Ҳа” “Баъзан” “Йўқ”

1. Боланинг баъзи саволларига: “ Қачон катта бўлганингда ўшанда айтаман”-деб жавоб қайтарасизми?

2. Майда ҳаражатлар учун болага пул берасизми?

3. Агар болани бирон нимада (бирон масалада) инкор қилсангиз, унга сабабини тушунтириб берасизми?

4. Боланинг сизга берадиган ёрдамидан фойда кам ёки умуман бўлмаслигини била туриб, унга хўжалик ишларини бажаришда сизга ёрдам беришига йўл қўясизми?

5. Сиз болага нисбатан бўлган муносабатда арзимас (кичик) ёлғоннинг бўлиши мумкин деб ҳисоблайсизми?

6. Сиз болада кузатувчанликни ривожлантириш учун ҳар қандай ҳодисалардан фойдаланасизми?

7. Болалар иштирокида танишларингизни танқид қилишни ўзингизга раво кўрасизми?

8. Болани алдаш керак эмас, деб ҳисоблайсизми?

9. Сиз хатто кичкинтой болаларга ҳам барча ҳаётий фактларни тўла тушунтириб бериш керак деб ҳисоблайсизми?

10. Тарбия бўйича китоблар ўқийсизми?
11. Сиз, хатто энг кичик болалар ҳам ўз сирига эга бўлишга ҳақли деб ҳисоблайсизми?
12. Агар бола овқатланганда идишда овқатни қолдирса (овқатни охиригача емаса) уни жазолаш билан кўрқитиш ҳоллари бўлиб турадими?
13. Болада мустақиллик ва ўзига ишончлилиқ ҳиссини ривожланишига ҳаракат қиласизми?
14. Бола қувончини баҳам кўра олишни биласизми?
15. Ўзингизни бўш вақтингизни болалар билан мароқли ўтказа оласизми?
16. Ўз фарзандингиз иқтидорини намоёиш қилишни ёқтирасизми?
17. Сиз бир айтгандаёқ айтганингизни қилдира оласизми?
18. Агар болангиз инжиқлик қилаётган бўлса. Сиз бутунлай хотиржамликни сақлай оласизми?
19. Фарзандларингиз дўстлари билан дўстликни осон боғлай оласизми?

Тест калити

Жавоблар	САВОЛЛАР																		
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
Ҳа	0	3	3	4	0	5	1	3	0	4	3	0	5	3	5	0	5	5	4
Баъзан	2	4	2	3	3	2	2	4	3	2	2	1	1	2	1	1	0	1	2
Йўқ	5	1	0	0	4	0	4	1	4	0	1	4	0	0	0	4	0	0	0

Тест калитидан фойдаланган ҳолда ўз жавобларингизга баҳо қўйиб чиқинг ва уларни жамланг.

Баҳолар изоҳи:

25 баллдан кам бўлса: - қаттиққўллик- яхши тарбиянинг ягона элементи эмас. Сизнинг бу принципингиз билан болани қувноқ ва барқарор киши қилиб тарбиялаш оғир бўлади.

26-56 балл: Сизнинг принципингиз умуман тўғри, лекин сизга фақат мантикий бўлишлиқ етарли эмасдек туюлмаяптими, янада реалроқ (амалийроқ) бўлиш керак.

56 баллдан юқори: Сизнинг тоқатингиз ва бола психологиясини билишингиз, сўзсиз, муваффақиятга олиб келади. Кимки сизни яхши тарбиячи деб ҳисобласа, у ҳақ деб ўйлаймиз.

Болаларни ота-она тарбиялайди, ота-онаничи?

Бу тест сизнинг ота-она сифатида тасаввурингизни тўлдиришда, бола тарбияси муаммоси ҳақида аниқ хулоса чиқара олишингизда кўмаклашади деб ўйлаймиз.

Савол-тасдиқларни диққат билан ўқиб уларга таклиф этилган жавоблардан бирини, яъни ўз фикрингизга мосини танлаб жавоб беринг.

Бунда А-“Уддалайман, доим шундай қиламан”, В-“Уддалаш мумкин, бироқ доим шундай қила олмайман”, В-“Уддасидан чиқа олмайман”- деган жавобларни билдиради.

САВОЛЛАР		Жавоблар		
№	Уддалай оласизми?	А	Б	В
1.	Ҳамма ишингизни қолдириб, доимо бола билан шуғуллана оласизми?			
2.	Бола билан бирор соҳада жиддий маслаҳатлашасизми?			
3.	Бола билан бирор соҳада жиддий маслаҳатлашасизми?			
4.	Янглишсангиз боладан узр сўрайсизми?			
5.	Бола қилмишидан жаҳлингиз чикса, ўзингизни тута оласизми?			
6.	Ўзингизни бола ўрнига қўйиб кўринг...			
7.	Ўзингизни бир лаҳза ажойиб мард сеҳргар деб ҳис этинг.			
8.	Болалик даврингизда сизни ноқулай аҳволга солган ва энди болага ўртак бўладиган воқеани унга сўзлаб бера оласизми?			
9.	боланинг дилини оғритадиган сўзларни ишлатишдан ўзингизни тийинг..			
10.	Яхши хулқи учун боланинг бирон истагини бажаришга ваъда берасизми?			
11.	Болангизга у хоҳлаган ишини қиладиган, ўзини хоҳлаганича тутадиган бирор кун ажратиб Бера оласизми ва шу кун сиз унинг ишига аралашмайсизми?			
12.	Фарзандингиз бошқа бир болани урди ё асоссиз ҳафа қилди. Сиз индамайсизми?			
13.	Фарзандингиз кўз ёшига (агар бу ўтиб кетадиган инжиқлик деб ишонсангиз) тоқат қила оласизми?			

Ҳар бир жавоб бўйича олинган балларни ҳисобланг.

Бунда: А- 3 балл, Б-2 балл, В-1 балл билан баҳоланади.

Агар сиз **30 дан-39 гача балл** тўплаган бўлсангиз: бола сиз учун энг катта бойлик. Сиз нафақат уни тушунишга, балки, уни билишга интиласиз. Унга ҳурмат билан қарайсиз, тарбияда кўпроқ ибратли тадбирларни қўллайсиз. Демак, Сиз оқилона иш тутаяпсиз. Болангиз келажагидан ажойиб натижалар кутишингиз мумкин!

Тўплаган балларингиз 16-30 бўлса: болага ғамхўрлик сиз учун энг муҳим масала. Сиз тарбиячилик истеъдодига эгасиз, лекин буни амалда яққол кўрсата олмайсиз. Баъзан хаддан ташқари талабчан бўласиз, баъзан ўта юмшоқ.... Бола тарбиясига муносабатингизни жиддий ўйлаб кўринг.

16 дан кам балл бўлса: бола тарбияси сиз учун жуда мураккаб. Сизда ёки билим ё болани мукамал шахс қилиш орзуси етишмайди. (Эҳтимол униси ҳам, буниси ҳам). Сиз мутахассис тарбиячи ёки психологларга

муружаат қилишингиз зарур. Бола тарбиясига оид адабиётлар билан танишинг.

Бувилар ва набиралар

Ушбу тест саволлари орқали бувилар ва боболар хулқини сизнинг фарзандингизга қандай таъсир этаётганлигини баҳолаб оласиз.

1. Бола музқаймоқ ёки конфет сўраяпти. Бобоси-бувси ушбу талабни инкор қилишга ўзларида куч топа оладиларми?

- А) агар овқатланиш олдидан бўлса унда топадилар
- Б) ҳар доим ҳам эмас
- В) топа олмайдилар

2. Фарзандингиз буюмларини, ўйинчоқларини сочиб юборди. Бунда сизнинг ота-онангиз қандай иш тутадилар?

- А) танбех берадилар
- Б) зудлик билан ҳаммасини тартибга келтириб қўйишини талаб қиладилар
- В) ўзлари йиғиштириб бошлайдилар

3. Набираси ёмон сўзни гапирди. Бунга бобо-бувси қандай муносабатда бўладилар?

- А) сабабини тушунтириб бериб, таққийлайдилар
- Б) жазолайдилар
- В) эътибор қилмайдилар ёки куладилар

4. Набирасини меҳнатга қандай рағбатлантиради?

- А) шахсий намунаси билан
- Б) мажбурлаш билан
- В) қайтанга, ҳар қандай ишдан озод қиладилар

5. Агар бола ўйинчоқ харид қилиб беришни сўраса, улар қандай иш тутадилар?

- А) агар у ўзини яхши тутадиган бўлса харид қилиб берадилар
- Б) ўйинчоқнинг нархига қараб ҳал қиладилар
- В) бола хоҳишини доимо бажарадилар

6. Бобо-бувилари болага эзгуликни ёвузликдан қандай фарқлашни ўргатишадими?

- А) бунга уларнинг вақтлари етмайди
- Б) ҳа, эзгуликни рағбатлантиришга ҳаракат қиладилар
- В) йўқ, бунга ҳаётнинг ўзи ўргатиб қўяди деб ҳисоблайдилар

7. Уйни йиғиштиришга ёрдам бераётиб, бола бувисини энг яхши кўрган идишини синдириб қўйди. Бунга бувси қандай муносабатда бўлади?

А) ҳафалигини яширмайдилар, бироқ танбех бермайдилар, синикларини йиғиштириб олишга ёрдам берадилар

- Б) узоқ вақт панд-насихат қиладилар
- В) бундан бу ёғига уйни йиғиштиришни таққийлайдилар

8. Боланинг мустақиллигига кексалар қандай муносабатда бўладилар?

- А) кичик ёшиданоқ ўз-ўзига хизмат қилишга фаол ўргатадилар
- Б) бу ҳислатдан қуванадилар

В) ҳар хил ташвишлар билан болаликни “заҳарлаш” керак эмас деб ҳисоблайдилар

9. Боғчада, мактабда болани ҳовлини тозалашга жалб қилишган. Бунга бобо-бувилари қандай унаосабатда бўладилар?

А) бу ишларга секин –секин ўргатишга ҳаракат қилиш кераклигини эслатадилар

Б) бу ишларни муҳокама қилмайдилар

В) норозилик билдирадилар

10. Сиз болани қилмиши учун жазоладингиз. Бунга сизнинг ота-онангиз қандай муносабатда бўладилар?

А) бетарафликни намоён қиладилар

Б) жазолашни маъқуллайдилар

В) болани ёнини оладилар

Жавоблар қуйидагича боҳоланади:

А - 10 балл

Б - 5 балл

В - 1 балл

Сиз ўз жавобларингизга олган баҳоларингиз йиғиндисини ҳисоблаб чиқинг.

Олган балларингиз йиғиндиси 87-100 балл бўлса: сизнинг ота- онангиз, сизга болани тарбиялашингизга фаол ёрдамлашадилар. Улар етарлича қаттиқ қўл ва ўз айтганларидан қайтмайдилар. Агар бувилари билан набиралари ўртасида низолар юзага келса, сиз ўртадаги “бегона” сирашни бартараф қилинишига ёрдам беринг. Нима бўлса ҳам буни (уларнинг қаттиқ қўлликларини) болалар иштирокида ота-оналарингиз билан муҳокама қилманг.

33-66 балл: бобоси ва бувиси набирасини тарбиялашда юмшоқликка йўл қўядилар. Буни улар беихтиёр, чин кўнгилдан қиладилар. Гоҳида гапга кирмаслик уларда хафагарчилик, жаҳли чиқишни юзага келтиради. Бу ҳақда улар билан, болалар иштирокисиз хушмуомалалик билан гаплашиб олинг. Сиз танлаган тарбия моделини қўллаб қувватлашликлари лозимлигини тушунтириб беринг. Бу борада келиша олмаслик болалаларда ёмон асоратлар қолдириши мумкин.

32 ва ундан кам балл: бобо ва бувиларининг набираларига бўлган меҳри уларнинг ҳар қандай ҳарҳаша, танतिकлигини бажариш истаги ҳаддан зиёддир. Шу тарзда эгоист фақат ўзинигина ўйлайдиган, ҳатто сочларига оқ тушса ҳам ота-онасининг хизматидан фойдаланадиган одамни улғайтириш мумкин. Балким бошқача ҳам бўлиши мумкин, бундай тарбия ялқовликни, иродасизликни доимо ёрдамга муҳтож ожизликни шакллантириши мумкин.

Ўқувчиларни индивидуал психологик хусусиятларини ўрганишда турли хил диагностика методлардан фойдаланилади.

Ўқувчилардаги эмоционал ҳолат ва агрессивликни аниқлаш учун “**Кактус**” методидан фойдаланиш мумкин.

“Кактус” методи

Керакли жиҳоз: рангли қаламлар, А-4 форматдаги қоғоз.

Психолог ўқувчига қоғозга ўзи ёқтирган ва тассаввур қилган кактус расмини чизишни таклиф этади. Расм чизиш вақтида савол бериш ва ортиқча тушунтиришлар берилмайди. Расм чизиб бўлгандан кейин суҳбат ўтказилади.

1. Кактус хонакими ёки ёввойими?
2. Уни ушлаш мумкинми?
3. Кактусни парвариш қилса унга ёқадими?
4. Кактусга яқин қандай гуллар бор?
5. Кактус ўсганда қандай ўзгариш бўлади?

Натижалар таҳлили. Чизилган расмларга қараб психолог ўқувчидаги эмоционал ҳолатларни аниқлайди.

Жаҳлдорлик кучли – кактусда тикон сони кўп чизилса, тиконлари узун ва яқин жойлашган бўлса.

Импульсивлик биринчи ташқи туртки ёки ҳис-туйғулар таъсиридаёқ ўйлаб ўтирмай, маълум сўзларни айтиб юборишга, ҳаракатларни бажаришга мойиллик ифодаланадиган характер хислати- расмни босиб чизиш, алоҳида ажратилган чизиқлар.

Эгоцентризм ўз шахсий манфаатлари ва эҳтиёжларини қондиришга кучли ҳирс қўйиш – расм катта ва вароқнинг ўртасида жойлашган бўлса.

Тобелик, ишончсизлик – расм кичкина ва вароқ пастида бўлса.

Очиқлик ва намоёишкороналик – ноаниқ шакл, куртаклар чизилса.

Эҳтиёткорлик ва яширинлик – кактус четларида зигизак чизилган бўлса.

Оптимизм келажакка ишонч билан тўлиб-тошган ижобий характер хислати ёки эмоционал ҳолат-ёрқин ранглардан фойдаланса.

Хавотирланиш – тўқ ранглардан фойдаланиб, штрихлар чизилса.

Нозик дид эгаси – кактусни гуллагани, чиройли шакл ва безак берилса.

Экстраверт теварак-атрофдаги одамларга, ташқи ҳодисаларга йўналиш бор агарда, расмда бошқа кактуслар ва гуллар чизилган бўлса.

Интроверт шахснинг ўз фикрлари, сезгилари, кечинмалари ва ҳис-туйғуларига таяниши агарда, фақат битта кактус чизилган бўлса.

Оилавий ҳимояга интилиш – гултувак чиройли безалган бўлса.

Ёлғизликка интилиш – ёввойига ўхшаган кактус чизилса.

Ўқувчининг мактабга, билим олишга ва мактабдошларининг унга бўлган муносабатини аниқлаш

Ўқувчига жадвалда берилган саволларга ўзига маъқул бўлган жавобларнинг фақат биттасини танлаб белгилаши таклиф этилади.

№	Саволлар	Жавоблар
1	Мактабда ёки коллежда ўқиш сенга ёқадими?	Ҳа Билмадим Йўқ
2	Сен ҳар доим таълим муассасасига	Бажонидил бораман

	бажонидил борасанми ёки уйда қолишни истайсанми?	Ҳар доим ҳар хил Кўпроқ уйда қолишни хоҳлайман
3	Агар ўқитувчи эртага ҳамма ўқувчилар мактабга келиши шарт эмас деб қолгудек бўлса, сен қандай йўл тутасан?	Мактабга борар эдим Билмадим Уйда қолар эдим
4	Сенга маълум сабабларга кўра дарсларнинг қолдирилиши ёқадими?	Ёқмайди Ҳар доим ҳам эмас ёқади
5	Ўқитувчи уй вазифаси бермаслигини хоҳлармидинг?	Хоҳламас эдим Билмадим Хоҳлар эдим
6	Таълим муассасасида фақатгина танаффус бўлишини хоҳлармидинг?	Йўқ Билмадим Хоҳлар эдим
7	Ота-онангга ва дўстларингга ўқишинг ва у жой ҳақида гапириб берасанми?	Доим Камдан-кам Йўқ гапирмайман
8	Сен ўқитувчининг феълани юмшоқроқ бўлишини хоҳлармидинг?	Менга ўзимнинг ўқитувчим ёқади Аниқ бир нарсга дейиш қийин Хоҳлар эдим
9	Синфда дўстларинг кўпми?	Кўп Кам Дўстларим йўқ
10	Сенга синфдошларинг ёқадими?	Ёқади Унчалик эмас ёқмайди

Натижалар таҳлили.

Ҳар бир жавоб учун-3 балл, оралиқ жавоб учун -1 балл, охириги жавоб учун-0 балл.

Энг юқори балл-30 балл.

25-30 балл. Ўқишга фаоллиги юқори, ўқувчининг таълим муассасасига ва ўзига бўлган муносабати яхши шаклланган.

20-24 балл. Мактабга нисбатан муносабати меъёрида шаклланган.

15-19 балл. Таълим муассасасига бўлган муносабати ижобий шаклланган бўлсада, лекин ўқув жараёни уни қизиқтирмайди.

10-14 балл. Ўзини ўқувчи сифатида ҳис этиш шаклланмаган.

10 баллдан паст. Таълим муассасасига, ўқишга муносабати салбий.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т.: “Ўзбекистон”, 2002. – Б.41.
2. Битянова М.Р. Организация психологической работы в школе. –М.: «Совершенство», 1997 г.
3. Воспитание трудного ребенка: дети с девиантным поведением. под.ред. М.И. Рожкова. –М.: гуманит.изд. центр «ВЛАДОС», 2003 г.
4. 7.Гришин В.В., Лушин П.В. Методики психодиагностики в учебно-воспитательном процессе. - М., 1990. - 47с.
5. Игошев К.Е. Опыт социально-психологического анализа личности несовершеннолетних правонарушителей. М.1967, с.67-68
6. Сотрудничество учителя и школьного практического психолога. Сборник научно-методических трудов. Под.ред А.К.Марковой. –М.: 1993 г.
7. Оилавий мухит ва болалар //Қалқон. – 2006, - №1.- Б.14-15.
8. Личко А.Е. О динамике акцентуаций характера. – В.кн.: Патохарактерологические исследования у подростков. Л., 1981, с.78-89.
9. Личко А.Е. О динамике акцентуаций характера. – В.кн.: Патохарактерологические исследования у подростков. Л., 1981, с.78-89.
10. Шоумаров Ғ.Б., Соғинов Н.А., Ҳабибуллаев Ф.Ғ. Оилани ўрганиш психодиагностик методикалари. –Т.: 1998 й.
11. Ядгарова Г.Т., Авлаев О.У. Тарбияси қийин, қалтис гуруҳга мансуб болалар билан ишлаш (Услубий қўлланма)Т.: 2007 й.
12. Карпова Г.Ф., Михайлычев Е.А. Методика изучения личности учащихся ПТУ. - М., 1989. - 126 с.
13. 18.Игошев К.Е. Опыт социально-психологического анализа личности несовершеннолетних правонарушителей. М.1967, с.67-68.
14. Таълим тизимида психологик хизматни амалга оширишда психодиагностика воситаларидан фойдаланиш (Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицей ва таъхис марказлари психологилари учун услубий қўлланма) /Тузувчи психол. фан. номз., доц. Н.А.Соғинов. - Тошкент - 2001. - 40 б.
15. Умаров Б.М. Ўзбекистонда вояга етмаганлар жиноятчилигининг ижтимоий-психологик муаммолари. Монография. – Тошкент, “Фан” нашриёти – 2008, 314 бет.
16. Умумий ўрта таълим муассаса ўқувчиларини касбга мойиллигини аниқловчи психологик таъхис методикалар (Амалиётчи психологлар учун методик қўлланма). /Тузувчилар психол. фан. номзод, доцентлар Р.И.Суннатова, Н.А.Соғинов - Тошкент 1999. -52 б.

Мундарижа

Кириш.....	4
“Оғишган хулқ” тушунчаси ва уни аниқлаш мезонлари.....	5
Хулқ-атвордаги “салбий оғишлар” типологияси ва унинг шаклланиши.....	12
Ёшларда хулқ оғиши ва тарбия бузилиши келиб чиқишининг ижтимоий-психологик сабаблари.....	17
Характер акцентуацияси ва хулқ оғиши.....	22
Болалар ва ўсмирларда хулқ оғиши ва тарбия бузилишининг келиб чиқишида ижтимоий муҳит ва оилавий тарбиянинг ўрни.....	24
Ёшларда хулқ оғиши ва тарбия бузилишининг олдини олиш бўйича профилактик тадбирларнинг айрим ижтимоий-психологик хусусиятлари.....	34
Тарбияси қийин болалар ва ўсмирлар билан ишлаш юзасидан психологик маслаҳатлар.....	37
Хулқ оғишининг олдини олиш ва уни бартараф этиш бўйича психологик таъсир чоралари.....	36
Тарбияси қийин болалар ва ўсмирлар билан олиб бориладиган психокоррекцион тадбирлар.....	41
Маҳаллаларда вояга етмаганлар тарбиясидаги нуқсонларнинг олдини олишнинг ижтимоий-психологик масалалари.....	44
Болалар ва ўсмирларда хулқ оғиши ва тарбиядаги бузилишларнинг олдини олиш бўйича айрим тавсиялар.....	47
Аддабиётлар рўйхати.....	51